



2 · 2021

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

*Ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий,
маданий-маърифий, безакли журнал*

УШБУ СОНДА:

*Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири
Шавкат Ҳамроев соҳа ривожини йўлидаги ишлар
ҳақида сўзлайди.*

* * *

*Наманган вилоятида маданий-маърифий ишлар
қай даражада?*

* * *

*Ўзбекистон Республикаси фавқуллодда
вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари
Абдулла Қўлдошев билан аҳоли ва ҳудудлар
муҳофазаси хусусида суҳбат.*

* * *

*Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли
клиникаси бош шифокори Дилдора Рустамова
соҳадаги янгиликлар ҳақида ҳикоя қилади.*

* * *

*Ўқитувчи ҳамиша зиёлиларнинг олдинги
сафида бўлган.*

* * *

*Амир Темурни англаш – ҳар бир ўзбек
учун бахт.*

* * *

*Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиеванинг
янги шеърлари.*

* * *

*Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла
Орипов таваллудининг 80 йиллиги.*

* * *

Шоир Саъдулла Ҳакимни ёд этиб...

* * *

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг
«Клеопатра» романидан парча.*

* * *

*Ноль рақамини ким кашф этган? Муҳаммад
Мусо ал-Хоразмий ҳақидаги мақолани ўқисангиз,
бунни билиб оласиз.*

* * *

Ёш ёзувчи Жавлон Жовлиевдан янги ҳикоя.

* * *

*33 ёшида Ўзбекистон халқ рассоми унвонига
сазовор бўлган ҳайкалтарошни танийсизми?*





«SILVER STAR PRINT»
босмахонаси қуйидаги
хизматларни тақдим этади:

Журналлар ★ **Китоблар** ★ **Брошюралар** ★ **Тақвимлар**
Блокнотлар ★ **Буклетлар** ★ **Флаерлар** ★ **Картон**
қутилар ★ **Этикеткалар** ★ **Визиткалар**

**СИФАТ УЧУН
ИШОНЧЛИ КАФОЛАТ!**



УНУТМАНГ! БИЗ УЧУН ЭНГ МУҲИМИ – СИФАТ!

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа
тумани, 22-мавзе, 17-уй
тел: + 99 019 24 00
+ 99 742 17 41

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги

«Guliston», «Teatr»,
«Moziydan sado» журналлари
бирлашган таҳририяти

Бош муҳаррир:
Болтабой ШОДИЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари:
Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ
(Нашр учун масъул)

Жамоатчилик кенгаши:

Рустам АБДУЛЛАЕВ
Сойибжон БЕГМАТОВ
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ
Озодбек НАЗАРБЕКОВ
Акмал НУР
Сирожддин САЙИД
Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ

Таҳририят:
Комил ЖОНТОВЕВ
(Масъул котиб)
Манзура ШАМСИЕВА
Ўктам МИРЗАЁРОВ
Ҳулкар КУЗМЕТОВА
(Бўлим муҳаррирлари)
Нигина ИСМОИЛОВА
(Саҳифаловчи)
Анора ҲОЖИМАТОВА
(Мусахҳих)

Навбатчи муҳаррир:
Ҳулкар КУЗМЕТОВА

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил
30 сентябрда рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 897719.
Журнал икки ойда бир марта нашр этилади.
Таҳририят ва муаллифлар фикри фарқлиниши мумкин.
«Guliston» журналидан материаллар олинганда
манба кўрсатилиши шарт.
Хатларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Таҳририят
ижодий ишларни таҳрир этишга ҳақли.
Обуна ва журналнинг етказилиши билан боғлиқ масалалар
бўйича 71-244-45-34 рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Бичими 70x100. 1/8. Ҳажми 6 босма табоқ.
Буюртма № 16. Адади 4000 нусха.
Босмахонага 2021 йил 27 апрелда топширилди.
Босишга 2021 йил 29 апрелда рухсат этилди.
Таҳририят манзили: Тошкент – 100129,
Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: 71-244-45-34,

Журнал «SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
22-мавзе, 17-уй.

e-mail: gulistonjurnali@mail.ru

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Бозорга бордим яқинда. Ҳар хил кўкатлар олдим. Сотувчи жу-вон ҳисоблаб, фалон сўм бўлади, деди. Чўнтагимдан пул олиб санагунимча, сотувчи «Кечирасиз, амаки, бунча бўлар экан, мен редискани уч мингдан ҳисоблабман, сизга икки ярим мингдан бе-раман девдим», деди. Раҳмат айтиб, кейинги растага ўтдим. Бод-ринг, помидор олдим. Сотувчи аёл қанча бўлишини айтди. Пул узатдим, сотувчи пулни санади-да, «Амаки, кўп берибсиз», деб, ўн минг сўм қайтиб берди.

Бозорига барака тилаб, йўлимда давом этдим.

Бу икки воқеа анчагача хаёлимдан кўтарилмади. Биринчиси-да гап икки минг сўм, кейингисида ўн минг сўм ҳақида борарди. Албатта, ҳозирги кунда ўн икки минг сўм ҳеч нарса эмас. Бироқ гап ҳозир пулнинг миқдорида эмас, сотувчиларнинг ҳалоллигида, бировнинг ҳақидан кўрқишида, охиратда жавоб бериш оғирлигини англаб етганида.

Бировнинг ҳақи...

Юзаки қараганда жўнгина бир гап. Аммо унинг замирида ниҳо-ятда теран маъно, жуда залворли юк ётибди. Бировнинг ҳақидан кўрқиб, бировнинг ҳақи бировга буюрмаслигини, юқмаслигини, аксинча, бировнинг бир мисқоли ўзининг ўн, балки ундан-да кўп маблағини суриб кетиши мумкинлигини, топганида барака бўл-маслигини тушуниб етиш маънавий бойликнинг, ахлоқий етуклик-нинг, охиратдан кўрқишнинг белгисидир. Бундай фазилатларга эга инсон бировнинг бир тийинига ҳам кўз олайтирмайди.

Бугун жамиятимизда шундай одамлар кўплиги, кўпайиб бо-раётгани кишини қувонтиради. Шулар туфайли жамият ривожла-нишда, ҳаётимизда, турмушимизда барака бор.

Аммо, афсуски, тарозининг иккинчи палласи тоши ҳам оғирла-шиб бораётгандай. Бошқача айтганда, ўша инсофли, диёнатли, бировнинг ҳақидан кўрқадиган, охиратини ўйлайдиганлар қато-ри на Худодан, на қонундан кўрқадиган, на бандадан уяладиган кимсалар сафи ҳам ошиб бораётгандай туюлади. Чунки деярли ҳар куни вақтли матбуотда, радио-телевидениеда, ижтимоий тар-моқларда турли соҳаларда – болалар боғчаларидан тортиб таъ-лимнинг барча бўғинларида, қурилиш, тиббиёт, ҳуқуқ-тартибот, банк, бошқарув тизимларида миллионлаб, миллиардлаб пуллар талон-тарож қилинган ҳақида ёзилмоқда. Давлатимиз томонидан коррупцияга қарши кескин чоралар кўрилмоқда, аммо бу иллат ур-чиши давом этмоқда. Бу ҳолни қандай тушуниш, қанақа изоҳлаш мумкин?! Ўша талон-тарож қилинаётган ёки ўзлаштирилаётган пуллар бировники, яъни, халқники-ку. Наҳотки, шу хунук ишга қўл ураётганлар бировнинг ҳақи бировга буюрмаслигини билмаса ёки давлат ўз мулкани назоратсиз ташлаб қўймаслигини тушунмаса?! Йўқ, билади, ҳаммасини билади, жуда яхши тушунади. Фақат наф-сини жиловлаб ололмайди. Етти авлодимни таъминлаб қўяман деб ўйлайди шекилли баъзилар. Тоғдай олтин йиғса ҳам ҳалол йўл билан топилган бўлмаса буюрмаслигини ким билмайди? Қо-лаверса, ортиқча бойлик ғамлашдан не наф бор? Халқ ибораси билан айтганда, у дунёга олиб кетармиди. Сира имкони йўқлиги аён-ку. Бунга тарихдан қанча-қанча мисоллар бор. Дунёнинг ярми-ни эгаллаган Искандар Зулқарнайн тобутимда қўлимни очиб, бар-моқларимни ёзиб қўйинглар, токи у дунёга ҳеч нарса олиб кетиш-нинг иложи йўқлигини одамлар кўрсин, деб васият қилган. Машҳур рус актёри Юрий Никулиннинг бир гапи бор: «Бахт жуда оддий нарса. Эрталаб хотиним билан қаҳва ичамиз, нонушта қиламиз. Кейин мен ишга кетаман. Циркка бораман. Ўз ишимни қиламан. Кечкурун уйга келаман. Хотиним билан бирга овқатланамиз. Сўн-га мен ухлагани хонамга кириб кетаман. Бўлди...»

Аслида ҳам шундай эмасми?! Ортиқча хоё-ҳаваслару молу дунёнинг нима кераги бор? Фарзандларга деймиз, уларни ўйлай-миз. Фарзандларимизнинг бир умрлик эҳтиёжини таъминлаб бера олмаймиз. Уларга ўзини ўзи таъминлашни ўргатишимиз керак. Образли қилиб айтганда, фарзандларимизга балиқ бериш билан кифояланмасдан, балиқ тутишни ўргатмоғимиз зарур...

Нафс қулига айланиб қолаётганларнинг асосий фожиаси, биз-нингча, маънавий қашшоқлигида. Ахир, биз не-не буюк зотларнинг, дунёга ўзининг бекиёс илми, саховати, бағрикенглиги билан ном қо-зонган, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган улуг алломаларнинг авлодимиз. Улар моддий бойликни эмас, маънавий бойликни устун кўришган. Буни сира унутмаслигимиз зарур. Иқтисодий қашшоқлик-дан маънавий қашшоқлик ёмон. Биринчисини қариндош-уруғ, ош-на-оғайни ёрдам берса бартараф этиш мумкин, аммо иккинчисини ҳар бир инсоннинг ўзидан бошқа ҳеч ким тузата олмайди. Ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган, пул билан барча нарсани ҳал қилиш мумкин, деб қарайдиганлар кўпайиб бораётганга ўхшайди. Бу хавф-ли иллат, асорати ёмон «касаллик». Маънавий қашшоқ одамда юрт туйғуси, уни асраб-авайлаш, севиш, қадрини юксалтириш деган ту-шунчалар бўлмайди, десак янглишмаймиз. Шу боис маънавиятни юксалтириш масаласи билан барча бирдай иш олиб бормоғи зарур. Буни давлатимиз раҳбари ҳам алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифати-да фаолиятини бошлаган илк кунлардан кўра барчадан, биринчи-галда турли даражадаги раҳбарлардан аввало ўз маънавияти-ни, сўнг қўл остидагилар маънавиятини оширишни талаб қил-моқда. Ушбу масала бўйича қанча фармонлар, қарорлар қабул қилинди. Китобхонликни ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг 19 январида Президентимиз ушбу ма-салага бағишланган махсус видеоселектор йиғилиши ўтказди, мутасадди раҳбарларга, ҳокимларга аниқ топшириқлар берди. 26 март куни «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларни имзолади. Ушбу қарорга мувофиқ маъ-навий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш, жойларда маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантириш, Ёзувчилар уюш-маси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун жамғармага 120 милли-ард сўм маблағ ажратиладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 7 апрелдаги «Кино санъати ва сано-атини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўл-лаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ҳам бу борадаги хайрли ишларнинг узвий давоми бўлди. Фармон билан соҳа вакилларига кенг имтиёзлар берилди, моддий ва маънавий ғамхўрликлар кўрсатилди. Бинобарин, аҳолининг маънавий оламини бойитишда кино санъатининг ўрни бекиёс эка-ни барчага кундай равшан.

Бундай ғамхўрлик, бундай моддий ёрдам, қўллаб-қувватлаш қачон бўлган?! Энди ҳамма гап ана шу эътибор ва ғамхўрликдан самарали фойдаланиб, барча тоифадаги аҳоли маданияти, маъ-рифатини ошириш учун таъсирчан чоралар кўришда. Токи инсон фақат қорин ғами билан яшамасдан, ақлини пешлаш, дунёқара-шини кенгайтириш, бу дунёда маънавий озуқа деган нарса ҳам борлигини англаш лозимлигини тушуниб етсин. Шунда бировнинг ҳақидан кўрқадиганлар камайса (улар тамоман йўқ бўлиши қийин) ажаб эмас...

Бировнинг ҳақидан, Оллоҳдан, охиратдан кўрқадиганлар бор бўлсин! Уларнинг сафи кундан-кун кенгайверсин.



СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ОҚИЛОНА БОШҚАРИШ ВА СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Инсониёт тириклиги, бутун олам мавжудлиги сувга боғлиқ. Бугунги глобал иқлим шароитида оби-ҳаётга талаб ортаётгани ва самарали фойдаланмаслик оқибатида айрим минтақаларда сув танқислиги юзага келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу, айниқса, сувнинг энг кўп истеъмолчиси бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида кўпроқ сезилмоқда.

Мутахассислар таъкидлашича, минтақамизда глобал иқлим ўзгариши сабабли Тожикистондаги 8 мингдан ортиқ музлик майдонининг 30 фоизи, Қирғизистондаги 10 мингга яқин музлик майдонининг 16 фоизи эриб кетган. 2030 йилга бориб музликлар яна 15-20 фоиз камайиб кетиши башорат қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Орол денгизи ҳавзасида жойлашган бўлиб, мамлакатимизнинг асосий сув манбаси Амударё ва Сирдарё, шунингдек, ички дарё ва сойлар ҳамда ер ости сувидир.

«Амударё» ва «Сирдарё» ҳавзаси сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва сувни муҳофаза қилиш чизмасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси учун ўртача кўп йиллик сув олиш лимити 64 миллиард куб/метрни ташкил этади.

Сўнги йилларда глобал иқлим ўзгариши, сувдан фойдаланиш билан боғлиқ трансчегаравий муаммолар туфайли фойдаланилган ўртача йиллик сув миқдори 51-53 миллиард куб/метрни ташкил этмоқда. Шундан 97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи эса ер остидан олинмоқда. Бу миқдор ажратилган лимитга нисбатан 20 фоиз қисқарган.

Ҳисоб-китобга кўра, 2015 йилда Ўзбекистон бўйича умумий сув танқислиги 3 миллиард куб-метрни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 7 миллиард, 2050 йилга қадар эса 11-13 миллиард куб-метрга етиши мумкин. Таҳлиллар Орол денгизи ҳавзасидаги сув тобора камайиб бораётганини кўрсатмоқда. Хусусан, 2000 йилга қадар ҳар 6-8 йилда сув тақчиллиги такрорланган бўлса,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида бу масалага алоҳида тўхталар экан, «Ишончим комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ», дея таъкидлади.




Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати, саъй-ҳаракатлари натижасида охириги йилларда қўшни давлатлар билан йўлга қўйилган ўзаро дўстона ва ишончли алоқалар Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишга мустақкам замин яратди. Қўшни давлатларга ташрифлар давомида тран-

охириги вақтда ушбу салбий ҳолат ҳар 3-4 йилда кузатилмоқда.

Бундан ташқари, ҳаво ҳарорати кўтарилиши туфайли қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш меъёри 2030 йилга бориб 5 фоиз, 2050 йилга бориб 7-10 фоиз ошиши тахмин қилинмоқда.

Айни шароитда Марказий Осиёнинг умумий сув захирасидан оқилона фойдаланиш минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилidir.

Афсуски, 2017 йилгача бўлган даврда минтақада сув ресурсларидан баҳамжиҳатлик билан фойдаланиш борасида муаммолар тўпланиб қолган эди.



счегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масаласи олий даражада муҳокама қилинди. Кўп йиллардан буён ечилмай келаётган масалалар ҳал қилинмоқда, келишувлар имзоланаётир.

Қўшни давлатлар билан сув хўжалиги соҳасида ҳамкорликни



Шавкат ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири

ривожлантириш борасида икки томонлама ишчи гуруҳлари фаолияти жадаллашмоқда. Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси доирасида ҳам ҳамкорлик қилинаётир.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасига ҳозир Тожикистон Республикаси раислик қилмоқда. Шу билан бирга, Қирғизистон Республикасининг мазкур жамғармадаги иштирокини фаоллаштириш устида ҳам иш олиб борилаётир.

Кейинги йилларда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик ва эришилаётган келишувлар туфайли «Сирдарё» ва «Амударё» ҳавзасида сув таъминоти даражасини яхшилаш бўйича самарали натижаларга эришилмоқда.

Сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, рақамли технологияларни жорий этиш, соҳага замонавий бошқарув усулларини жалб қилиш борасида БМТ Тараққиёт дастури, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги, Япония халқаро ҳамкорлик



агентлиги, Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси, Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти, Жаҳон сув кенгаши, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва йирик молия институтлари билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Венгрия, Австралия каби давлатлар билан сув хўжалиги соҳасида яқиндан алоқа йўлга қўйилаётир.

Мамлакатимизда сув хўжалиги соҳасида изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 24 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан мамлакатимизда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланди.

Стратегия доирасида 2021 йилда 3099 сув хўжалиги объектига «Ақлли сув» қурилмалари, 1688 насос станциясига сув ва электр энергияси истеъмолини онлайн назорат қилиш қурилмаси, 2022 мелиоратив кузатув қудуғига сизот суви сатҳи ва минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилади. 20 сув хўжалиги объектининг бошқарув жараёни автоматлаштирилади.

163 насос агрегати ва 219 электродвигатель замонавийсига алмаштирилади, насос станцияларига 2625 та ёруғлик диодли лампа, 89 конденсатор қурилмаси, 73 частота ўзгартирувчи қурилма ва 79 қуёш батареяси ўрнатилади.

Жорий йилда 2670 насос агрегати ҳамда 1261 суғориш қудуғини таъмирлаш ва йиллик электр энергияси истеъмолини 7300,0 миллион киловатт/соатгача камайтириш режалаштирилган. Шу билан бирга, сув тежовчи технологиялар жорий этилиши кўламини кенгайтириш, энергия тежовчи ускуналар ўрнатиш ва насос станциялари иш тартибини мониторинг қилиш орқали йиллик электр энергияси истеъмолини 7000,0 миллион киловатт/соатдан камайтириш чораси кўрилмоқда.

133 ирригация қурилиши объектига ажратиладиган 627,9 миллиард сўм маблағ ҳисобига 349,5 километр канал, 125,7 километр лоток тармоғи, 62 та

суғориш қудуғи, 19 дона гидротехник иншоот ҳамда 205,0 миллион метр/куб ҳажмдаги иккита сув омбори қурилади ва реконструкция қилинади.

84 мелиорация қурилиши объектига ажратиладиган 300 миллиард сўм маблағ ҳисобига 580,4 километр очиқ коллектор тармоғи, 130,5 километр ёпиқ коллектор-дренаж тармоғи, 25 вертикал дренаж қудуқ, 10 кўприк ҳамда 19 гидротехник иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.

Бундан ташқари, 212 мелиорация объектини таъмирлаш-тиклаш учун ажратиладиган 365,2 миллиард сўм маблағ ҳисобига 15,3 минг километр коллектор-дренаж тармоғи таъмирланади.

Ирригация тизими ва суғориш тармоқлари техник ҳолати яхшиланиб, фойдали иш коэффициенти 0,64 дан 0,65 га етказилади ва 331 минг гектар суғориладиган ер майдонини сув билан барқарор таъминлаш имкони яратилади, 200,6 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади ҳамда шўрланган ер майдонларини 26,8 минг гектарга камайтиришга эришилади.

Стратегияда Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган минтақа трансчегаравий сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмини ишлаб чиқиш, Амударё, Сирдарё ва бошқа трансчегаравий дарёларда мониторинг тизимини такомиллаштириш, ҳамкорликда сувни назорат қилиш ва мониторингини юритиш белгиланган. Очиқ маълумот алмашиш тизимини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш, минтақа давлатлари томонидан йирик гидротехника иншоотларини қуриш бўйича ўзаро мақбул механизмлар ишлаб чиқиш ҳам барчанинг манфаатига хизмат қилади. Шунингдек, минтақавий сув ресурсларини бошқариш бўйича қўшма режалар ишлаб чиқиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаш, шу жумладан, минтақа миқёсида иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини кўриш ва амалиётга жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрланиши ҳам белгиланган.

Бу ишлардан кўзланган асосий ва эзгу мақсад энг олий неъмат бўлган сувдан оқилона фойдаланиш, сув ресурсларини самарали бошқариш ва минтақада сув танқислигининг олдини олишдир.



АҲОЛИНИНГ МАДАНИЙ САВИЯСИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Наманган вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Комилжон СИДДИҚОВ билан суҳбат

Инсониятнинг моддий ва номоддий маданий бойликларини асраб-авайлаш, сақлаб қолиш, ҳар қайси давлатни тараққиёт поғонасига олиб чиқиш мақсадига йўналтириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда бу борада кенг қамровли ишлар олиб борилаётир. Жумладан, Наманган вилоятида амалга оширилаётган маданий ислохотлар аҳоли манфаати учун хизмат қилишга қаратилляпти. Вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Комилжон СИДДИҚОВ билан ана шулар хусусида суҳбатлашдик.

– Наманган юртимизнинг қадимий илм-фан, маданият ўчоқларидан. Бу заминдан ўз даврининг кўплаб илғор фикрли, ташаббускор вакиллари етишиб чиққан. Кўҳна анъаналар аҳамиятини сақлаб қолиш, давом эттириш ва ривожлантириш борасида вилоят маданият бошқармаси томонидан қандай чора-тадбирлар белгиланган?

– Мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ислохотлардан асосий мақсад халқнинг розилигига эришиш ва одамларга фаровон турмуш шароити яратишдан иборат. Вилоят маданият бошқармаси ислохотларнинг яқин йилларга мўлжалланган истиқболли чора-тадбирларини белгилашда туман масъуллари билан маслаҳатлашиб иш тутмоқда. Биринчи галда диққат-этибор эскирган, хизматини ўтаб бўлган маданият масканлари ўрнида замонавий иншоотлар барпо этишга қаратилляпти. Зеро, кутубхона бўладими, театри, саройи, зарур техник жиҳоз билан таъминланиши шарт. Шундагина аҳолига талаб даражасида хизмат кўрсата оламиз.

Мавжуд муассасалар ҳолати чуқур ўрганилганда, бир қанчасининг ички ва ташқи қисмини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустақамлашга эҳтиёж борлиги аён бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2018 йилда 4 маданият маркази учун 17 миллиард 858 миллион сўм маблағ ажратилиб, қиёфаси тубдан ўзгартирилди. 2019 йил «Обод марказ» дастури асосида 6 маданият марказига 23 миллиард 605 миллион сўм сарфланди.

Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига асосан, 33 маданият марказини янгидан қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурга киритиш юзасидан тақлиф берилган. Маданият марказлари моддий-техник базасини мустақамлаш учун ўтган йили Тўрақўрғон туманига 100 миллион, Янгиқўрғон туманига 50 миллион сўмлик мусиқа асбоби, овоз кучайтириш воситалари маҳаллий бюджет ҳисобидан олиб берилди. Поп, Уйчи, Наманган, Чуст туманлари маданият марказларининг ҳар бирига салкам 260 миллион сўмлик қолғу асбоби Маданият вазирлиги томонидан тўхта қилинди. Бинобарин, моддий ахволни ўнглаш билан боғлиқ бу ишлар денгиздан томчи, холос. Бу жараён тўхтаб қолмайди, янгиланиш, такомиллаштириш, замон билан ҳамнафас бўлишни изчил давом эттирамиз.

– Ўз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан учинчи Ренессанс пойдевори яратилмоқда. Бунга «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган

улуғвор ғоя асос қилиб олинган. Янги Ўзбекистон, кенг тафаккур, замонавий дунёқараш шаклланиш экан, яхши ниятда ташланган ҳар бир қадам ўз самарасини беради. Наманган вилояти маданият муассасалари уйғониш даври ислохотларига тайёрми?

– Вилоятимизда кечаётган кенг кўламли ислохотлар хизмат кўрсатиш нуқталарида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Ана шундай ёндашув билан биз давлатимиз раҳбари илгари сураётган илғор ғояларнинг фаол, фидойи ижрочиси бўлишимиз мумкин.

Вилоятдаги 80 маданият марказидаги 464 тўгаракнинг 7876 аъзоси бор. 22 болалар мусиқа ва санъат мактабида 4227 нафар, 2 ихтисослаштирилган таълим масканида 1023 ёш ўз келажаги учун муносиб пойдевор яратмоқда. Вилоятимиз аҳолиси маданий савиясини юксалтириш, оммавий тадбирларнинг таъсирчанлик родини ошириш доимо диққат-марказимизда. 2020 йил коронавирус пандемияси бўлишига қарамай, тасарруфимиздаги маданият марказларига жалб этилган тўгарак аъзолари, мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган таълим даргоҳлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари орасида «Алла», «Камолиддин Раҳимов издошлари», «Наманган тановари», «Аждодлар мероси» кўрик-танловларини ўтказиб, 4 йўналишда кўплаб истеъдодли ва иқтидорли ёшларни кашф этишга муваффақ бўлдик. 350 киши қатнашган танловда ғолиб чиққан 12 нафар ўғил-қиз рағбатлантирилди.

Ёшлар қизиқувчан, касб-хунар ўрганиб, малака эгалласа, жамиятда муносиб ўрнини эгаллайди. Бунга маданият муассасалари ҳам ҳисса қўшиши керак. Наманган халқининг асрлар давомида тўпланиб, бугунги авлодга етиб келган халқ оғзаки ижоди намуналаридан ёшларнинг баҳраманд бўлиши муҳим аҳамиятга эга. 25 марказда очилган «Дўппичилик», «Каштачилик», «Фольклор» тўгаракларида 200 йигит-қиз жамланди. Моҳир хунармандларга шогирд тушган ёшларнинг касб-кор малакаси шаклланиб, улар сафи тобора кенгаймоқда.

Беш муҳим ташаббус доирасида вилоятимиздаги 705 умумтаълим мактабида ёшларнинг ўз қизиқишига мос 591 тўгаракка жалб этилгани ва мустақил ҳаётга муносиб тайёрланаётгани қувонарли. 103 тўгаракка болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчи ҳамда маданият муассасалари ходимларининг бириктирилиши орқали 26 790 кишини қамраб олдиқ. Пандемия даврида тўгарак машғулотлари онлайн тарзда ўтказилди.

– Маданият бойликлари – халқники. Баҳрамандлик, манфаатдорлик бўлмаса, бу ҳазина аҳамиятсиз бўлиб қолади. Вилоят мусиқали драма театри, кутубхоналар, маданият уйлари хизматидан аҳолининг фойдаланиш даражаси қандай ва бу ҳолат сизни қониқтирадими?

– Буюк бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий «Театр ибратхонадур» деган. Бу ҳикматли фикр ҳамон долзарб. Саҳна асари муҳлисни мушоҳада қилишга, хулоса чиқаришга ундайди. Вилоят мусиқали драма театри ижодкорлари улуғ бобомизнинг пурмаъно фикрини дилга жо этиб, кўплаб саҳна асарларини элимизга намоиш этиб келмоқда. Жорий йил бошидан бери учта янги спектакль саҳна-

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

лаштирилди ва намоиш этилди. Маданият вазири топиригига асосан, иккита музейда ҳафтасига бир марта «Очиқ эшиклар куни» эълон қилиниб, 25 мингдан ортиқ ёш иштироки таъминланмоқда. 274 маданий мерос объектига 8 мингдан зиёд зиёратчи келиб кетди. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят, шаҳар, туман маданият бўлимлари, таълим муассасалари, концерт ташкилотлари ҳамкорлигида 1407 тадбир ташкил этилиб, 385 мингдан ортиқ турли ёшдаги аҳоли вакилларининг маънавий олами бойитилди.

Тўрақўрғон туманида яшаб ижод этган маърифатпарвар инсон – жадид мактаби вакили Исҳоқхон Ибрат билан ҳар бир наманганлик фахрланади. Президентимиз ташаббуси билан туманда Ибрат ижод мактаби ташкил этилиши ва Ахсикент ёдгорлиги ўрнида музей очилиши вилоят маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

– Наманган ифорли ва хушбўй гуллари билан донг таратган. Шаҳар кўчаларини айланган киши ранго-ранг, муаттар гуллар бўйидан завққа тўлади. Кўча ва хиёбонлар, ташкилот

борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни, таҳлилий ва тарғибот материалларини тайёрлаш усулини тубдан қайта кўриб чиқишимиз зарур» деб кенг жамоатчилик олдида кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар қўйди. Шундан келиб чиққан ҳолда вилоят маданият бошқармасининг галдаги вазифалари нимадан иборат бўлиши керак?

– Вилоятдаги театр, кутубхона, сарой ва бошқа маданий иншоотлар хизматидан аҳолининг фойдаланиш даражасини яхшилаш борасида ҳали барча имкониятларни ишга соловганимиз йўқ. Маданият шохобчаларида 854 ходим хизмат кўрсатмоқда. 464 тўғарак, студия ва ҳаваскорлик жамоасига 7876 аҳоли ва ёшлар қатнови йўлга қўйилган. Ушбу ресурслардан тўлиқ фойдалана олсаккина, маданият соҳаси вакиллари зиммасидаги вазифани тўла адо этган бўламиз.

Театр томошабин, кутубхона китобхон, маданият марказлари ёшлар билан тўлмаётгани соҳа ходимлари ҳали ўз ишига виждонан ёндашмаётганини кўрсатмоқда. Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи доирасида ёшлар ва аҳоли билан маҳаллабай ишлашнинг янги тизимини жорий этиш, ҳар бир маҳаллага «Мақом» ансамбли, театр кириб бориши, аҳоли учун қўшимча тўғараклар ташкил этиш борасида берилган топшириқлар бажарила бошлади. Ёш истеъдодлар кашф этиляпти. Тўғарак аъзолари сони кўпаймоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Ёшлар билан ишлашнинг янги тизимини жорий этиш» бўйича берган топшириғига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ва маданият бошқармаси томонидан мусиқали драма театри ижодий жамоасининг барча туманлардаги энг олис қишлоқларга сафарини ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди. Ҳокимлик томонидан ажратилган автобус кўчма кутубхона учун махсус жиҳозланди. Бу маҳалла аҳолиси ва ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантиришга имкон ярат-



ва муассаса, қишлоқ ва маҳаллалар гулзорга айланган. Бу наманганликларнинг маданий савияси, экологик онги юксалганидан далолат беради, шундай эмасми?

– Наманган шаҳрининг кўркига кўрк, чиройига чирой қўшаётган омиллардан бири гулчиликка, кўкаламзорлаштиришга бўлган ихлос ва иштиёқдир. Дунё миқёсида иккита шаҳар – Голландиянинг Амстердам ва Ўзбекистоннинг Наманганида гуллар байрами ўтказилади. Элимизнинг гўзалликка ошуфталиги ҳар йили 15-20 хилдаги 4-4,5 миллион дона гул кўчати экилиши, парвариш қилинишида кўринади. Шаҳар кўчаларини кезган киши ҳар қадамда ифор таратиб турган, гўзаллик рамзи бўлган гулларга, манзарали бута ва дарахтларга кўзи тушади. Вилоят маркази ҳам эни, ҳам бўйига кенгаймоқда. Худудни 2035 йилгача ободонлаштиришнинг бош режаси ишлаб чиқилган бўлиб, келажақда Наманганни янада улғувор, обод, кўркем, гўзал мегаполисга айлантириш кўзда тутилган. Шаҳарликлар буюртмачиларга ҳар йили 1,5-2 миллион дона гул кўчати етказиб бераётганлиги яна бир эзуликдан нишондир.

2020 йил эпидемиологик вазият ҳукм суришига қарамай, вилоятимизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш жараёни тўхтаб қолмади. Бу жараёндан маданият масканлари ҳам четда эмас. 16083 дона манзарали дарахт, 15 турдаги 300 мингдан ортиқ мавсумий гул кўчатини хиёбон, кўча ва маҳаллаларга экишда маданият ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатишди. Шаҳарнинг «Оби-ҳаёт», «Олвализор», «Шарқ тонги» маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси атрофининг гулзорга айлантирилиши бошқаларга ибрат бўлди. Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси томонидан худуднинг 10 минг кавадрат-метрдан ортиқ майдони гулзор ва дарахтзорга айлантирилиши чегара эмас. Кўз қувнатадиган майдонлар янада кенгайди.

– Президентимиз маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бораётганини таъкидлар экан, «...жамиятимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш



моқда. Кутубхонага қўйилган 2000 дан ортиқ бадиий, илмий-оммабоп асар ўз ўқувчисини топаётир. Шаҳар, туман маданият бўлимларига қарашли барча марказларда кутубхона ташкил этилиб, биттадан штат бирлиги ажратилди. Зиё масканларида сақланаётган 90 мингдан ортиқ китоб фонди 12 мингдан зиёд китобхонга хизмат кўрсатмоқда. Агар бу рақамни вилоят аҳолисига тақсимлайдиган бўлсак, китобхонликни ривожлантиришда ҳали жиддий муаммолар борлиги ойдинлашади.

Вилоят ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишда қўғирчоқ театрига катта эҳтиёж бор эди. 2021-2022 йилларда болалар қўғирчоқ театрини қуриш режалаштирилди. Бундан ташқари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактабининг бир қисмида рақс синфи учун қўшимча ўқув биноси барпо этиш бошлаб юборилди. Жорий йил охирида қурилиш якунланиб, мажмуани ишга тушириш мўлжалланган.

**«Гулистон» мухбири
Хулқар КУЗМЕТОВА суҳбатлашди.**



АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАР МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШ – МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг
биринчи ўринбосари Абдулла ҚЎЛДОШЕВ билан суҳбат

– Хурматли Абдулла Ҳамидуллаевич, мамлакатимизда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганига 25 йил тўлди. Бу йиллар давомида тизим шаклланди, бир қанча ютуқларга эга бўлди. Вазирлик ташкил этилганда эъза тутилган вазифалар удаланиптими?

– Бугунги дунёда содир бўлаётган турли табиий ва техноген офатлар, юқумли касалликлар билан боғлиқ пандемиялар жаҳон мамлакатларидан ушбу ҳодисаларга қарши туришда зарур чораларни қўллаш, аҳолини бундай вазиятларга юқори даражада тайёрлашни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам бу борадаги вазифаларга давлат сиёсати даражасида қаралиб, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Жорий йилнинг 4 март санасида вазирлик ташкил топганига 25 йил тўлди. Мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги барча соҳалар қатори Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам ўзига хос йўлни босиб ўтди ва бугунги янги Ўзбекистон шароитида соҳанинг чуқур ислохотлари давом эттирилмоқда. Булардан мақсад – жамиятимизда аҳолини турли фавқулодда вазиятларга тайёрлаш, ёнгин-қутқарув тузилмаларини давлатимиз, халқимиз ишонган ва суянган тизимга айлантиришдан иборат.

Сўнги йилларда Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизда ёнгинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришга қаратилган бир қатор ҳуқуқий, ташкилий, илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириб, қисқа вақт ичида муайян натижаларга эришилди.

2019 йилнинг 10 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг сифатли янгича тизимини тадбиқ этиш тўғрисида»ги фармони, «Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори имзоланиши билан кенг кўламли ислохотларга йўл очилди.

Ислохотлар давридан шу кунга қадар ёнгин хавфсизлигини таъминлаш йўналишида 1 қонун, 18 фармон ва қарор, 8 Давлат дастури ва «Йўл хариталари» қабул қилинди.

Илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги, яхлит тизими жорий этилди.

Ислохотлар жараёнида таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, Ёнгин хавф-

сизлиги бош бошқармаси, унинг қўйи тизимлари ҳамда Ёнгин хавфсизлиги институти Ички ишлар вазирлигидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилди. Ташкилий тузилмалар тубдан такомиллаштирилди. Ёнгин ўчириш қисмлари базасида ёнгин-қутқарув бўлимлари ташкил қилинди. Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманлари фавқулодда вазиятлар бўлимлари билан қамраб олинди. Бу жойларда фавқулодда вазиятларни ўз вақтида, тезкор ва самарали бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фаолиятимизда нафақат фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф қилиш, балки уларнинг олдини олиш, профилактика ишлари ҳам муҳим вазифалардан саналади. Тизимда Ёнгин назорати ва профилактикаси бўлимлари жорий этилди. Ёнгинларнинг барвақт олдини олиш мақсадида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ҳамда аҳолининг барча қатламлари билан профилактик тадбирлар олиб борилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида сўнги уч йилда ёнгинлар сони 1 016 тага ёки 8 фоизга, ёнгинда фуқаро ҳалок бўлиш ҳолатлари 54 нафарга ёки 33 фоизга, тан жароҳати олиш ҳолатлари 113 ёки 28 фоизга камайди.

Ҳар қандай соҳанинг тараққиёти ва самардорлигини малакали кадрлар, юқори салоҳиятли мутахассислар ҳал этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, малакали кадрларни тайёрлаш ва илмий ишларни ташкил этиш бўйича ягона тизимни яратиш мақсадида Ёнгин хавфсизлиги институти, Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази ҳамда Фуқаро муҳофазаси институти негизда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси шакллантирилди.

Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, давлатимиз манфаатларини фидокорона ҳимоя қилишга тайёр бўлган, ҳар томонлама камол топган, жисмонан соғлом ва маънавий етук этиб тарбиялашга йўналтирилган «Шаҳрисабз «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейи ташкил этилди ва ушбу даргоҳда ўқув-тарбиявий жараёни юқори савияда ташкиллаштириш учун барча шароитлар яратилди.

Бундан ташқари, ёнгин-қутқарув бўлимларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўналишида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Сўнги уч йилда ёнгин ва авария-қутқарув техникалари ва жиҳозларини сотиб олиш учун давлат бюджетидан 245,9 миллиард сўм ажратилди. Бу кўрсаткич охириги 2006-2016 йилларда давлат бюджетидан ажратилган маблағдан ўн бир баравар кўп. Аммо, мазкур йўналишда қиладиган ишларимиз ҳали оз эмас.

2017-2020 йилларда 35 ёнгин-қутқарув қисм-

лари учун янги бинолар қурилиб, бу ишларга давлат бюджетидан 151 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ўз навбатида, 2001-2016 йилларда 14 та ёнгин-қутқарув қисмлари учун янги бинолар қурилиб, бунинг учун бюджет маблағларидан 35 миллиард сўм ажратилди.

Охириги тўрт йилда ўтган даврга нисбатан 116 миллиард сўм, яъни, 4,5 баравар кўп маблағ ажратилди.

Олиб борилаётган ислохотларнинг нечоғлиқ долзарблигини, жорий йил бошидан пандемия оқибатларининг юртимизга салбий таъсирини камайтиришда ҳамда Сардоба сув омбори билан боғлиқ йирик фавқулодда вазиятларда аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилишда амалга оширилган комплекс тадбирлар мисолида кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ижтимоий объектлар, бозорлар, кўчалар, автотранспорт воситаларини дезинфекция қилиш тадбирларида ёнгин-қутқарув қисмлари куч ва воситалари иштирокини алоҳида қайд этиш лозим.

Сардоба сув омбори билан боғлиқ фавқулодда вазиятда Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ва маҳаллий ҳокимият куч-воситалари билан ҳамкорликда Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларининг 89 мингдан ортиқ аҳолисини уюшқоқлик билан хавфсиз ҳудудларга, энг муҳими, талофатсиз эвакуация қилишга эришилгани, сув босган аҳоли хонадонларини сув ва лойқалардан тозалаш ишлари ўз вақтида амалга оширилдики, бу таҳсинга лойиқдир.

Ёнгин-қутқарув бўлимларининг 209 нафар шахсий таркиби, 61 ёнгин-қутқарув ва қурилиш-муҳандислик техникалари икки ойдан ортиқ вақт давомида Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти ҳудудига трансчегаравий фавқулодда вазият оқибатларини камайтириш ва бартараф этиш (сув тортиш, йўлларни тиклаш, қурилиш маҳсулотларини етказиш, талофат кўрган биноларни тиклаш, қишлоқ хўжалиги экинларини қайта экиш ва бошқа) ишларига жалб этилиб, яқин кўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Асосий мақсадимиз – Фавқулодда вазиятлар вазирлигини замонавий, табиий ва техноген хавф ҳамда таҳдидларга муносиб жавоб кўрсата оладиган янги такомиллашган тизимга айлантиришдир. Бу борада босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ташкилий тадбирлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

– Вазирлик тизимида ишлаш учун қутқарувчилар қандай мезонлар асосида хизматга қабул қилинади? Умуман, тизимда қанча ходим хизмат қилади?



– Ўзбекистон Республикасининг «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонунининг 9-моддасида «Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг сафини тўлдириш ихтиёрийлик асосида амалга оширилиши белгиланган. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, шу жумладан, жамоат бирлашмалари қутқарувчи лавозимига қабул қилиш шартларини белгилайди», деб кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, вазирлик тизимидаги қутқарувчи лавозимларига ишга қабул қилиш Фавқулдда вазиятлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган.

Қутқарувчи лавозимига ёши 18 дан кичик ва 30 ёшдан катта бўлмаган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, соғлом, соҳа йўналиши бўйича махсус тайёргарликка эга бўлган ёки мос келадиган мутахассислик бўйича олий ва ўрта махсус маълумотга эга, «В», «С» ҳайдовчилик тоифаси, умумий иш стажы камида 2 йил бўлган (қутқарувчи-ҳайдовчи лавозимига) мутахассислар ҳамда бўйи 175 сантиметрдан кам бўлмаган, жисмонан ва руҳан соғлом, мустақил фикр юрита оладиган, соғлиғига кўра баландликда, сув остида ишлай оладиган, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарарли моддалар билан ишлашга лаёқатли бўлган фуқаролар орасидан танлов асосида қабул қилинади.

– Содир бўлаётган каттами, кичикми техноген ва табиий офатларда аҳолини, одамларнинг уй-жойи ва мол-ҳолини қутқаришда бошқа вазирлик ва идоралар ходимлари қатори ФВВ ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатади. Уларнинг сафарбарлиги, шароити, хавфсизлиги қандай таъминланган?

– Табиий ва техноген хусусиятли фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, ушбу мақсадлар учун молиявий, озиқ-овқат, тиббий ва моддий-техник ресурсларнинг давлат заҳира фондларини шакллантиришга доир ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш вазирлигимизнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Қутқарув хизматларини фавқулдда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш, содир бўлган фавқулдда вазиятнинг кўламидан келиб чиққан ҳолда қутқарув хизматлари фаолиятига раҳбарлик қилаётган ёки бунинг учун қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларга эга бўлган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, шу жумладан, жамоат бирлашмалари мансабдор шахсларининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қутқарувчилар фавқулдда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш даврида уларга шароитлар (жойлаштириш, озиқ-овқат билан таъминлаш) яратиш қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини таъминлашга ажратилган маблағ ҳисобидан ёки хизмат кўрсатилаётган ташкилот маблағи ҳисобидан белгиланган нормалар бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 июндаги 166-қарори билан қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари қутқарувчиларининг ҳаёти ва соғлиғини,

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий суғурта турларидан мустақил равишда мажбурий суғурта қилиш белгиланган. Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси (контракт) билан зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида жабрланган қутқарувчилари иш берувчиларнинг маблағлари ҳисобидан бепул тиббий хизмат кўрсатилиб, санаторий-курортда даволаниш ҳуқуқига эга.

Қутқарув хизматлари қутқарувчиларининг фавқулдда вазиятларни бартараф этиш ишларини бажариши муносабати билан соғлиғига зарар етказилган ёки улар вафот этган тақдирда, тегишли шахсларга ёки вафот этган шахснинг оиласига зарарнинг ўрни қопланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўланади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишловчилар жумласидан бўлган қутқарувчилари умумий белгиланган ёш ўн йилга камайтирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга.

– Фавқулдда вазиятлар вазирлиги қошида Фуқаро муҳофазаси институти бор. Бу ерда қутқарувчилар эгаллайдиган малака ва кўникмалар ҳақида ҳам билишни истардик.

– Сўнги уч йилда вазирлик тизимида ўтказилган ислохотлар натижасида Фавқулдда вазиятлар вазирлиги академияси, академия ҳузурида Фуқаро муҳофазаси институти ва Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази ташкил этилди. Фуқаро муҳофазаси институти бугунги кунда, давлат ижро органлари, ҳокимликлар ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча йирик корхона ва компанияларнинг раҳбарлари, яъни, фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг малакасини ошириш борасида фаолият юритиб келмоқда. Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида эса вазирликнинг барча бўғинидаги офицер ва сержантлар ҳамда қутқарувчилар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва бошланғич тайёргарликдан ўтказиш фаолияти билан шуғулланиши белгиланган.

Марказда вазирлик ёнғин-қутқарув бўлиmlарининг 19 тоифаси бўйича ҳарбий хизматчи ва қутқарувчилари бошланғич ва малака ошириш тайёргарлигидан ўтказилмоқда. Масалан, Марказда 20 фандан ўқув машғулотларини ўтказиш ишлари йўлга қўйилган.

– Бундан ташқари, марказ томонидан вазирлиқнинг ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмалари учун «Қутқарувчиларни яқка тартибдаги бошланғич тайёргарликдан ўтказиш», «Юқори қаватли биноларда ёнғин ўчириш», «Фавқулдда вазиятлар вазирлиги фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами» ва «Саф тайёргарлиги» каби ўқув – фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида СМС хабарнома хизмати йўлга қўйилган. Бу тажриба бошқа давлатларда ҳам борми? Аҳолига қулайликлари ҳусусида батафсил гапириб берсангиз.

– Фавқулдда вазиятларнинг олдини олишдаги энг самарадор усуллардан бири бу – аҳолини фавқулдда вазиятлар хавфидан огоҳ этиш, хабардорлигини таъминлаш. Негаки, аниқ, ишончли хабарни олган инсонгина тўғри ва хотиржам ҳаракат қила олади. Тўғри ва аниқ ҳаракатланиш эса фавқулдда вазиятлардан

омон чиқишнинг ягона йўли.

Фавқулдда вазиятлар вазирлиги ҳамда Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2007 йилдаги тасдиқланган қарорига асосан, фавқулдда вазиятлар хавфи юзага келганда мобиль алоқа оператори тизими орқали аҳолига хабар бериш ва маълумот етказиш тартиби йўлга қўйилган.

Мазкур қарорга асосан, фавқулдда вазият хавфи ҳақида аҳолига хабар бериш республика ҳудудида фаолият кўрсатувчи мобиль алоқа операторлари Фавқулдда вазиятлар вазирлиги томонидан тақдим этилган қисқа матнли хабарларни (SMS) юборишади. Мазкур (SMS) хизмат тури мутлақо бепул бўлиб, барча харажатлар республика ҳудудида фаолият кўрсатувчи мобиль алоқа операторлари ҳисобидан қопланади.

Албатта, ушбу тажриба ҳориж давлатларида ҳам кенг қўлланилади. Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Осиё давлатларида аҳолига содир бўлиши мумкин бўлган фавқулдда вазиятлар тўғрисида қисқа матнли хабарларни (SMS) мобиль алоқа операторлари томонидан юбориш ҳозирги кунда ҳам долзарб аҳамият касб этиб келмоқда.

Ўрни келганда фуқароларимиздан ушбу SMS хабарларни тўғри тушуниб, қабул қилишларини, ўз хавфсизликларини таъминлаш учун ҳаракат қилишларини, доимий равишда эҳтиёт чораларини кўришларини сўраб қоламиз.

– Суҳбатимиз сўнгида шарафли касб эгалари ҳисобланган қутқарувчилар ҳақида яна қандай мулоҳазаларни баён этган бўлардингиз?


– Тўғри таъкидладингиз. Қутқарувчилар энг савобли, энг хайрли касб эгаларидан, десак муболаға бўлмаса керак. Чунки улар ўзгалар ҳаёти, саломатлиги, хавфсизлиги йўлида, керак бўлса, ўз жонларини қурбон қилишга доимо шай турадилар. Хавф даражаси бўйича қутқарувчи касби дунёда биринчилардан ҳисобланади.

Агар бутун мамлакатимизни бир оила деб билсак, аҳоли ва ҳудудларни фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳаси унинг тинчлиги, хотиржамлиги ҳамда барқарорлигини таъминловчи асосий кучдир. Шундай экан, қутқарувчилар – ҳақиқий ватанпарвар, яъни, ўз Ватани тинчлиги йўлида, ўз халқига муҳаббати туфайли моли, куч-ғайрати тугул, жонини ҳам аямайдиган, халқи ва Ватанининг фаровонлиги учун бор-будини фидо қилувчи инсонлардир.

Фавқулдда вазиятлар вазирлиги тизими ходимлари ҳар доим, ҳар лаҳзада эл хизматида камарбаста бўлиб, юртимиз аҳолиси ва ҳудудларини муҳофаза қилиш, ватанпарвар авлодни тарбиялаш, юрт ободлиги ҳамда халқ хотиржамлигини таъминлаш йўлида фидойилик билан хизмат қиладилар.

Зеро, аҳоли ва ҳудудлар муҳофазасини таъминлаш – муқаддас бурчимиздир.

**«Гулистон» мухбири
Манзура ШАМСИЕВА
суҳбатлашди**



Амир Темурни

англаш бахти

Мақтабда Темур, Бобур исмли синфдошларимиз бўларди. Ўқитувчилар исмлар маъноси ҳақида сўз юритиб, шу дўстларимизга гап келганда, Алишер ёки Улуғбекка тўхталганчалик кўп гапирмасди. Ҳатто, бу исмларни ўзгача, Темир, Бобир деб талаффуз қилишарди. Уларни биз ҳам шундай атардик. Синфдошларимиз ҳам ўша исмларни шу тахлит ёзишарди. «Темирдек мустаҳкам бўлиб ўссин, деб шу номни қўйишган унга» дейишарди. Ҳеч бир ўқитувчи ёки ота-она «Амир Темурдек жасур саркарда, юртпарвар баҳодир бўлиб етишсин, деган ниятда улуғ бобомизга ҳавас қилиб, Темур исмини қўйганмиз ёки буюк шоир ва шоҳга ўхшаб қўрқмас, мард бўлиб улғайсин, дея Бобур отини танлаганмиз» дейишмасди, дея олмасдилар.

Дарсликларда ёки бошқа китобларда «Темурланг», «оқсоқ Темур» ибораларини ҳеч иккиланмай, этимиз жимирламай ўқирдик, айтишдан уялмасдик.

Ўша пайтлари ҳар йили Самарқанд шаҳрига саёҳатга келардик. Борадиган манзилимиз аниқ – аввал Регистон майдони, шу яқин орадаги музей, Улуғбек расадхонаси, сўнг марказий хиёбон.

Амир Темур мақбарасини талаба бўлганимиздан кейин, шу ерда юрганимизда кўрганмиз, бориб зиёрат қилганмиз. Ўша даврлар бу қадамжо маҳалла ичида, хонадонлар орасида эди. Энг ёмони, буюк жаҳонгир ва унинг пиру устозлари, фарзанду набиралари мангу ором топган маскан ёнгинасида, шаҳарнинг қоқ ўртасида спирт заводи бўларди.

Ҳозир бу ҳақда фарзандларимизга сўзласак, табиийки улар ишонмайди. Аниқроғи, ишонолмайди. Сабаби, шукурки, улар биз таълим-тарбия олган, яъни ўзлиги, тарихи сохталаштирилган мафкура остида яшамаяпти. Улар бой давлатчилик тарихига эга, аждодлари дунё цивилизациясига катта ҳисса қўшган, улуғ алломалари-ю жасур саркардалари билан олам аҳли тилига тушган мустақил Ўзбекистон фарзандлари. Бу давлатнинг мафкуриси инсонпарварлик, бағрикенглик, миллийлик, илм-маърифат билан суғорилган.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, табиийки, тарих ҳам, тарихга муносабат ҳам ўзгара бошлади. Сохталаштирилган, собиқ мафкурага мослаштирилган ўтмишимизни асл ҳолида ёритишга, аждодларимиз номини тиклашга киришилди. Мустақил давлатнинг ечимини кутаётган муаммолари кўп бўлса-да, шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, давлатни, миллатни юксалтириш учун аввало, халқимизнинг буқилган қаддини тиклаш, шаъни, қадр-қимматини жойига қўйиш лозим эди.

1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланиши, буюк жаҳонгир номи билан боғлиқ масканлар обод этилиши, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабзда Соҳибқирон ҳайкали ўрнатилиши чиндан ҳам барчамизнинг қаддимизни баланд қилди, халқимиз қадрини оширди.

Бугун Амир Темур мақбараси ва мажмуа атрофидаги манзара бундан ўттиз йил аввалги ҳолатдан ер билан осмонча фарқ қилади. Ҳозир Самарқандга келган меҳмон

борки, аввало, ушбу масканни зиёрат қилади. Хорижий давлатлар раҳбарлари, нуфузли делегациялар ҳам буюк жаҳонгир мақбарасида бўлиш, унинг давлатчилик тарихи, бунёдкорлик салоҳияти ҳақидаги ҳикояларни эшитишни ўзи учун шараф, деб билади. Бобомиз «Бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг», деганидек, ўзбекининг кимлигини, тарихини билмоқчи бўлсангиз, халқимиз тарихи билан танишинг, аждодларимизни танинг. Бу халқ бугун учинчи Ренессанс пойдеворини ана шу бой ўтмишига таяниб қўймоқда, деймиз.

Бу фикрлар кимгадир баландпарвоз туюлиши мумкин. Кўпчилик «Қачонгача аждодларимиз билан фахрланиб, улар мероси билан керилиб юрамиз? Яна шундай олим,

аллома, дунё тан олган инсонларни тарбиялаш учун ҳаракат қилиш керак», дейди. Албатта, бу гапларни инкор қилиб бўлмайди, фақат ўтмишга маҳлиё бўлиб юриш ярамайди. Бинобарин, тарихни билиш ўзликни англаш, демак, фахр туйғуси эса киши зиммасига масъулият юклайди. Гап ана шу масъулиятни ҳис қилишда, ўзликни англашда. Ёшларда айни туйғунини шакллантириш, аждодларга муносиб бўлиш ҳиссини уйғотиш катта авлоднинг, сизу бизнинг бурчимиз.

Яқинда Самарқанддаги олий ўқув юртлари битирувчилари орасидан сараланиб, вилоят ҳокимлиги захирасига олинган ёшлар билан учрашув ўтказилди. «Самарқанд

келажаги жавоҳирлари» дейилаётган бу йигит-қизларга бугун жамиятимизда замонавий фикрлайдиган, бир неча тилни биладиган, ахборот технологияларини яхши ўзлаштирган кадрларга эҳтиёж юқорилиги айтилди. Улар фаолликка даъват этилди. Тадбир якунида ёшларга «Темур тузуклари» китоби совға қилинди. Ташкилотчилар бунинг боисини ҳар бир етакчи, аввало, шу китобни ўқиши, буюк бобомиз тузуқларини ўрганиб, раҳбарлик салоҳиятини эгаллаши кераклиги билан изоҳлади. Чиндан ҳам бундан олти-етти аср аввал қўлланилган амаллар бугунги кун учун ҳам ниҳоятда зарур, қимматли.

Соҳибқирон бобомиз шундай деган:

«Салтанат тўнини кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан кечдим;

Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим;

Азму шижоат билан иш тутдим, бирор ишни бажаришни ўйласам, бутун зехним, вужудим билан берилдим, битурмагунимча қўлимни тортмадим. Ҳар неки десам, ўзим амал қилдим. Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомалада бўлмадим».

Бу фикрлар замон ёки макон танлайдими? Қай бир раҳбар фаолиятига тааллуқли эмас бу қоидалар?

Бугун биз Амир Темурни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ўрганишимиз, бу зот ҳаёти, давлатчилик сиёсатини пухта ўзлаштиришимиз зарур. Ссоҳибқирон бобомиз билан қанча кўп фахрлансак, шу даражада улуғ аждодимизга муносиб бўлишга интиломимиз лозим. Зотан, Амир Темурни англаш ҳар биримиз учун улкан бахт.



А.Алиқулов. «Амир Темур дунё тарихида»

Ғолиб ҲАСАНОВ



Бойсун байрам

Ўлкамизга минг бир жилва-ю ишва билан Наврўз кириб келди. Баҳор байрамининг ташрифи кўпмиллатли халқимизга, катта-ю кичикка хуш ёқади. Азал-азалдан она табиатнинг уйғониши ва жонланишини беҳад хурсандлик, шод-хуррамлик билан кутиб оладиган халқимизнинг нияти ҳаммаша улуг: йил баракали келсин, ҳосил мўл-кўл бўлсин, эллар, диллар, тиллар бир-бирига фақат яхшилиқни илинсин, раво кўрсин!

Тадқиқотларга кўра, Наврўз 3-4 минг йиллик тарихга эга. Марказий Осиё халқлари ҳаётида асрлар оша яшаб келаётган, анъанавий маданиятнинг ажралмас қисмига айланган Наврўз расм-русумларининг ҳар бирида эзгулик мужассам: тани соғлиқ, бағрикенглик, фаровонлик, тотувлик, яратувчанлик, хотиржамлик, ободонлаштириш, бир-бирига хайрихоҳлик, саховат, меҳр-оқибат, бахт-саодат... Шамсий тақвим бўйича Янги йилнинг бошланиши, борлиқнинг рамзий жиҳатдан янгиланиши ҳисобланган Наврўз қадимий деҳқончилик тақви-мида кеча ва кундуз тенглашган 20-21 март кунларига тўғри келади.

Афсуски, кўҳна заминнинг азалий байрами-га ёт кўз билан қараш, бутун бир миллат ҳаёти, юрагига мустаҳкам ўрнашган анъанани йўқ қилиш, бошқача талқин қилиш кайфияти ўстун бўлган замонларни ҳам бошимиздан кечирдик. Ўтган асрнинг 80-йилларида Наврўзни оммавий нишонлаш, том маънода яшариш байрами-га айлантириш тақиқланганди. Газеталарнинг ўша йиллардаги таҳламини кўздан кечирган киши бунга амин бўлади. Нашрларда байрам руҳи сезилмас, «Наврўзи олам муборак!», «Хуш келибсан, Наврўз!» каби кайфиятни кўтарувчи қутловлар бўлмас эди.

– Ўша йиллари Наврўзнинг Навбаҳор деб ўзгартирилгани кўпчилиқни ранжитди, – дейди тарих фанлари доктори, профессор Ўктам Мавлонов. – Азалий байрам номини ўзгартириш, асрий анъаналарга «советча нигоҳ» билан қараш ўзбек халқига, элимизга ва менталитетимизга тамоман зид эди. Одамлар бир-бирига «Бу нима томоша?», «Наврўзнинг номини ким ўзгартирди?», «Наврўз – кун билан туннинг тенглиги, табиатнинг уйғониши-ку, қанақасига диний байрам бўлсин?» қабилда эътироз билдиришган. Наврўзнинг бекор қилиниши миллий қадриятларга, асрий маданияти-мизга бепсандлик эди.

Кўҳна анъана ва расм-русумларни, асл ҳақиқатни инкор этиш ҳеч қачон ўзини оқламаган. Тўғри, ўтмишга тош отиб бўлмайди, чунки ҳар бир замонда ўзига яраша сиёсат шаклланади, шунга мувофиқ иш олиб борилади. Барибир, асрлар оша яшаб келган, эзгулик тимсоли – Наврўзга бошқача «тун кийдирилиши» миллат шаънини менсимаслик бўлган. Ўзбекистон тарихида 1991 йилнинг 12 феввали тарихий

кун сифатида муҳрланган.

Шу куни Биринчи Президентимизнинг «Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида»ги тарихий фармони эълон қилинди. Фармон бу қадимий байрамни оммавий тарзда нишонлаш, Наврўз билан боғлиқ ўлмас қадриятларни тиклаш, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳаётида Наврўзнинг кадр-қиммати, аҳамиятини оширишга доир миллий ғоялар билан суғорилган эди. Фармон телевидение орқали ўқилиши, матбуотда эълон қилиниши билан халқнинг кўнглидаги ғубор тумандек тарқаб кетди. Шу йилдан бошлаб, ҳар йили ҳар бир қишлоқ, ҳар бир овул, ҳар бир маҳаллада, ташкилот, корхона, муассасада Наврўз байрами кенг нишонланадиган бўлди. Дошқозонда сумалак пиширилиб, дастурхонларимизга кўк сомса, чучвара ва бошқа миллий таомлар қўйилади. Бир ёнда кўпқари, бир ёнда оммавий спорт ўйинлари. Полвонлар беллашуви, дорбозлик санъати намоиши. Ким нимага қодир? Кимда қандай истеъдод бор? Наврўз буни кўз-кўз қилишга имкон яратади.

Мана, 30 йилдирки, баҳор келиши билан юртимизда Наврўз тантаналари ва шукуҳи ҳукм суради. Пойтахтимизда ўтадиган Наврўз тантаналарида Президентимиз иштирок этиб, халқимизни бу қадимий байрам билан қутлаш анъанага айланди. Бундан баҳраманд бўлмаган, завқланмаган кишининг ўзи йўқ. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари сумалакни татиб кўриб, «беш» баҳо берса, таомни тайёрлашда иштирок этган қайси ўзбек аёли ғурурланмайди, дейсиз?! Миллий байрам шундай бўлиши керак: катта-кичик, ёш-қари, касби, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, фасллар келинчаги – баҳорий тенг кунлик санасида бир-бирига энг самимий, энг тоза тилақларини йўллади.

Ҳар жойнинг ўз баҳори, ўз удуми бор. Ана шу ўзига хослик Сурхон воҳасида, айниқса, бор бўй-баста билан кўринади. Вилоятнинг Бойсун тумани кўклам тароватини таърифлашга қалам ожиз. Ҳали баҳор одимламай, бойсунликлар кайфияти тоғдек кўтарилади. Наврўз тонгининг завқи-ю шавқи чиндан ҳам Бойсунда ўзгача – фусункор, бетакрор ва ўхшаши йўқ. Ишонаверинг, айнан шундай.

– Элимизга кўклам қўшиқ билан, лапар-у

алёр билан кириб келади, – дейди туман маданият бўлими мудирини Ҳамза Бозоров. – Кимнинг чехрасига боқманг, Наврўз туфайли пайдо бўлган хушчақчақликни кўрасиз. «Шалола» ашула ва рақс, «Бойсун» фольклор-этнографик, «Қуралай» болалар фольклор-этнографик халқ ансамбллари байрам тадбирларининг энг фаол иштирокчиларига айланади. Давралар кенг. Наврўз сайли барча маҳалла гузари, овуллар очик майдонида бошланади. Маданият бўлими бадий жамоалари «Бойсунча ҳашар», «Ғажирнай», «Наврўз келди» каби дастурларни халқ оғзаки ижодиёти намуналаридан фойдаланган ҳолда оммага тақдим этади. Ҳеч бир тадбир дўмбира билан дoston куйлайдиган бахшисиз ўтмайди. Шоберди, Рўзиқул, Аъзам, Ўрол бахшилар дўмбира чертиб, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш»ни айтганда, тингловчилар сафи кенгайгандан кенгайди. Лапар, ўлан, ёр-ёр куйловчи момоларни айтмайсизми? Жонли, ҳаётий, байрам руҳига мос. Қўлларда доира, оғизда чанқовуз, бири қўйиб, иккинчисига навбат беради. Бир ёнда спорт мусобақалари авжига чиқади. Улоқни талашган отлар кишнаши, полвонлар олишуви, югуриш, шахмат-шашка, эҳ-ҳе, бари спортчи Бойсунга йиғилганми, дейсиз. Ўтовлар бўйлаб айланган кишига баҳорий таом – сумалак, кўча оши, кўк сомса илинган уй бекасида бахтлироқ инсон бормикан? Бойсунлик уста, хунармандлар қадимий гилам, алача, беқасам каби буюмларни ўз дастгоҳида тўкиб, барчани лол қолдиргиси келади.

Хуллас, элимизнинг Наврўз сайли билан боғлиқ шод-хуррам онларини санаб адо қилолмаймиз. Кўҳна, теран маъно-мазмунга эга «Бойсун баҳори» 1999 йил ЮНЕСКО томонидан «Инсониятнинг номоддий маданий мероси» рўйхатида киритилган. 2016 йилда ЮНЕСКО Шарқ ва Осиё мамлакатларининг таклифини кўриб чиқиб, Наврўз байрамини инсониятнинг номоддий бойлиқлари репрезентив рўйхатида киритди.

Шарқ тақвимида кўра, 21 мартдан ҳамал киради. Ҳамал келса, амал кириб, бободехқон далага отланади, ерга уруғ сепади, ният қилади, бўлажак ҳосилини чамалайди. Зеро, бунга баҳорги тенг кунлик, кўкламда қизийдиган деҳқончилик ишлари замин яратади.

**Хулқар ЁРБЕКОВА,
«Гулистон» шарҳловчиси**

ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

Сизни десам...



Шағирлайди ҳаёт бетиним,
Чаппар урар айланиб қорға.
Сайёҳ каби билмайди кўним,
Йўли тушар чўлга, гулзорга.

Гоҳ чавандоз йигитдай гуррас
Солиб ўтар дарчанг ёнидан.
Гоҳ донишманд чолдай беғараз
Дур сочади фикр конидан.

Барқут гилам тўшар даштларга,
Тугён бўлар сокин сойларга.
Мангуликнинг муҳрини босар
Гувоҳ бўлиб йиллар, ойларга.

Ажал очган дарвозаларни
Ҳаёт – элчи танбалаб ташлар.
Ғариб, унут қабрларда ҳам
Қизғалдоқдай ловуллаб яшар.

Йиллар букиб кетган қадларга
Қувват, ёшлик бергандир ҳаёт.
Узангиси кумуш эгарда
Кийик қувган мергандир ҳаёт!

Сизни десам, лабларимда гул очилар,
Сизни десам, дарёларда дур сочилар.
Сизни десам, қадамларим ер муччилар,
Гул сочилар, дур сочилар.

Сизни десам, кўнгилда юлдузлар ёнар,
Сизни десам, қаҳратонда музлар ёнар,
Сандигидан тилла сочиб, кузлар ёнар,
Гул сочилар, дур сочилар.

Сизни десам, зоғлар қочар сахро сари,
Зулмат сўнар, ойдин бўлар дунёларим,
Сизни десам, сизни десам...

ЛАВҲА

Боғимнинг гўзал маликаси
Анор уйғонмади бу баҳор.
Булутдай кўпирди оппоқ наъматак,
Булбул уя қурди бағрида.
Мастона сайради ёз туни,
Булбул бола очди хотиржам.
Полапонлар бўлди учирма,
Хувиллаб қолди гавжум уяси.
Наъматак қизил маржон тақди,
Алвон юлдуз каби ғужғон мевалар.
Шамол шўх боладай арғимчоқ учар
Наъматакнинг яшил ўрамларида.

Мен сенингман, зулматга отма
Бир кераксиз матоҳ сингари.
Оғир тошдек кўнгилга ботма.

Мен сенингман, узлатга отма
Ёниб битган бир шам сингари.
Қонда ёнар ишқ оташлари.

Сенингдирман, ғурбатга отма
Қуриб битган булоқ сингари.
Танда қайнар ишқ оташлари.

Сенингдирман, борки ҳаётим-
Умидларим, орзу, нажотим,
Дилда сайрар ишқ булбуллари.

Сотма мени ишқ бозорида,
Сендан ўзга йўқ харидорим.
Бу дунёнинг кори борида
Сендан ўзга йўқ харидорим.
Бу дунёнинг бозорида...

Жисм ёнди, танамдан кунда қолди,
Қанча сирлар кўнгил тубинда қолди...

Чақмоқдирман, кўкни ёндирган,
Тупроқдирман, буғдой ундирган.
Чирокдирман, гоҳ капалакнинг
Қанотлари тегиб, сўндирган.

Заррадурман сенинг мулкингда,
Қатрадурман сенинг мулкингда.
Болдан ширин гоҳо ҳаётим,
Какрадурман гоҳо мулкингда.

Ёнмоқдан топдим ҳаловат,
Куймоқдан топдим фароғат.
Не толедур, майса бўлдим,
Пойингда айтдим саловат.

Опа-сингил борлиги яхши,
Ора кирар ширин жонингга.
Дардларингга ёрлиги яхши,
Ҳасад қилмас иссиқ нонингга.

Оғирингни қилади енгил
Мушқулингни этади осон.
Онанг бўлиб опа-ю сингил,
Ҳаётингни қилади бўстон.

Кўзларида яшайди онанг,
Сўзларида яшайди онанг.
Ғамгузоринг, сирдош, ғамхонанг
Изларида яшайди онанг.

Райҳонлардан сўрайман гоҳи
Кўзумунчоғим – опаларимни.
Хижронлардан дув- дув ёш оқиб,
Ҳўл қилади ёқаларимни.

Бир гул бўлиб унсалар агар,
Тақиб олсам чаккаларимга!
Учратсайдим қайтадан агар,
Кўтарардим елкаларимга
Жаннатмакон опаларимни!

Кузнинг тиниқ осмони
Кабӣ хаёлим вазмин.
Қуёшнинг чилдирмаси
Қиздирмас ёзнинг базмин.

Боғлар кўқарга бозор,
Беҳилар – ёмби олтин.
Шамол чертади дутор
Тераклар чайқар бошин.

Чўпонларнинг найидаи
Куйлаб ётар жилғалар.
Боқсанг кўзни олғудай
Кузак таққан жиғалар.

Шалдур-шулдир балдоқлар –
Қайрағочлар ўйини.
Хонанда зарғалдоқлар
Ҳиндда қилар тўйини.

Бу дунёда сенинг севгинг
Менинг қимматли ганжимдир.
Сенинг кўнглинг – менинг кўзгум,
Қадр тоғим, таянчимдир...

Болалигим ўт қақнаган йилларди
Қадамимда бўз тиканлар гулларди.
Мен хиргойи қилиб ўтган қирларда
Қизғалдоқлар пари қиздай куларди.

Хотирани ёқолмайсан хазон каби,
Хотирани эполмайсан сомон каби...

Аёл ҳар қатон ёлимиз эмас



Киз бола дунёга келган кунидан бошлаб уйдагиларнинг диққат-эътиборида. Ўзининг ҳам назаридан ҳеч нарса четда қолмайди. Митти қўлчаларини чўзиб, ширин табассуми билан ҳаммани «эритишни» қойиллатади. Отасининг пойабзалини ялтиратиб қўйган ҳам, онаси ёнига кириб, оғирини энгил қилган ҳам у. Вояга етгач, оилада ҳамманинг хавотири, ҳадигига сабаб бўлади. Қиз бола-да! Айнақса, биринчи марта совчилар сўроқлаганда, оиладаги ҳаммани бир қалқитади. Оиладаги ҳамма бир-бирдан кўзини олиб қочади. Азалий тақдир «бировнинг хасми» аталса-да, ўзининг қизига гал келганда одам ғалати бўлиб қоларкан. Демак, қиз бола доимо оила ардоғидаги омонат.

Қиз кун келиб узатилади. Энди унинг ўз уйи, рўзғори бор. У томонда ҳам доим ардоқда. Гарчи, ўзбек оналари қайноналикни жойига қўйса ҳам ич-ичидан боласидан ортиқ суюди келинини. Қайнота-ку, доим келин томонда – бировнинг боласи ўксимасин. Йигит рўзғор юкини зиммасига олар экан, оилада аёл номли хилқатнинг бош эгаси бўлиб қолмай, кўнглининг, хаёлининг ҳам эгасига айланади. Энди келин шу хонадоннинг бекаси. Турмушда нимаики аччиқ-чучук бўлса, муаммо шу эгалик нуқтаи назаридан бартараф этилади. Фарзандлар туғилиб, ташвиш кўпайгани сари аёлга диққат янада ошади. «Онажон, дарсимга ёрдамлашинг», «Онажон, кийимимни дазмоллаб беринг», «Онажон...». Хуллас, энди у ширин ташвишга бой кун тартибига «ОНА» номи билан чиқади. Қачон эътибордан қолибди, она деган улуғ зот?! Фарзанди улғая боргач, унинг ардоғига ўтади. Онамни даволатишим керак, онам хавотир олади, уйга эрта боришим керак...

Тақдир тақозоси билан баъзи аёллар умрнинг қайсидир чорраҳасида ёлғиз яшашига тўғри келади. Ҳаёт-да бу! Шундаям, барибир, у ўз яқинлари эътиборидан қолмайди. Кўнгил кемтиклиги билинмасин деб, яқинлари уни ёлғизлатмасликка уринишади. «Галатепалик авлиё» фильмидаги бир лавҳа менга ёқади. Бева аёлга совчи келса, «Бошимда ўғлим бор, билмасам», дейди. Демак, у турмуш ўртоғидан кейин боласига юкиняпти. Қолаверса, уни оиланинг ягона эркаги сифатида тарбияляпти. Ҳатто, мен ҳам сенинг кўлингдан, деб уқтиряпти унга. Асли ҳамиша, ҳамма замонда асл эркакни ОНА тарбиялаган. Шунинг учун улар ҳеч қачон ёлғиз эмас.

Биз ўзбек аёлига баҳо берганда, Абдулла Қодирининг «Ўткан кунлар» асаридagi Кумушбибини кўп тилга оламиз. Эри Тошкентга уйланиш учун кетмоқчи, «Мен кўндим!» дейди. У йиғлаши, норозилик билдириши мумкин эди. Аёлнинг бор кучи, фаросати шу заифалигида намоён бўлади. Отабек бир сапчиб тушади.

Мана аёл! Мен шундай аёлларни яхши кўраман. Баъзиларга у бахтини бой берган кўрбондек туюлар, менга эса энг оқила аёл бўлиб кўринади.

«Алломиш» достонида Барчинойнинг куёв танлашда қўйган шартлари унинг анча ўктам қизлигидан далолат. Кимга қандай билмадим-у, шу асарда менга Қалдирғоч образи ёқади: Бойсари акасидан аразлаб, кўчини олиб Қалмиққа кетади. Алломишдай ботир «Бир хотин деб, олти ойлик йўлга бораманми?», деб ўтирибди. Шунда Қалдирғоч «Оринг қани, ғуруринг қани? Эркак бўлсанг, чечамни олиб келсан!» дейди. Мана, бутун дostonга куч берган мунглиғина образ.

Уйдан чиқиб кетган, эрига хиёнат қилган, ичадиган, чекадиган аёллар ҳақида эшитиб қоламиз. Бу оғриқ... Бу бир оиланинг эмас, бутун жамиятнинг оғриғи. Демак, ўша аёл эътибордан четда қолган. Турмушнинг қайси пиллапоясида қоқилган ва суюнгувчи елка топа олмаган. Шунинг учун уларни айб-лаш эмас, тузатиш измида бўлсак, яхши эди.

Ҳикоя қилишларича, бир одам устози ёнига келиб сўрабди: Менинг бир ўғлим, бир қизим бор. Афсуски, кўлимдаги маблағ бирини ўқитишга етади, қайсини танлай?

Устоз «Ўғлингни ўқитсанг, бир йигитни ўқитасан, қизингни ўқитсанг, умматни ўқитасан», дея жавоб берган экан. Зеро, аёл фарзанд тарбиялайди. Унинг илмли бўлмоғи келажак учун керак. Таълим соҳасида жуда илғор ҳисобланадиган Японияда уй бекаларининг олий маълумот олишига устувор аҳамият бериларкан...

Баъзан аёлни худбинликда айблашади. Мен аёлнинг худбинлигини ижобий ҳислат, деб ҳисоблайман. Аёл ўзини яхши кўрса, оиласини, фарзандлари вояга етаётган жамиятни яхши кўради. Шу жамият ривожини йўлида АЁЛ бўлиб қаддини тик туттади. Бунинг учун аёлга эътибор ва шароит керак, холос.

Манзура ШАМСИЕВА

РУСТАМОВАНИНГ БАХТ ФОРМУЛАСИ

*Тошкент тиббиёт академияси кўптармоқли
клиникасининг бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди,
«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси
Дилдора РУСТАМОВА билан суҳбат*

– Бутун дунёни таҳликага солиб турган, COVID-19 пандемиясининг даъфатан ёйилиши жаҳон оммасини, мамлакатимиз аҳолисини, хусусан, тиббиёт вакилларини ташвишга солиб қўйди. Хайриятки, давлатимиз раҳбарининг дадил саъй-ҳаракатлари туфайли катта талофатларнинг олди олинди. Орадан бир йилдан зиёдроқ вақт ўтди, хавф биров пасайса-да, чекингани йўқ. Дилдора Абдумаликовна, сиз соҳа мутахассиси сифатида айтинг-чи, фавқулодда ҳолатда жабҳада ишлар қандай ўнглаб олинди?

– Тарихда инсоният ҳаёти учун ўта хавфли бўлган пандемия кўп бўлган. Очиғини айтганда, одамзод ақл-заковати учқур бўлган ҳозирги замонда бирор-бир касалликнинг бу қадар дунё аҳлини саросимага солишини тасаввур қилиш қийин. Тошкент тиббиёт академиясининг кўптармоқли клиникаси фаолияти мисолида гапирадиган бўлсам, очиғи пандемия бошланган дастлабки кунларда хавф-хатарнинг оқибатларини тезда ҳис қила олмадик, ишдан уйга, уйдан ишга бориб келиш одатий ҳолдай давом этди. Албатта, биз шифокорлар пандемия келтириб чиқарадиган оқибатларни англари, хонадонимизга қайтганимизда ўзимиз билан оиламизга хавф-хатарни ҳам етаклаб келма-япмизми, деган хавотир йўқ эмас эди. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси, фидойилиги, вазиятни тўғри баҳолай билиши, аниқ кўрсатмалари бизга қувват бағишлади. Тезкор чоралар кўрилди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида соҳа олимларидан иборат вазиятни мавофиқлаштирувчи тезкор кенгаш, шошилиш ёрдам кўрсатиш, жойларда ташхис қўйиш марказлари кечаю кундуз фаолият кўрсатди, COVID-19га чалинган ҳар бир беморнинг аҳволи, даволашда қўлланилган дори-дармонларнинг таъсири чуқур таҳлил қилинди, олинган ижобий натижалар оммалаштирилди.

Ўша кунлари бирор-бир тайёр стандарт ёки меъёрлар нафақат мамлакатимизда, бошқа давлатларда ҳам йўқ эди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам қайсидир мамлакатда вазият яхши томонга ўзгарса, уларнинг тажрибасини қўллашга уринар, ўз тавсияларини берарди.

Инсон организми жуда мураккаб ҳилқат. Ҳар бир беморга алоҳида, аҳволдан келиб чиқиб даволаш усулини қўллаш зарур. Фаолиятимиз давомида касалликнинг номаълум кўринишларига

ҳам дуч келдик. Кимдир икки томонлама ўпка шамоллаши, кимдир асаб тизими, бош оғриғи, сурункали иситмалаш, айрим беморларимиз буйрак фаолиятининг бузилишидан шикоят қиларди. Беморларга касаллик тарихидан келиб ёндашилди, даволар қўлланилди, самараси изчил таҳлил қилиб борилди. Изчил ўрганишлар, тўпланган маълумотларни таққослаш ва чуқур таҳлил натижасида йўриқномалар ишлаб чиқилди, такомиллаштирилди, қўллашга тавсия этилди.

Давлатимиз раҳбарининг биз пандемиядан янада жипслашиб, кучли бўлиб чиқишимиз керак, деган даъвати тиббиёт ходимларига далда бўлди. Талофатлар бериб бўлса-да, қисқа муддатда вазиятни ўнглашга эришилди, айрим зарур дори-воситалари зудлик билан юртимизда ишлаб чиқарила бошланди.

Ҳалигача кўз ўнгимдан кетмайди, вазиятнинг руҳиятга таъсири кучли эди, коронавирусга чалинган ҳар бир бемор ўзини ўлим билан юзма-юз тургандай сезар, ўша кўрқув таъсири аҳволни янада мураккаблаштирарди. Аҳволни тўғри англаган техник ходимларимиздан шифокорларимизгача ўз постларида мардона турди, фидойилик кўрсатди. Ҳафталаб, ойлаб оиласида бўлолмаса-да, беморларнинг бошидан кетмади, ширин сўзлари билан уларга далда бўлди, тасалли берди, ҳаётга умид уйғота олди. Халқимиз саломатлигини сақлашда наинки раҳбар ёки оддий шифокор сифатида, опа-сингил,

ака-ука бўлиб бирлашдик, бир-биримизга таянч бўлдик, энг муҳими, ўзбекона бағрикенглик, меҳр-оқибат, фидойилик, касбга садоқат дарддан устун келди, хатар чекинди.

Пандемия даврида тиббиётда ҳеч қачон бепарволикка берилмасликни яна бир қарра чуқур англадик. Ҳамиша фавқулодда ҳолатларга шай туриш, бу борадаги илмий изланишларни изчил давом эттириш ҳаётий заруратга айланди.

– Пандемия ҳолати мамлакатимиз тиббиёт тизимининг қудрати қай даражадалигига ҳам аниқлик киритгандай бўлди, чамамда...

– Пандемия бутун мамлакатимиз аҳолисини, барча соҳа ходимларини, ёшу кексани, айниқса, тиббиётимиз ва унинг вакилларини жиддий синовдан ўтказди, хато ва камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Шунини қониқиш билан айта оламани, ўзбек шифокорларининг илм ва малака даражаси айрим хорижий мамлакатларда ҳам қадрланади.



Д.Рустамова (чапдан иккинчи) ҳамкасблари билан

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

Энг сўнги русумдаги тиббий технологиялар мамлакатимиз ҳудудларидаги муассасаларда ҳам мавжуд. Аммо уларнинг борлиги барча масалалар ҳал бўлди, дегани эмас. У билан ишлайдиган малакали мутахассис, илмий салоҳиятли кадрлар керак. Тиббиётдаги самарадорликни бир-икки йиллик натижалар билан баҳолаб бўлмайди. Мавжуд технологияларни, методикани ўзлаштириш, амалиётда қўллаб, натижага эришиш учун муайян вақт керак. Бугунги тиббиётимиз беш йил аввалгисидан ўн карра юқори. Соҳа ходимларининг кўпчилиги ривожланган хорижий мамлакатларнинг тиббиёт муассасаларида малака ошириб келган. Пандемия шароитида уларнинг маҳорати янада чархланди, энг муҳими, илмий изланишда мунтазамлик зарурат эканлигини англашди.

Такомиллашган тиббий хизмат нафақат пойтахтимиз клиникаларида, вилоят ва туман марказларида ҳам шакллантирилмоқда. Эндиликда айрим жарроҳлик амалиётларини бажариш ёки мураккаб эндокрин касалликларни вилоят клиникаларида даволаш имконияти бор. Жойларга бориб муқим ишлайдиган шифокорларга алоҳида имтиёзлар берилмоқда. Тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари бир неча баробар оширилгани ҳам соҳа ходимларини рағбатлантиришга қаратилган эътибордир.

Малакали шифокорларимиз жойларда тез-тез хизмат сафарларида бўлиб, беморларни қабул қилиш, тўғри ташхис қўйиш, даволаш борасида кўникмаларини оширмоқда, замонавий техника воситалари ёрдамида жарроҳлик ишлари амалий кўргазмаси ўтказилмоқда. Аҳоли орасида турли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида тарғибот ишлари ҳам йўлга қўйилган.

Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент тиббиёт академиясининг биринчи, иккинчи ва учинчи клиникалари негизда ташкил этилган.

Клиникамизда ўринлар сони 1514 бўлиб, улардан 114 реанимацион, 464 жарроҳлик ва 668 таси терапия, пульмонология, неврология, кардиология касалликларига мўлжалланган. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган 478 ўринли туғруқ мажмуаси, болалар касалликлари бўлими ҳам мавжуд. Бу ерда йилига 70 000 беморга стационар, 300 000 га яқин беморга амбулатор шароитда малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Уларнинг аксариятида профессорлар, фан номзодлари фаолият юритади. Клиникамиз Тиббиёт академиясида таҳсил олаётган бўлажак шифокорларнинг иккинчи дарсхонаси ҳамдир. Бу ерда улар тажрибали шифокорлар назоратида ўз амалий машғулотларини ўтайди.

– **Мамлакатимиз хотин-қизларининг жамият тараққиётига қўшаётган ҳиссаси катта. Хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларига тавсия этиляпти, туман ҳокими, депутатликка, йирик муассасалар раҳбарлигига сайланмоқда. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, Тошкент тиббиёт академияси кўптармоқли клиникаси бош шифокорисиз. Бу вазифалар аёл учун оғирлик қилмайдими? Чунки аёл аввало она, оила бекаси. Буларнинг барини бекаму кўст олиб бориш қийин эмасми?**

– **К**оронавирус пандемияси оқибатида юзага келган мураккаб ва синовли кунларда юртимизда санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси,

ўзининг матонати, билим ва салоҳияти ҳамда бошқа алоҳида хизматлари учун Президентимиз фармони билан тақдирланган ҳамкасбларим сафида борлигимдан оила аъзоларим, яқинларим қувонди, фахрланди. Бу мукофотни меҳнат жамоамизнинг ютуғи сифатида қабул қилдим. Камтарин хизматимга шунчалик эътибор берилгани, аввало, менга, жамоамиз аъзоларига куч бағишлайди, катта масъулият юклайди.

Аёл ва жамият. Бу икки сўз маълум маънода ҳаётимиз мазмунини белгилайди, десам янглишмайман. Давлатимиз раҳбарининг аёлларимиз салоҳиятига катта баҳо бераётгани, уларни ишонч билан масъулиятли вазифаларга тайинлаётгани амалда ўзини оқляпти. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ҳамма нарса одамнинг ўзига боғлиқ. «Интилганга толе ёр» деб бекорга айтилмаган. Аёл уйида, оиласи даврасида ўтириб, солиҳ фарзандлар тарбиялаб ҳам жамият ривожига ҳисса қўша бўлади. Ҳар бир хотин-қиз учун оила мустаҳкамлиги, турмуш фаровонлиги биринчи масала. Қайнотам Шозокир Рустамов, қайнонам Шоира Каримова ҳам шифокорлик фаолияти билан шуғулланган.

Билим, китоб бизга ота мерос – отам Абдумаликхон Мажидхўжаев, онажоним Сайёра Мажидхўжаева ҳам зиёли инсонлар бўлишган.

Мен барча муваффақиятларимга оиладаги тотувлик, уларнинг маслаҳатлари, дуолари ва қўллаб-қувватлашлари туфайли эришганимни алоҳида таъкидлашни истардим. Отам мамлакатимизда полиграфия соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар. Хонадонимизда китоб жуда кўп бўлар, табиийки, улар бизнинг болалиқдан ҳамроҳимиз эди. Бу одат оилали бўлганимиздан сўнг ҳам давом этди. Фарзандларимиз ёш пайтида биздан ўрнак олсин деб, китобни қўлдан қўймасдик. Шу ўринда ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, бола тарбиясида, айниқса, ёш қалбни китобга ошна қилишда ота-онанинг ўрни беқиёс. Фарзандларимиз ҳам изимиздан келяпти, қизим шифокор, катта ўғлим полиграфия соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланади, кенжамиз дастурчи. Невараларим ҳам китобга ошно. Улар мактаб ёшида бўлишига қарамай, бир неча тилларни ўрганмоқда. Оила мустаҳкамлиги эр билан хотин ўртасидаги муносабатларга боғлиқ. Буни ҳар икки томон бирдай ҳис этиши, бир-бирини ҳурмат қилиши, қадрлаши керак.

Турмуш ўртоғим Авазхон Рустамов – иқтисодчи, ҳаётимнинг барча босқичларида улар мени қўллаб-қувватлаб келмоқда. Турмуш қурган пайтларимиз иккинчи курс талабаси эдим, фарзандлик бўлганимизда, ўқишга қийналган пайтларимда ҳам, номзодлик илмий ишларим жараёнида ҳам, фарзандлар тарбиясида ҳам у киши менга кўмақдош бўлганлар, доим мени тушуниб, сен удалайсан, сенга ишонамиз, сен кучлисан, деб мадад бериб турадилар. Ҳар бир аёлнинг ҳаёт йўлида оқил, меҳрибон умр йўлдошининг ўрни, жоиз бўлса, кўмаги беқиёс эканлигини мен ўз ҳаётимда кўрдим ва турмуш ўртоғимдан беҳад миннатдорман. Шу боис оиладаги вазифаларимни чуқур англаган ҳолда меҳрибон она, севимли рафиқа, невараларим учун мўътабар бувилимимни сира эътибордан четда қолдирмайман. Айни пайтда соҳа бўйича илмий изланишларни давом эттиряпман. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати сифатида жамоат ишларида ҳам фаолман.

Жамиятимизда хотин-қизларга бўлган ишонч барча аёллар каби менга ҳам катта масъулият юклайди. Улар сафида борлигимдан, Ватаним тараққиётига ҳисса қўша олаётганимдан бахтиёрман. Мана шу менинг бахт формулам.

Ўқтам МИРЗАЁР суҳбатлашди.



**Бош шифокор бемор билан суҳбатлашмоқда
Аҳмад ТўРА фотолари**



Кайси касб эгаси бўлишдан қатъи назар, кадр-қиммат топиш, обрў-эътибор қозониш кўп ҳолларда инсоннинг ўзига боғлиқ эмасми-кан? Муайян соҳанинг паст-баландини мукамал эгаллаб, олдиға қатъий мақсад кўйган ва қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтганлар тақдирига разм солар экан, муаллим ҳар гал ана шу фикрни кўнглидан ўтказади. Педагогми, шифокорми, муҳандисми, тадбиркорми, эл назарига тушиб, муваффақиятга эришган бўлса, бунинг замирида эҳ-ҳе, қанчадан-қанча меҳнат, машаққат ётади.

Ўзбекистонда шундай давр бўлдики, бир умр заҳмат чекадиган муаллимға маълум маънода паст назар билан қаралди. Бу соҳада ишлайдиганларнинг айримлари, айниқса, эркаклар бошқа ишға ўтиб кетди. Марҳум қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг «Тракторчилар келишяптими?! Ичкарига олинглар, ичкарига... ичкари уй бўшми? Ким ўтирибди? Ўқитувчилар?! Чиқар ҳаммасини ташқарига!» деган ярим ҳазил, ярим чин сўзлари педагог Бахтиёр Абдиевнинг ҳам дилиға оғир ботгани рост.

Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг математика факультетини 1989 йилда тамомлаган ёш мутахассис Китоб туманидаги аниқ фанларға ихтисослаштирилган 1-мактаб-интернатда тамоман бошқача муҳитга дуч келди. 10-11-синфға ҳар бир ўқувчи «чертиб-чертиб» қабул қилинар экан. Унга дарс берадиган ўқитувчи салоҳиятли, малакали, бола қалбини идрок эта олиши – энг муҳим талаб. Маълум муддат 24-, 25-умумтаълим мактабларида тажриба тўплаган ёш педагог Бахтиёр Абдиев таълим масканида жонсарак, ўзини ўтга, чўққа урадиган, уйига асло шошилмайдиган, фидойи, мактаб муҳити унинг нуфузига муносиб бўлиши керак, деб ҳисоблайдиган устозларни кўрди. Тўғри-да, ихтисослаштирилган мактабми, ўқитувчи тугул ўқувчи дунёқараши, ақл-заковати, савияси ҳам бунга жавоб бера олсин. Педагог чин дилдан ишласа, уни ҳеч нарса чалғитмаса, у бола келажаги учун мустаҳкам замин яратади.

Ўқитувчиға давлатдан маош олиб, ҳеч қандай маҳсулот ишлаб чиқармайдиган киши, дея қаровчилар ҳам топиларди. Ўқитувчини пахта даласига ҳайдамаса, маҳалла ёки қишлоқ аҳолисининг умумий сони, ким нима билан бандлиги тўғрисида маълумот тўплашға мажбур қилмаса, унинг меҳнати мевасидан нафақат ота-она, балки бутун жамият баҳраманд бўлмасмиди? Китоб тумани марказидаги 1-ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати ўқитувчилари ҳам ўз касбига дахли бўлмаган ишлардан мустасно эмасди. «Кемаға тушганнинг жони бир» деганларидек, ҳамкасблари қаторида Бахтиёр муаллим оммавий тадбирларни рад эта олмас, «Нима учун педагог деҳқон бўлиши керак? Аҳолини санаб чиқиш, супур-сидир ўқитувчининг ишими?» деган эътирозларни тилиға чиқара олмасди. Бу-юрилдими, бас, тадбирға бориш шарт! Бу даҳмазалар ўқитувчининг вақтини ўғирларди, холос. Бахтиёр муаллим тишини тишиға кўяр, ўқувчилари билан кўпроқ шуғулланиш, ўқув дастуридаги

Очерк

ҳар бир мавзуну улар онгига чуқур етказиш имкониятидан кўпинча маҳрум эди. Эҳ-ҳе, қанча-қанча дарслар бой берилди?

Мустақилликнинг дастлабки йиллари. Қийинчилик, муаммо дегани «ғиж-ғиж». Таълим тизимида билим олиш, илм эгаллашдан кўра, бола-чақа боқиш ташвиши устунлик қилар, айрим ўқитувчилар аллақачон ўз касбини ўзгартириб, тирикчилик қилишға ўтиб олгани боис кадрлар тақчиллиги юзаға келганди. Бўшаб қолган иш ўринлари ўрта махсус маълумотли ёки мутахассис бўлмаган кадрлар билан тўлдириларди.

Гарчанд ихтисослаштирилган таълим даргоҳи бўлса-да, муаллим ишлаётган мактаб-интернатға ҳам «хужум» бўлди, яъни, 2007-2008 йилларда у 9 йиллик маскан мақомини олди. Буни ҳеч ким истамасди. Афсуски, «Ихтисослаштирилган мактабларни 9 йиллик қилиш катта йўқотишға олиб келади» деган гапни юқори идораларға айта оладиган довурак топилмасди. Кўп сонли ўқитувчиларнинг «нони» бўлинди. Бахтиёр муаллим коллежлар сони қисқа муддат ичида 1,5 мингтаға етгани ҳақида эшитди. Аммо салмоқ, мазмун, сифат талабға жавоб берадими, йўқми – буни билмасди.

Мактабда сочи оқариб, пенсия ёшиға яқинлашганлар-ку, нафақаға кетишди. Кўзини «чирт» юмиб, сафар халтаси билан хорижға қараб йўл олганлар афсусланмасми-кан? Узоқ туманлардан билим эгаллаш учун келган қорақўзлар учун бу қимматға тушмайдими? Муаллим тирикчилик ғамида ўзға юрт сари отланган касбдошларини қоралаш фикридан йироқ, ахир, тирикчилик тошдан қаттиқ-да. Аммо одамға ўз элида яшаш барибир яхши. Муҳожир ҳамкасбларининг сарсон-саргардонлигини кўз олдиға келтирса, ўзи тўғри йўл танлаганиға иқдор бўлади. Кимгадир қул бўлиш, унинг дақи-дашномини эшитиш, юрт соғинчи, бола-чақасининг фироқи, эҳ-ҳе, мусофирнинг кўрган куни курсин! Муаллим муҳожирликдан қайтиб, соғлигини тиклай олмаётган, ҳасратидан чанг чиқаётган ҳамкасбларини кўрса, четға чиқмагани, «чўғи» бўлмаса ҳам, топган даромади билан бола-чақасини ҳалол боққаниға минг карра шукр қилади. Касбига ихлоси баланд, ойлик маоши кам бўлса-да, бориға қаноат қиладиган фидойи кишилар ҳеч қачон мактабни тарк эта олмайди. Муаллимнинг кўкрагиға шамол тегиб, касоси оқарадиган кунлар ҳам келади. Бу – аниқ.

Бахтиёр муаллим касб салоҳиятиға, обрў-эътиборға осонликча эришгани йўқ. Умр йўлдоши Розия, ўғиллари Орзимурод, Баҳодир, қизи Дилноза математик. Яратганнинг қудратини қарангки, келинлари ҳам педагог. Бир жойға йғилишса, баҳс-мунозара математик тус олади. Бахтиёр муаллимға машҳур рус математиғи

М.Сканави китобини ўқувчилик йиллари деярли тўлиқ ечиб чиққани қўл келади.

2015 йилдан бери ёнида юрган ўғли Орзимурод олий тоифали ўқитувчи сифатида ҳурмат-эътибор қозонмоқда. Тошкент шаҳридаги 34-умумтаълим мактабда математика фанидан дарс бераётган кенжа ўғли Баҳодир билан педагогик технологиялар бўйича фикрлашиб туради. ЎЗМУ математика факультети магистратурасида ўқиётган қизи уларнинг изидан бормоқда...

Ҳа, обрў дегани мисқоллаб йиғилади. 1989-90 ўқув йилидан буён дарс берган ўқувчилари қанча? Кўча-кўйда, тўй-маъракада кимлардир салом берса, «Бизни ўқитгансиз, муаллим!» деса, муаллимнинг кўнгли ёришади. Узоқ йиллик ана шу меҳнатлари туфайли 2013 йилда Бахтиёр Абдиев «Меҳнат шухрати» ордениға сазовор бўлди.

Мактаб-интернат нуфузини сақлаб қолиш, муваффақиятларни кўпайтиришға биргина раҳбар ожизлик қилади. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлаши шарт. Даставвал 10-11-синф ўқувчиларидан 150 киши саралаб олинган бўлса, эндиликда ўқувчи сони 580 га етди. Бунга осонликча эришилдими? Қўшимча дарс, суллашган бола билан яқка тартибда шуғулланиш, ота-онаға бола хулқи, ўзлаштириши ҳақида хабар бериш, хуллас, бари эътиборда. Олис тумандан келаётганлар учун ётоқхона мавжуд, овқатланиш учун белгиланган сумма ота-она чўнтағидан. Бир мақсад-муддао йўлидаги истак ва интилиш мактаб-интернат довуғини фақат вилоятға эмас, балки республика миқёсига олиб чиқди. Бир неча йилдирки, ихтисослаштирилган мактаблар кучли ўнталиғидан Китоб туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати тушмай келмоқда. Муаллим бу натижада озми-кўпми ўз ҳиссаси борлиғидан қувонади.

Энг эътиборлиси, 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 11 йиллик умумий ўрта таълим жараёни қайта тикланди.

Барча таълим даргоҳлари қатори Бахтиёр муаллим меҳнат қилаётган мактаб-интернат ҳам гавжумлашди. Аниқ фанларға қизиқадиган ўқувчилар 10-11 синфдан эмас, 7-синфдан қабул қилина бошлаши педагогик жамоа гарданидаги масъулиятни ўн карра оширмоқда. Ўқитувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 17 бараварға оширилганидан бу педагогик жамоа ҳам баҳраманд. Президентимизнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган энг илғор ва фаол педагогларға ойлик маошининг 40 фоизигача устама ҳақ тўланишида малака тоифаси инобатға олинмоқда.

«**Ў**тиш» даврини бошдан кечираётган ўсмир тўғри тарбияланяптими? Унга эҳтиёткорона ёндашилмаслиги туфайли ота-она ҳам, педагог ҳам панд еб қолмаяптими? Боланинг мустақил ҳаётга тайёрланиши учун оилада мақбул шароит борми? Ота ёки она чет давлатга кетган бўлса, ярим-ёрти оиланинг зурёди кўнглини кимга ёрсин?

Муаллим мияси тўла фикр бўлса ҳам, ўқувчиларидан бири доскага чиқарганида, негадир ўз фикрини ифодалаб бера олмаслиги сабабини топгандек бўлди. Эртагу дoston ўқимагани учун унинг нутқи равон эмас. Бошқалари қай аҳволда? Бахтиёр муаллим ўқувчиларга юзланди: «Болалиқда ота-онангиз ёки бобо-момонгиз эртак айтиб берганми? Ким эртак эшитмаган бўлса, ўрнидан турсин!»

Синф жамоасининг деярли тенг ярми бошини эгиб, ўрнидан турди. Афсус! Ёшлар онгини техника ишғол этиб олгани рост. Аммо даврга айб ағдариш, техник имкониятларни инкор этиш қанчалик тўғри? Боланинг эртак тинглаб, китоб ўқиб, вояга етмаслиги тараққиётнинг дахли бор, деб қараш тўғрими? Гап, ҳафса-лада, ўсмирни назорат қилишда эмасмикан? Агар ота-она ва педагоглар боланинг диққат-эътиборини бир мақсадга йўналтириб, унинг дарсдан ташқари вақтини мазмунли ташкил эта олишса, ёшлар ҳаётида кузатилаётган танбаллик, ўқувсизлик, ялқовлик, телефонга қўллик каби қусурлар дилни хира қилмас эди.

Мактаб-интернатда ўқувчи пассивлашди, бу ерда ўқишга номуносиб эканлигини, тенгдошлари сафидан четга чиқарилишини ҳис қиладиган муҳит яратилган. Тўғри, болани техникадан буткул ажратиш қийин, мумкин ҳам эмас, бу – замон зайли. Демак, шундай йўл тутиш керакки, техник воситадан ўз ўрнида фойдаланиш зарур. Китоб ўқиган бола сўзга чечан, тафаккури кенг бўлишини қайси мактаб, қайси ўқитувчи билмайди? Аммо китобхонликка бағишланган тадбирлар хўжақўрсинга эмас, балки чуқурлаштириб ўтказилса, фикрини илга тизилган маржондек аниқ-тиниқ, бийрон сўзлаб берадиган ўқувчилар сафи кенгаймасми? Ҳар бир болага ота-онаси, момо-бувиси эртақхонлик, китобхонлик соатларини ташкил қиляптими, музей ва зиёратгоҳларга олиб бораптими – масала шунда. Маънавиятли боланинг келажаги порлоқ бўлишини, афсуски, ҳамма ҳам англаб етмаяпти.

Ўзбекистон тарихида янги давр – учинчи Реннесанс жараёни бошланди. Унинг ўтмишдаги Уйғониш даврларидан ер билан осмонча фарқи бор. Мамлакат мустақиллиги, яхлитлиги, суверенлиги бунга том маънода имкон яратади. Мактаб шарт-шароитдан нолишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Ўқитувчининг ўртача ойлик иш ҳақи 2,5-3 миллион сўмга тўғри келмоқда, ишлаган «тишляпти». Уларда бу рақам 3-3,5 миллион сўмга етди. Таълим соҳасига ҳар йили триллион-триллион сўм ажратилмоқда.

– Бахтиёржон, 11 йиллик умумий ўрта таълимга қайтилгани зап иш бўлди-да, – дейди унга кўпинча кўпни кўрган фахрий педагоглардан бири Ҳамроқул Ҳамдамов. – Ҳали «ўтиш» даври-

ни бошдан кечираётган ўсмирни «қоптоқ» қилиб, эсимиз кетувди. Уни бағримизга қайтардик, яхши бўлди. Учунчи уйғониш даври учун мустақам пойдевор яратилмоқда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг камровини кўряпсизми? Таълим, спорт, адабиёт, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқларни телевизорда кўрсатишса, ҳайратим ошади. Абитуриентни талабалikka қабул қилиш имкониятлари кенгайиб кетди. Ким ривожланган давлатга бориб ўқимоқчи, марҳамат. Спорт иншоотлари, маданият саройлари бунёд этиляпти. Қачон Ўзбекистонда ҳозиргидек хорижий давлатларнинг олий ўқув юртлари очилган?

– Ҳа, тараққиёт учун замин мактабда яратилади, усто! Уйлаб қоламан-да баъзан, иқтидорли ўқувчилар учун яхшиямки, ихтисослаштирилган мактаблар бор. Тўғри, билимга чанқоқ бола оддий мактабда ҳам «ёриб» чиқади. Аммо уларни чуқурлаштириб ўқитмасак, увол эмасми? Ахир, шулар орасидан забардаст олимлар чиқади-да. Негадир ўз ишимдан қониқмайман, билимим, тажрибам камлик қилаётгандек туюлади.

– Бу яхши хислат, Бахтиёр! Қониқсангиз, бўлди, бундан яхшироқ ишлолмайман, дегани. Агар

Яна бир хушхабар: Ал-Хоразмий номидаги математика олимпиадасининг республика босқичида юқори натижани қайд этган 20 нафар ёш математик «Иқтидорли ўқувчилар захираси»га қабул қилиндики, шундан иккиси Бахтиёр муаллимнинг ўқувчиси. Халқ таълими вазирлиги қошидаги олимпиадалар ташкил этиш департаменти томонидан адолатсизликка, таниш-билишликка ва маҳаллийчиликка барҳам берилаётгани илм-фаннинг янада гуллаб-яшнаши учун очик, ҳаққоний муҳит яратмоқда. Бахтиёр муаллим улар орасидан халқаро математика мусобақаси ғолиблари чиқишига қатъий ишонади.

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Ҳазрат Навоий хўп ёзиб қўйган экан-да: педагог юзлаб, минглаб инсонлар тақдирини белгилайди, адашган болага тўғри маслаҳатини беради. Унинг қадр қиммати, мартабаси ҳам шунда.

2011 йилда у бошқараётган математика тўғра-

рагига кўшни мактабдан Абдурахмон деган бола қатнай бошлади. Бахтиёр муаллим ажабланди: зукко, айтган захотинг илғаб оладиган бу ўқувчи нега мактаб-интернатда ўқимайди? Суриштирса, кўл учиде кун кўрадиган оиланинг фарзанди экан. Кўп ўтмай, ўша ўқувчи умуман кўринмай қолди. Афтидан, тўгарак пулини тўлашга қийналди. Муаллим унинг манзилини излаб топди ва тўгаракни бепул қилиб берди. Кейинчалик тенгқурлари орасида ақл-заковати билан ажралиб турувчи бу бола мактаб-интернатга жалб қилинди. Собик ўқувчиси Абдурахмон Алиев бу йил математика институти таянч докторантурасида ўз илмий ишини ҳимояга тайёрлаётган экан. Бахтиёр муаллим ҳар йили ўқитувчилар ва мураббийлар кунида ёш олимнинг чексиз миннатдорлигини тинглайди: «Устоз, агар ўшанда сиз мени тўгаракка қайтармаганингизда, мактаб-интернатда ўқишим учун ғамхўрлик кўрсатмаганингизда, тақдирим қандай кечарди? Менга унутиб бўлмайдиган яхшилик қилгансиз!»

Бахтиёр муаллимнинг кўнгли алланечук бўлиб кетади ва хаёлидан шу ўй ўтади: «Топган даромади камлигидан нолийдиган, хизмати эвазига нимагадир таъма ва шаъма қиладиган, фақат дарслик билан кифояланиб, ўз устида ишламайдиганлар шаънимизга доғ туширади. Бундайларга сафимизда ўрин бўлмаслиги керак. Бир инсон ҳаётдан ўз ўрнини топиб, буни сенинг қўллаб-қувватлашинг билан боғласа, муаллим деган зотга ана шунинг ўзи юксак мукофот эмасми?»

...Бугун яқшанба, муаллим оёғини чўзиб, ҳафталик югур-югурларининг чарчоғини чиқарса бўларди. Аммо олдига катта мақсад қўйган бир гуруҳ ўқувчилари уни ҳоли-жонига қўймайди. Ўқитувчи синфхонага қараб борар экан, шовқиндан ўқувчилар аллақачон жам бўлиб, уни кутаётганини англади.

**Хулқар ТҶИМАНОВА,
«Гулистон» мухбири**



ишингиздан кўнглингиз тўлмасе, бу ҳали кўп имкониятлардан фойдалана олмаётганингизни билдиради.

Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган бундай кексалар мулоҳазаси ҳамиша тош босади. Тўғриси, муаллимни ўз эришаётган натижалари тўла маънода қониқтирмайди. 1959 йилдан бошлаб ҳар йили ўтказиладиган халқаро математика олимпиадасида худудидан қатъи назар, иқтидорли ўқувчилар ғолиб бўлиб қайтади. 2001-2007 йилларда китоблик икки ўқувчи бронза медали олиб қайтган бўлса, ўтган йили онлайн ўтказилган беллашувда Элдоржон Неъматов фахрий ёрлик билан тақдирланди. Демак, ҳамкасби таъкидлаганидек, барча имкониятларини ишга солса, мактаб-интернат ўқувчилари халқаро доирада кумуш, олтин медал билан тақдирланади, албатта. Математика фанини ривожлантиришга ҳукумат миқёсида қаратилаётган эътибор камми? Натижа ҳам шунга яраша бўлиши керак. 2020 йилда у сабоқ берган битирувчи синфнинг жами 27 ўқувчиси олий ўқув юрти талабалигига қабул қилинган балки шунга амалий жавобдир. Ҳамкасблари Бахтиёр муаллимни кучоқ очиб табриклашганида, унинг кўзлари жиққа ёшга тўлди... Бу ютуқ Тошкентга бориб, давлатимиз раҳбари қўлидан «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвонини олиб қайтган муаллимнинг қувончига қувонч қўшди.



**Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири**

ШОҲРУҲИЯ

(Йўқолган қадимий шаҳар)

Шоҳруҳ набирамни ёнимга олиб
Мозийдан сўзлашга энди ярайман.
«Исмим ўхшаса ҳам, ахир, бобожон,
Мен бу вайронага қандай қарайман?!»
Сен энди қайдасан, эй қадим шаҳрим?
Ҳолбуки, Самарқанд, Бухоро ҳам бор.
Сени не йўқотди, меҳримми, қаҳрим?
Нега сен Кент эмас, хароб бир ёдгор?
Зиёрат қилай, деб бормиш сен тараф
Исмин атаганим набирам Шоҳруҳ.
Во ажаб, сенинг бу ҳолингга қараб
Бола ҳам антиқди, тортди оғир уҳ.
Буюк Соҳибқирон авлодидирмиз.
Бошга кўтаргаймиз ҳар бир бунёдни.
Кимнинг орзуси ё оҳ-додидирмиз,
Биз тинглаб турибмиз аждод додини.
Нега маҳв бўлди ажиб бу шаҳар?
Нега қўллолмади Темурдаин зот?
Турфа хаёлларга эрк берсанг агар,
Кўп ажиб туйғулар уйғонар, ҳайҳот!
Бобомиз номига қурилган қаср
Сайхундай дарёга ёқмадимми, ё?
Ҳарб ва зарб кимгадир етказган жабр
Эзгулик наҳрига оқмадимми, ё?
Бир замон отага фарзанд отди ўқ.
Самовот ўша дам титради бир пас.
У кентни йўқотган довул эмас, йўқ!
Фалокат ҳам эмас, зилзила эмас.
Ҳақнинг ҳукми эди – бўлди у барпо.
Фаҳмлаб турсак бас ўр-у қияни.
Турфа гуноҳлардан асрасин Худо.
Асрайлик қанча кўп Шоҳруҳияни.

Мен сени куйламоқ, истайман

АЁЛЛАР

Шундоқ демиш донишманд бир кун:
Кўрмоқ бўлсанг шаҳло кўзни гар.
Йўлни Шероз шаҳрига бургин,
Шероз томон айлагин сафар.
Барча аёл сулувдир, аммо
Сен қайдасан гўзалим, танҳо?
Шундоқ демиш донишманд яна:
Ахтарсанг энг оқила зотни,
Дехли томон бўлгин равона,
Дехлига бор, ўтказма вақтни.
Барча аёл сулувдир, аммо
Сен қайдасан гўзалим, танҳо?
Шундоқ демиш донишманд тагин:
Ёр вафосин этсанг гар армон.
Токиога йўлни чоғлагин,
Токиога борақол, ўғлон.
Барча аёл сулувдир, аммо
Сен қайдасан гўзалим, танҳо?
Мен донишманд эмасман, бироқ
Аён менга бир ҳолнинг фоли,
Юртимдадир у сиймо порлоқ,
Оқила-ю, сулув, вафоли.
Гар беқиёс аёллар бари,
Менга суюк ЎЗБЕК дилбари.



МЕН СЕНИ КУЙЛАМОҚ ИСТАЙМАН

Оқ шеър

Мен сени куйламоқ истайман
Сенинг юзларингни куйламоқ истайман,
Сенинг кўзларингни куйламоқ истайман.

Юзларким, малаги афсонада йўқ,
Кўзларким, жаннати ризвонада йўқ.
Мен сени куйламоқ истайман,
Аммо шундай куйласамки,
Йиртилиб кетса овоз пардаларим...
Мен сандан бўсалар олмоқ истайман:
Аммо шундай бўсаларки –
Тирқираб қон оқса лабларимиздан,
Зотан, одамлар севгисини ҳам
Алами, нафрати, қувончи каби
Ҳайқириб, ҳайқириб очиб ташласин.
Истайманки, наъра тортсин чақалоқлар
ҳам,
Ўликлар ҳам тинч ётмасин қабрларида.
Мен ҳамма нарсани буюклигича кўрмоқ
истайман
XX аср одамларида
Зотан, бу аср
Ҳар қандай чекланиш, ҳар қандай куллиқни
Итқитиб ташламоқда ўз елкасидан...
Бу асрнинг талаби оддий ва содда:
Юрагинг буюрган ҳар қандай гапни,
Тилагинг буюрган ҳар қандай гапни
Ҳеч кимдан тортинмай ўртага ташла,
Бўғзингда қолмасин овозинг, асло!
Мен шу асрнинг бир митти фарзандиман,
Мен унинг бутун қўполлигини,
Бутун нозиклигини,
Бутун совуққонлигини,
Бутун ҳароратини
Сенинг шу ғунчадек нозик лабларингга
Жо қилмоқ истайман, севгилим...

УЧ ЗИНА

Уч ажиб зинадан ўтгайдир Инсон,
Гўёки, ғазалнинг уч гўзал байти.
Хоҳлар ё хоҳламас, одам бегумон
Ўзи учун яшар болалик пайти.

Бир кун у камолот ёшига етгай,
Бу фасл ҳаммиша умрларга зеб.
Инсон тайёр турар синовларга шай,
Яшайди оилам, элу юртим, деб.

Кексалик йилларин сўрарсиз энди,
Ахир, тажриба бор унинг қўлида.
Ўйламанг, шу билан у тўхтаб, тинди,
Инсон ўзин топди Аллоҳ йўлида.

Акам ҳақида

Биз маърифатли, маданиятли, донишманд отамиз, меҳрибон ва иқтидорли онамиз бағрида улғайганмиз. Бирга яшаган давримиз қалбимизга муҳрланган. Бу хусусда гапириб адо қилиб бўлмайди. Шифокор бўлганим учунми, оиламиз, айниқса акамнинг саломатлиги учун ўзимни масъул деб билардим.

Тез-тез кўришиб турардик. Ҳадисда келтирилишича, «Агар синглингдан хабар олмоқчи бўлсанг, буғдойзорни босиб ўтсанг ҳам Оллоҳ сени кечирар экан», дер эди акам.

Совет даврида акам танилиб боравергач, уни кўп сиқувга ола бошладилар. Шундан кўп азият чекарди у. Жаҳли чиқса, тинмай ёзарди. Шундай кунларнинг бирида акамни Москвада ўтадиган ёш шоирлар анжуманига юборишди. Гуруҳ раҳбари Озод Шарафиддинов. Ўша даврда барча ҳужжатлар, матнлар, ўқиладиган шеърлар тайёр бўлгач, Ўзкомпартия руҳсати билан танланар эди. Бир пайт Озод ака қай кўзи билан кўрсинки, тасдиқланган ҳужжатлар орасида акамнинг шеърлари йўқ. Рўйхатда эса бор. Акам тушкунликка тушган. Шунда Озод Шарафиддинов сўраган:

«Рўйхатдаги шеърларингни ёддан биласанми?». «Биламан!». Шунда у киши «Мени отиб юборишса ҳам майли, ёддан ўқийсан», – дея, тадбирда навбат бериб юборган. Ҳамма биларди акам шеърларини ёдда тутишини. Жаҳли чиқса, жуда кучли ўқир эди. Ўшанда ҳам шеърларини қойил-мақом тарзда ўқиган. Залда Қайсин Қулиев, Давид Кугултинов, Расул Ҳамзатов ва бошқа машҳур шоирлар ўтиришган. Тадбир охирида уларга яқинроқ ўтирган ўзбек адиби Шукур Холмирозевга «Сен бизни шу бола билан учраштира. Ўрмонда жой қиламиз, келинлар», – дейишган. Кечкурун акам билан Шукур ака борган. Кечаси роса шеърхонлик қилишган. Акамга ўша учрашув кучли рағбат берган. Эртасига шеърларини «Озарбайжон» газетасида ва «Литературная газета»да чоп қилишган. Ўзбекистон Компартиясига Ўзбекистонни «ёрқин юлдуз» билан табриклаб, хат ёзишган. Биз қишлоқда отамнинг юбилейини ўтказаятганимизда, эрталаб ҳокимият машинаси акамни олиб кетди. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Кечкурун қайтариб олиб келишди. Акамнинг кайфияти аъло эди. Шунда Шароф Рашидов қабулига чақирган ва табриклаган, «Сиз билан бир ҳаводан нафас олаётганимдан хурсандман», деган экан. Ш.Рашидов Қашқадарёга борганда, отамни кўргани борган ва отамга шундай ўғилни ўстиргани учун ўзбек халқи номидан миннатдорлик билдирган. Акамни чақириб «Абдулла, яқинда Абу Али ибн Сино юбилейи бутун дунёда кенг нишонланади. Шу анжуманга Абу Али ибн Сино тўғрисида асар ёзиш керак. Шунки кичик китобча қилиб чиқарсак, турли давлатлардан келган меҳмонларга берардик», деган. Шу тариқа «Ҳаким ва ажал» асари яралган. Кейинроқ Москвада СССР Ёзувчилар уюшмаси пленумида «Ҳаким ва ажал» асари тақдим қилинган. СССР Ёзувчилар уюшмаси раиси китобни мақтаган. Эртасига ҳамма ёзувчилар ўз юртига жўнаши керак, аммо акам жойидан тура олмаган. Ўткир миокард инфаркти ташхиси билан Москвадаги Склифосовский институти клиникасига ётқизилган. Хабар келгач, акаларим ва мен зудлик билан Москвага учиб кетдик. Бир ой акам билан қолдик. Мен касалхонада, Раззоқ акам ташқарида. Қолган акаларим бизга моддий ёрдам жўнатиб турдилар. Ҳар куни бориб, Ўзбекистон элчихонасидан кундалик газета, журнал олиб келиб берардим. Акамни турғазимасди. Жуда қийналди. Бироз ўзига келгандан сўнг яна ижод қила бошлади. «Иринага», «Умр ўртаси», «Мени олиб кетинг Ўзбекистонга» каби шеърларни ёзди. Юртини, болаларини соғинарди. Акаларим болаларини ҳам олиб боришди. Йўқ, тинчимади. Фақат Ўзбекистонга кетаман, деб хархаша қиларди. Баъзан тортишиб қолардик. Мени уйга кетиб қолади, дея хавотир оларди. «Сингилжон, менадан хафа бўлдингми?» деб сўрарди. Мен у кишига касаллигини тушунтирдим ва юрагингиздаги яра битса, кетаман, дердим. Хар куни ЭКГ қилишарди. «Нега?» дея, инжиқлик қиларди. Шифокорлар буни Ўзбекистонга юборамиз, улар сўрашяпти, дейишар-



ди. Мени фақат Ўзбекистон ҳавоси даволайди, дерди акам. Оллоҳга шукурки, айтганидек, Ўзбекистон ҳавосидан соғайиб кетди. СССР Олий Совети депутати бўлди. Ўзбекистон мустақил бўлганда, ҳамма хурсанд бўлди, аммо менинг наздимда, ҳеч ким акамдек хурсанд бўлмаган. Зеро, у киши умр бўйи орзу қилгани – Ватани мустақиллигидан сармаст эди.

Ижоди жўш урди. Бир неча вариантда Ўзбекистон мадҳиясини ёзди. Бу вақтда ухлаш, чарчаш деган туйғу у кишига бегона эди. Она халқим, Ватаним, дея куйлади. Меҳнатларини ҳисобга олиб, мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Абдулла Ориповга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини берди.

Юқорида айтганимдек, шифокор бўлганим учун акам соғлигига доим ўзимни масъул сезардим. Буни оиламизнинг барча аъзолари ҳам талаб қилишарди.

Ғаламислар, ичи қора кўролмаслар саъй-ҳаракати билан акамнинг боши атрофида қора булут айлана бошлади. «Жаннатга йўл» дostonини ёзганда, айрим адиблар бу асар учун уни жазолаш керак, деган мазмун-

да «юқори»га хат ёзган. Хайрият, ҳукумат томонидан шакллантирилган, академик, олимлардан иборат 36 кишилик комиссия ўрганиб чиқиб, ижобий, яъни тарбиявий аҳамиятга эга асар, деган хулоса берган. Натижада «Жаннатга йўл» асари биринчи марта Қирғизистонда Ўш драма театрида, сўнг Қарши драма театри сахнасида қўйилди. Спектаклни Ислоҳ Каримов бориб кўрган. Афсуски, барибир булут тарқамади, аксинча, куюқлаша борди. Ёзганларини чоп қилиш тақиқланди. Буларнинг бари саломатлигига таъсир қила бошлади. Акамга Италия ҳукумати томонидан «Италия юлдузи» ордени берилди. Унгача бу орден билан фақат бир киши тақдирланган экан. Мукофотни Италия элчихонаси ходимлари топширишди. Ўзимизда бу ҳақда, деярли, ёзилмади. Бир куни уйга борсам, тушкун ҳолда ўтирибди. Нега хафасиз, десам, шеъримни босиш-

маяпти, энди ҳеч ким ўқимайди, деди. Биз-чи, ижтимоий тармоқда ҳам ўқишяпти-ку, дедим. Сиз ёзаверинг, ўқувчи кўп, дея кўнглини кўтарганман. Акам шеърларини худди болаларидек асрар эди. Мана, ўша вақт келди, ҳамма ўқияпти.

2014 йилда акам Туркияга бориб, ўша ерда грипп билан касалланиб қолди. Асорати пневмонияга уланиб кетди. Аҳволи оғирлаша борди. Доим ўғли Илҳом, қизи Шоира, Ҳанифа янгам бирга эди. Кечкурун Илҳомжон кўнгириқ қилиб: «Амма, отамнинг аҳволи оғирлашди. Шифокорлар Оллоҳ билади, дейишяпти. Отамга аммамни чақираймми, дегандим, мийиғида кулиб қўйди, Амма келинг!» деди. Тезда етиб бордим. Аҳволи оғир эди. Қучоқлашиб йиғлашдик. Шу манзарани акам «Ватан меҳри» шеърисида таъсирли ифодалаган. Бу болалиқдаги ака-синглилик муносабатидан фарқли, катта кишининг ўз синглисига Ватан соғинчи ҳақида сўзлаши, юрт меҳрига қанчалар зорлигини айтиши, Ватан меҳрини ўз синглиси қиёфасида кўрганининг баёни эди. У кишининг энг яхши кўргани Ватан, халқ, ота-она, сингил, болалар, оиласи эди. Шу меҳри туфайли Ватанга интилиб, касалликни енгиб, тузалиб чиқди. Биринчи марта Америкага бирга бордик. Мели акам касал эди. Биз самолётга чиққан вақтимиз у киши ҳаётдан кўз юмган. Иложсиз қолдик. Акамга билдирмай, учиб кетдик. Кейин ҳам айтмадик. Уйдагилар ҳам, у киши яхши, дейишди. Аслида, у кишининг тушида акам ўлгани аён бўлган экан. Мен олдинроқ кетаман, акамга гапингиз бўлса етказаман, десам, марсия ёз, деяпсанми, дедилар. Акам ўз туши, сезгиси ва туйғусига кўпроқ ишонарди. Америкада тинмай ижод қилди. Охири борганида ҳар куни кўнгириқ қилиб гаплашардик. Ўзбекистондаги янгиликлар тўғрисида сўрарди. Муҳокама қилардик. Йўл-йўриқ кўрсатарди...

Бибисора ОРИПОВА

Унутилмас лаҳзалар, нурмаъно суҳбатлар

Халқимизнинг ардоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов билан танишганимда, ҳали талаба эдим. Ушандан бошлаб бу буюк Инсон, беназир Шоир билан устоз-шоғирд, ака-ука бўлиб юрдик. У кишининг кўп-лаб янги шеърларининг илк эшитувчиларидан, айрим шеърларининг ёзилиш жараёнига гувоҳ бўлганимдан бахтиёрман. Устоз билан тонготар суҳбатлар қурганимиз, у кишининг ғоят теран фикрларидан ҳайратланган чоғларим хотирамда муҳрланиб қолган. Кейинчалик Абдулла ака билан турли нуфузли анжуманларда, йиғилишларда иштирок этдик, узоқ-яқин сафарларда бўлдик. Ана шу жараёнларда ҳар хил ибратли, қизиқарли воқеалар кўп бўлган.

Устознинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилишга жазм этдим.

1972 йил февраль ойининг охири. Ҳаво совуқ, атроф оппоқ қорга бурканган.

У пайтда мен «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетаси таҳририятида ишлар эдим. Қандайдир юмуш билан радио уйига бордим.

Уша ерда Абдулла акани учратдим. Саломалиқдан кейин «қаёққа кетяпсан?» деди. Ишим битди, уйга кетаман, дедим. «Шошмай тур, – деди Абдулла ака. – Мен ҳозир гонорар оламан. Кейин бирга кетамиз». (У пайтларда радиодаги чиқишларга ёки бирон асари ўқилса қалам ҳақи радио уйида нақд пулда бериларди. Бунинг устига қалам ҳақи ҳам яхшигина бўларди.)

Абдулла ака кассага бориб, бир зумда пул кўтариб чиқди. (Туркум шеърларини ўқиган экан.)

– Мана бу пуллари кўрдингми? – деди бир даста пулни кўрсатиб. – Юр кетдик, буни ювамиз.

Мен нима дейишни билмай иккиланиб қолдим.

– Гапни кўпайтирма, юр, «Дружба»га борамиз... Бир пас гурунг қиламиз, – деди.

Ҳозирги Амир Темур хиёбони илгари Инқилоб хиёбони деб аталар, уша ерда «Дружба» деган ресторан башара қаҳвахона бўларди. Ресторан башара деганимки, ресторандан пастроқ (арзонроқ), қаҳвахонадан юқорироқ (қимматроқ) жуда шинам, файзли бир емакхона эди.

«Дружба»га кириб, бир четга ўтирдик. Ҳол-аҳвол сўрашишдан бошланган суҳбатимиз тобора қизиқ бораверди. У вақтлар Абдулла Ориповнинг гуриллаган пайти, ҳар бир янги шеъри овоза бўлиб кетар эди. У кишининг шеърлари нафақат Ўзбекистонда, балки иттифоқ миқёсида донг таратган, Москва нашрларида ҳам Абдулла Орипов ижоди ҳақида мақолалар чиқиб турарди. Машҳур қабардин-болқар шоири Қайсин Қулиевнинг мақоласи ҳам «Литературная газета»да ўша кезлар эълон қилинган эди.

Қиш куни эмасми, бир зумда қоронғи тушди. Аммо суҳбатимизнинг охири кўринмасди. Абдулла аканинг жонбахш суҳбатидан роҳатланар, ўзим учун жуда кўп нарса олар эдим. Шу боис

суҳбатни бўлгим ҳам, турайлик дегим ҳам келмасди. Лекин вақт барибир ўз ҳукмини ўтказарди. Бунинг устига...

– Абдулла ака, энди турайлик, вақт алламаҳал бўлиб кетди, – дедим.

Устоз жаҳл қилгандай юзланди.

– Қаёққа шошасан... Гурунглашиб ўтириб-миз-да... Ҳа демай манавилар (официантларга ишора қилди) ўзи айтади туринглар, деб. Шунда турамиз.

– Устоз, сиз билан тонгача суҳбатлашиб ўтиришга тайёрман, неча марта ўтирганмиз ҳам, – дедим тутилиб. – Аммо ҳозир уйга боришим керак... Қишлоқдан энам келган, хавотир олиб ўтиргандир.

Бу гапдан Абдулла ака сергак тортди. Бир зум ўйга толди. Назаримда, шоир ўз онасини уйлаб кетгандай бўлди. Ўзига ўзи гапиргандай секин пичирлади:

**Маконда ломакондирсан, энди қайдан
излагайдирман,**

**Фиғоним кимга айтиб, кимга сендан
сўзлагайдирман.**

**Бировлар мотамида оху фарёд айлаган
эрдим,**

**Сенинг-чун, эй ғарибим, ич-ичимдан
бўзлагайдурман.**

Шоирнинг кўзлари намланди. Оғир сукунат чўқди.

– Оналар ҳаётлигида қадрига етиш керак, – деди бироз маҳзун оҳангда. – Уларни хавотирда қолдириш яхши эмас. Лекин... афсус, минг афсус... – Сигарет тутатди. – Ҳай, майли, Маматкул кўй, ўйлама, ҳаёт шундай яралган. Оллоҳ оналарга буюк бардош берган. Айниқса, сену менга ўхшаганларнинг онасига. – Сигаретни босиб-босиб тортди. – Менга қара, энанг қачон келди? Нимага келди шу совуқ кунда? Ўзинг бир ижарада турсанг...

Бор гапни очиқ айтишга мажбур бўлдим.

– Ўн кун бўлди... Мен фарзандли бўлдим.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ

Шунга келинига қарашгани келди. Уйга бориб печка-мечкани қарашим керак, кўмир борми-йўқми...

Гапим оғзимда қолди.

– Нимага шуни вахпирок айтмайсан. Ўғилми, қизми? – деди ҳаяжон билан.

– Ўғил, – дедим.

Устоз ўрнидан туриб мени кучоқлади, юзларимдан ўпди. Астойдил қутлади.

– Энди гап бундай, – деди қўлини ҳавода айлантириб. – Ўтир, бир минут ўтир. – Қадаҳларга ароқ қуйди. – Мана шуни сенинг ўғлинг учун ола-миз. Кейин тура-миз.

– Устоз кўпайиб кетди, мен энамнинг олдига бундай боришга уяламан.

– Қўлингга ол, – деди қатъий – ҳеч нарса қилмайди. Энангга Абдулла Орипов деган шоир акам мажбурлади, дейсан. Хўпми?! Ол!

Кўчага чиқдик. Кўча ҳувиллаб ётибди. Бирон-бир машина кўринмайди.

– Машина тополмайсан... Юр, кетдик, пиёда. Менинг уйим яқин, – деб йўлга тушди. (У пайтда Абдулла ака эски консерваториянинг рўпарасидаги ёзувчиларнинг тўққиз қаватли уйида турарди).

Нима қиларимни билмай қолдим. Уйга кетворай десам, устозни ёлғиз қолдириб кетиш мумкин эмас, уйига бирга бора-десам, яна чўзилиши мумкин. У кишининг феълани биламан – бирга борган одамни уйга олиб кириб, бир пиёла чой узатмай рухсат бермайди. Унгача Абдулла ака беш-олти қадам илгарилаб кетди. Орқасига ўгирилиб, менга қаради.

– Нима қилиб турибсан? Юр тезроқ, уйга борамиз, гап бор. Кейин кетасан... Тезроқ бўл, энанг бечора хавотир олиб ўтиргандир... Вақт ҳуфтон бўлиб кетди-ку.

Ноилож эргашдим.

Эшикни Ҳанифа янга очди.

– Ҳанифа, – деди Абдулла ака. – Буни танийсан-а, менинг укам, Маматқул. Бу яқинда фарзанд кўрди, ўғил. – Гапира-гапира ичкарига кирди. Менга қаради. – Нима қилиб турибсан, кир ичкарига... Ҳанифа, ўғил болага битта ўйинчоқ олиб чиқ.

– Абдулла ака, шарт эмас, мен кетақолай.

Менинг гапимни гўё эшитмагандай, янгага деди:

– Ҳанифа, тезроқ бўл. Буни энаси хавотир олиб ўтирипти.

Уша пайтлар ҳар хил ҳайвонлар, қушлар қиёфасидаги резина ўйинчоқлар бўларди. Қўлга олиб босса, қайси ҳайвон ёки қуш бўлса, шунинг овозига ўхшаш товуш чиқарарди. Ҳанифа янга каттагина бир «тўтиқуш» олиб чиқди. Абдулла ака уни қўлимга тутқизаркан:

– Аввал энангни мени номимдан, янганг номидан неварга билан табриклаб қўй, келинни ҳам, – деди. – Мана буни ўғлингга бер, шоир Абдулла бобонг берди, дегин. Хўпми? Энди тез уйингга бор, энанг хавотир олиб ўтиргандир.

Раҳмат айтиб чиқдим.

Уша тўтиқушни ўғлим, кейин укаси, улардан кейин ўғлимнинг ўғиллари ўйнади.

1979 йилнинг июнь ойида Озарбайжонда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси бўлди. Унда юздан зиёд ўзбекистонлик шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар иштирок этди. Мен декадани ёритиш учун «Ўзбекистон маданияти» газетасининг муҳбири (фотомуҳбир Солиқ Маҳкамов билан) сифатида қатнашдим.

Декада жуда юқори савияда ташкил этилган эди. Ўзбекистон ва Озарбайжон ёзувчи-шоирлари, санъаткорлари беш гуруҳга бўлиниб, Озарбайжоннинг барча районларида учрашувлар

ўтказди.

Меҳмонлар Боқудаги бир неча меҳмонхонага жойлашган эди. Биз – ёш ижодкорлар, журналистлар «Боқу» меҳмонхонасида эдик.

Уч-тўрт ёш озарбайжон шоирлари Абдулла Орипов билан суҳбат уюштиришимизни илтимос қилди. Норасмий, дилдан суҳбатлашсак, дейишди. Зеро, бу пайтда Абдулла Орипов ижоди Озарбайжонда ҳам машҳур эди.

Бу таклифни Абдулла акага айтгандик, у киши рози бўлди. Бир оқшом «Боқу» меҳмонхонасида биз жойлашган хонада суҳбат ташкил этдик. Абдулла ака Озарбайжон шоирларидан шеърлар эшитди, ўз фикрларини билдирди. Уларнинг илтимосига биноан, ўзининг янги шеърларидан ўқиди. Сўнгра Низомий, Фузулий, Насимий, Собир, Вурғун ҳақида, уларнинг ижоди асносида озарбайжон халқининг тарихи тўғрисида мисоллар билан шундай сўзладик, озарбайжон шоирларининг оғзи очилиб қолди. Низомий, Фузулий, Насимий, Самад Вурғун шеърларидан ўқиди. Алишер Навоий Низомий Ганжавийни устоз билган, Муҳаммад Фузулий эса Алишер Навоийни устозим деган. Бобораҳим Машраб билан Имодин Насимийнинг маслак-матлаби бир бўлган, Ғафур Фулом билан Самад Вурғун кадрдон эди, деб икки қардош халқ тарихи, маданияти, адабиёти, ижодкорлар ҳамкорлиги борасида ҳайратли мисоллар келтирди. Бир зум уйга толди-да, «битта қоғоз бер» деди. Чўнтагидан ручка олиб, нималарнидир ёза бошлади. Биз жим ўтирдик. Секин кўз қиримни ташладим. Шеър туғилаётган эди. Ручка қоғоз узра йўргалашдан тўхтади. Шоир ёш озарбайжон шоири Сиёвуш Сархонлига қаради: «Бобакни биласанми?» деди. Сиёвуш кутилмаган бу саволдан гангиб турувди, Абдулла ака ўзи жавоб берди: «У Ватан озодлиги учун курашган, бизнинг Муқанна каби». Ручка яна қоғоз юзида ҳаракатини давом эттирди. Хона жимжит. Биз бир-биримизга сўзсиз термула-миз. Шоир жадал ёзди, ёзди, ўчирди, яна ёзди... Ручкани столга қўйиб, уйга толди. Ҳамон хонада жимлик ҳукмрон. Шоир яна ёза бошлади.

Қанча вақт ўтди билмайман – бир соатми, кўпми-камми. Бир маҳал ҳозир ёзган қоғозларини қўлига олиб, бизга юзланди: «Эшитинглар». Ҳўй бошлади:

**Ҳаёл оти билан кезгил ҳар ённи,
Топмассан бундайин хушбахт бир онни.
Мухр этди дилларга тарих инчунин,
Қадим қондошликни – олий эҳсонин.
Эъзолаб турибди кўтариб бошга,
Бу кун озар эли Ўзбекистонни.
Асли Муқаннага қиёс этгулик,
Бобакнинг қалбидан тошган тугённи.
Низомий болидан ҳалво пиширмуш
Навоий забт этиб туркий жаҳонни.
Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек,
Ўзинг айт, Фузулий битган девонни.
Азизим, дилумда асраб юрибман,
Насимий қолдирган собит имонни.
Вурғуннинг шеъри деб жон чекса ўзбек,
Озар ҳам аярми Ғафурдан жонни.
Мен сендай мезбонни топмоғим гумон,
Сен ҳам тополмассан мендай меҳмонни.**

Абдулла ака шеърни ўзига хос оҳанг, шидда-ту шижоат билан ўқиди-да, атрофга қараб «Қалай?!» деди. Шу биргина сўзда «Қойил қилдимми, бошлабманми?» деган теран маъно бор эди. Ҳаммамиз шоирни олқишладик. Абдулла Орипов мамнун жилмайди. Бир пиёла чой ичди-да, озарбайжон қардошларимизга шеърнинг мазмунини тушунтириб берди. Абдулла Ориповнинг машҳур «Озарбайжон» шеъри ана шундай яра-

тилган эди (Бу ерда шеърнинг баъзи мисраларини келтирдим).

Уша суҳбатда қатнашган ёш озарбайжон шоирлари ниҳоятда мамнун бўлиб кетишди. Кейин ҳам улар бу суҳбатни қайта-қайта эслаб, Абдулла акадан миннатдор бўлиб, у кишини таклиф этиб, суҳбатни ташкил этганимиз учун бизга кўп ташаккур билдирди.

Декаданинг охириги кун мезбонлар меҳмонларни «Озарбайжон» теплоходида Каспий денгизидеги Нефттошлар шаҳарчасига саёҳатга олиб боришди. Бу шаҳарча Боқудан 150 километр ичкарида бўлиб, у ерда нефтчилар яшар экан. Тасаввур қилинг, 150 километр ичкарига кетдик. Тўрт томон сув. Одамни ваҳима босади. Биз – ёшларга каюта йўқ, шу боис очик палубада эдик.

Денгизни, чариллаб бир-бирини қувлаётган чорлоқларни томоша қилиб ўтиргандик, Абдулла ака кўриниб қолди.

– Нима қилаяпсан бу ерда? – деди менга.

– Баҳри Ҳазарни томоша қилиб ўтирибман, – дедим.

– Қайси каютадасан?

– Бизларга каюта йўқ, – дедим.

– Ие, нега йўқ? – ажабланди Абдулла ака.

У кишининг кайфиятини бузмаслик учун хотиржам гапирдим:

– Каюта шарт эмас, Абдулла ака. Қайтанга шу ер яхши. Денгиз ҳавосидан баҳраманд бўлиб, томоша қилиб кетамиз.

Устоз маънодор қаради:

– Олдин ҳам денгизда юрганмисан?

– Йўқ, – дедим. – Биринчи марта чиқишим теплоходга.

– Кўриниб турибди... – Абдулла ака қулди. – Денгиз касаллигини биласанми? Ўрганмаган одамга таъсир қилади. Қон босимини кўтариб юборади, бурундан қон кетиши мумкин. Шунинг учун узоқ масофага сузганда каютада ўтирган яхши... Бу ерга ҳар замон чиқиб, бироз томоша қилиб ўтирса бўлади. – Ёнимда турган сумкамга ишора қилди. – Ол буларингни, мен билан юр.

Мен хижолат бўлдим.

– Зарари йўқ, Абдулла ака, шу ер...

– Гапни кўпайтирма, юр... Бизнинг каютага борамиз... Бироздан кейин бу ерда концерт бўлади, шунда чиқамиз.

Абдулла Орипов билан Эркин Воҳидов битта каютада экан. Бир соатлар чамаси икки устоз суҳбатидан баҳраманд бўлдим. Сўнгра концерт томоша қилгани палубага чиқдик. Ўзбек ва озарбайжон санъаткорлари ижросида жуда гўзал концерт бўлди... Атрофда бир парча бўлсин қуруқлик кўринмайди, фақат сув, сув. Баҳри Ҳазар чайқалиб ётибди. Қуёш чарақлаб турибди. Бешик-бешик тўлқинларни ёриб бораётган «Озарбайжон» теплоходида галма-гал ўзбек ва озарбайжон куй-қўшиқлари янгради. Таърифга сўз ожиз. Уша пайтдаги қувонч, ҳаяжон қалбимга мангу муҳрланиб қолган, десам муболаға бўлмас...

Ушанда Абдулла ака шогирдларига ҳар доим, ҳар жойда меҳрибон ва ғамхўр эканига яна бир бор амин бўлганман.

Дарвоқе, Боқудан қайганимиздан кейин бир ҳафта давомида бурним қонаб юрди. Шунда Абдулла ака айтган денгиз касаллиги шу бўлса керак, деб ўйладим...

Абдулла Орипов узоқ йиллар Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилгани барчага маълум. Бу йиллар давомида Абдулла ака аввал депутат, кейин сенатор бўлди. Мен Ўзбекистон миллий ахборот агентлигида раҳбар эдим.

(Давоми 22-бетда)

Унутимас лаҳзалар, пурмаъно суҳбатлар

(Бошланиши 20-21-бетларда)

Ўша йилларда Абдулла ака билан турли тадбирларда, мажлисларда тез-тез кўришиб турардик. Табиийки, ўзаро суҳбатлашар, фикр алмашар эдик. Аксарият буюк инсонларга хос мағрурлик, ўз қадр-қимматини билиш ва уни асраб-авайлаш, айна вақтда оддийлик, камтарлик каби фазилатлар Абдулла Ориповга ҳам бегона эмас эди. У киши янги ёзган шеърларини шогирдларига, кўнгли тусаган укаларига ўқиб беришдан, уларнинг фикрини эшитишдан тортинмасди. Ҳатто Сенат мажлисларида бирон-бир масала юзасидан сўзга чиқиш учун тайёрлаган нутқи матнини ҳам маслаҳатлашар эди. Шундай нутқларини уч-тўрт марта менга ҳам олиб келгани эсимда. «Абдулла ака, сиз ёзган матнга мен нима дея олардим?», дердим хижолат бўлиб. Шунда у киши самимият билан лутф қиларди: «Йўқ, ундай дема. Сен доимо сиёсат ичидасан. Мен ҳамма воқеадан, жараёндан хабардор бўлмаслигим мумкин... Қолаверса, шоир зотида эҳтирос кучли бўлади. Сиёсат эса эҳтиросни хушламайди». Нутқ матни бўйича айтилган таклиф ва фикрларни бажонидил қабул қилар, боз устига кўнглимизни кўтариш учун «Ана кўрдингми, қандай яхши бўлди энди», деб мақтаб ҳам кўярди. Шундай пайтларда буюклик – соддаликда, деган ҳикмат бот-бот ёдимга тушаверарди...

1994 йилнинг 14 майи, шанба куни эди. Абдулла Орипов билан мажлисда қатнашдик. Тушга яқин тугади мажлис. Икковимиз гаплашиб машиналар турадиган жойга йўл олдик.

– Идорага борасанми ё уйга кетасанми? – деди устоз.

Устознинг кайфиятини англадим – бироз гурунглашгиси бор.

– Ишхонага бораман... Вақтингиз бўлса, юринг, бироз суҳбатлашамиз, бирга тушлик қиламиз, – дедим.

– Қаерда тушлик қиласан? – деб сўради.

– Ишхонада... Бирон нарса ташкил қиламиз, кўчада юрамизми...

Таклиф устозга маъқул келди. Шанба кунлари одатда иш бироз камроқ бўларди. Ўша куни анча хотиржамлик бўлиб, телефонлар ҳам кам жиринглади.

Устоз билан анча гурунг қилдик. Очилиб, яйраб ўтирди. Кайфияти кўтарилди. Бир маҳал чекиб турган сигаретини кулдонга қўйди-да, ўрнидан турди. Ёзув столига борди-да, менга юзланди.

– Жойингда беш минут ўтирсам майлими? – деди.

– Э, устоз, нималар деярсиз, бемалол, ҳеч хижолат чекманг, аксинча, мен хурсанд бўламан, – дедим.

Шоир креслога ўтирди, столда турган қоғозлардан бир дона олиб, нималарнидир ёза бошлади. «Шоирга илҳом келди» деб ўйладим. Устоз тез-тез бир нималарни ёзди. Қоғозни кўлига олиб:

– Эшит, – деди.

Ҳозир ёзган нарсасини ўқиди:

– «Укам М.Ҳазратқуловга
Маматқул, билиб қўй, асл зотимсан,
Пайгамбарга адаш исми, оптимсан.
Ахборот бошисан улуг давлатга,
Адибсан, айна вақтда зўр қанотимсан!»

Абдулла ОРИПОВ

14 май, 94 йил

М.Ҳ.нинг идорасида ёзилган ҳурматнома».

– Ма, олиб қўй, эсдалик учун, – деди. Очиғи, ўша пайтдаги ҳаяжонимни, тўлқинланиб кетганимни ҳали-ҳануз унутмайман. Қачон шу воқеани эсласам, вужудимни ҳаяжон босади, қулоғим остида буюк шоир Абдулла Орипов овози жаранглайди.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Укам М. Ҳазратқуловга
Маматқул, билиб қўй, асл зотимсан,
Пайгамбарга адаш исми, оптимсан.
Ахборот бошисан улуг давлатга,
Адибсан, айна вақтда зўр қанотимсан.
17. Маи. 94
М. Ҳ.нинг идорасида
ёзилган ҳурматнома»



Истеъдод уйғонганда

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда «Президент мактаби», «Темурбеклар мактаби», «Ижод мактаби» каби илғор таълим муассасаларининг халқаро стандартлар даражасида ташкил этилиши ёш, истеъдодли авлод вакиллари комилликка етаклашда муҳим омил бўлмоқда.

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 майдаги қарори асосида бунёд этилди. Қисқа муддатда қад ростлаган бу таълим маскани ўзининг ободлиги, кўрки ва салобати билан киши эътиборини тартади. Мактаб ҳудудида атоқли шоиримизнинг ҳайкали таълим муассасасига ажиб руҳ ва салобат бағишлаб турибди. Ҳайкал ортида махсус ростланган деворга шоир шеърларидан намуналар битилган. Остонаданок, шоирнинг Ватан, халқ, инсон эрки, равнақи, иқболи билан боғлиқ туйғуларига ҳаммоҳанг жонли ва таъсирчан бир муҳит, бу масканга қадам қўйган ёш авлодга сўз сеҳрини англашда, маънан юксалиб, элу юртга аждодлари сингари сидқидилдан хизмат қилишда бурч ва масъулият юклайди.

Айни пайтда мактабда 146 ижодкор ўқувчи таҳсил олмоқда.

Мактабнинг кенг ва ёруғ синф хоналари энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган. Кимё, биология, физика фанлари учун ўқув-лаборатория хоналари ҳам мавжуд. 210 ўринли фаоллар зали ва спорт зали, 50 ўринли ётоқхона, яна шунча ўринли ошхона ўқувчилар ихтиёрида. «Ифодали ўқиш», «Нутқ маданияти», «Нотиқлик санъати» бўйича кўшимча дарслар йўлга қўйилган.

Пойтахтда, воҳанинг ўзида яшаб, ижод қилаётган таниқли шоир ва адиблар бу ерда тез-тез бўлиб, назм, наср, публицистика ва таржима йўналишларида учрашувлар, ижодий кечалар, «Маҳорат дарслари» ўтказида. Ўтган уч йилда таълим маскани сезиларли ютуқларга эришди, қатор истеъдодлар кашф этилди.

«Билимлар беллашуви» ва фан олимпиадаларида мактаб-интернат ўқувчилари нафақат она тили ва адабиёти, балки, тарих, инглиз тили, биология, кимё, математика фанларидан ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Вилоят миқёсида ўтказилган фан олимпиадасида Лазиз Омонов она тили ва адабиёт фанидан, Хушнуд Холбоев тарих фанидан, Мафтуна Тўлаганова тарих фанидан 1-ўринни, Дилнаво Собирова она тили ва адабиёт фанидан, Рамазон Ҳамидов она тили ва адабиёт фанидан 1-ўринни, Маржона Норқулова инглиз тили фанидан вилоятда 3-ўринни, Дилнура Ўрозова биология

фанидан шахарда 1-ўринни эгаллади.

Мақтаб-интернат талабаларининг истеъдодлари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. 2019 йили Эъзоза Алишерова «Sakura science program» дастури асосида Япония илм-фан ва технологиялари агентлиги томонидан ташкил этилган нуфузли анжуманда иштирок этиб, Абдулла Орипов шеърларини инглиз, япон тилларида ўқиди.

Эъзозахоннинг муваффақиятлари фақат шугина эмас, у ўша йили таълим йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан республика миқёсида ўтказилган «Йилнинг энг ёш истеъдодли шоири», «Ёш китобхон» «Заковат», «Ҳаётни сев», «Йил ҳикояси-2020», «Темур тузуқлари» билимдонлари», Бутунжаҳон Болалар куни муносабати билан ўтказилган кўрик-танлов ва турли йўналишлардаги танловларда Севинч Омонова, Эъзозбек Чўлиев, Дилбек Бозоров, Севинч Ҳамроева каби 20 нафардан ортиқ ўқувчилар ғолиб бўлди. Ушбу таълим даргоҳи 2019 йилда ўтказилган «Обод мактаб» лойиҳаси бўйича республикада ғолибликни қўлга киритди.

Мақтаб-интернат иқтидорли ўқувчиларининг ижодий қобилиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўндан зиёд шеърӣ тўпламлар— «Митти юлдуз жилолари», «Яна баҳор келди», «Ватан баҳти», «Қувноқ болалар» каби номлар остида чоп этилди.

— Абдулла Орипов миллатпарвар шоир эди. Асл адабиёт инсоншунослик фани, руҳий оламимизнинг кўзгусидир. Устознинг шеърларида умуминсоний туйғулар устувор. Уларни ўқиб ҳаяжонланмаган мухлиснинг ўзи йўқ. Айни пайтда Учинчи ўйғониш даврининг бошланиши адабиёт соҳасида мактабимизда таҳсил олаётган, инглиз тилини пухта ўрганган ўқувчилар томонидан атоқли шоиримизнинг шеърларини хориж тилларига ўгиришдан бошланса, ажаб эмас. Унинг шеърларини шоир қалбини англаган, тил қонуниятларини мукаммал эгаллаган ўзбек ёшларигина амалга ошириши мумкин. Мактабимизда ана шундай таржимонларни шакллантиришга ҳаракат қиляпмиз. Ўқувчиларимизнинг аксарияти хориж тилларини ўрганишга қизиқадилар. Ўз ижод намуналарини, яратган матнларини ҳамда Абдулла Орипов ижодидан бадиий таржималар қилиш билан шуғулланишади, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ёқутхон Жамолова. — Чўлиев Эъзозбек, Шербоева Шоҳиста, Собирова Дилнаво, Тўраева Гулсевар, Яшинхўжаева Шаҳризода, Бозоров Дилбек каби ўқувчиларимиз Абдулла ака шеърларини инглиз тили ва рус тилига таржима қилишяпти.

Тома-тома кўл бўлур, деганларидек, ажабмаски, таржималарнинг илк намуналари шоиримиз таваллудининг саксон йиллиги тадбирлари доирасида юзага чиқса. Айни пайтда уларнинг ижод намуналари ижтимоий

тармоқларда, хорижлик олимлар томонидан юритилаётган саҳифаларда мунтазам ёритилмоқда.

Бундан бир-икки йил аввал Қарши шаҳрида «Олтин сўз» II Халқаро адабиёт фестивали бўлиб ўтди ва унда дунёнинг 8 давлатидан илм аҳли, ижодкорлар келишди. Ушбу Халқаро фестиваль 2020 йилда пандемия сабаб масофавий тарзда ўтказилди ва 35 давлатдан адабиёт ихлосмандлари, олимлар, зиёлилар иштирок этдилар. Мақтаб ўқувчиси Севинч Ҳамроевнинг шеърӣ тўплами Буюк Британияда инглиз тилида чоп этилди.

— Ижод мактабига келганимдан сўнг, энг юксак марраларга фақат билим орқали эришиш мумкинлигини янада чуқурроқ англадим. Кўп ютуқларга эришдим, — дейди Севинчхон. — Юртбошимиз Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида уларга ўзимнинг шеъримни ўқиб бериш баҳтига муяссар бўлдим. Яқинда «Қалб чизгиси» номли китобим нашрдан чиқди. Ана шу китобим Буюк Британияда инглиз тилида ҳам чоп этилди. Марказий газета-журналларда туркум шеърларим эълон қилинмоқда. Бу каби рағбатлар менга катта ишонч ва илҳом бағишлайди.



Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Албатта, ниҳол кўкка бўй чўзиши учун муҳит керак. Қашқадарё вилоятида ана шундай ижодий муҳитнинг яратилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Қолаверса, бу устозлар ва ўқувчилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бугун буюк шоир номига муносиб бўлиш катта изланишни талаб этади. Севинч ва унинг мактабдошлари эса билим олиш, камол топиш иштиёқида тиним билмайди.

Таълим даргоҳининг ўқувчилари Азизбек Омонов ва Сарвар Саъдуллаев «Абдулла Ориповни бирга ўрганамиз» компьютер ўйинини ишлаб чиқди. Мазкур дастур «Scratch» визуаллашган дастурлаш тилида яратилган.

— Абдулла Ориповнинг 80 йиллигига бағишлаб яратилган компьютер ўйинида керакли тугмани босиш орқали шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотга эга бўлинади, — дейди Сарваржон. — Кейинги босқичда ўрганган маълумотларингиз асосида саволлар берилади. Агар сиз битта саволга тўғри жавоб берсангиз, 20 балл ҳисобингизга қўшилади. Агар битта нотўғри жавоб берсангиз, 10

балл олиб ташланади. Мабодо балингиз 50 дан паст чиқса, сиз янада кўпроқ ўқишингиз, ўрганишингиз керак, деган мотивациялар айтилади. Тенгдошларимиз, адабиёт мухлислари шундай дастур орқали ҳам шоир ҳаёти ва ижодига доир билимларни чуқур ўрганишлари мумкин. Бу ўйинни инглиз тилида бутун дунёга тарғиб қилмоқчиман.

Таълим даргоҳида 15 ўқув, 2 лаборатория хонаси оптик толали юқори тезликдаги интернет тармоғига уланган. Барча хоналар энг сўнгги русумдаги компьютер, интерактив доска ва видеопроектор билан жиҳозланган. Ўқувчиларнинг кўнгилдагидек таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Турли йўналишдаги ижтимоий тўғараклар ўз фаолиятини самарали давом эттирмоқда.

Мақтабнинг биринчи қаватида устоз Абдулла Орипов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган музей барпо этилган. Музей 20 та бўлимдан иборат, уларда жойлашган 300 дан ортиқ экспонат ижодкор ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини ўзида акс эттиради.

Унда шоир улғайган бешик, болалиги ўтган уйда сақланган сандал, унинг атрофида ўтган шеърӣят кечалари, китобхонлик акс эттирилган суратларни кўрасиз. Оила даврасида, оналари Турди Карвон қизи, оталари Ориф ота, болалик йиллари, шоир таҳсил олган мактаб фотосуратлар кишини бир зумга бўлса-да, ўша олис йилларга етаклайди. Адабиётнинг улкан дарғалари — устозлари билан бирга тушилган суратлар, шоирнинг турли хорижий мамлакатларга қилган сафарлари муҳрланган тасвирлар ва эсдалик совғалари жамланган.

Улар орасида Абдулла Орипов фаолияти билан боғлиқ яна бир ноёб экспонат бор. Бу давлат маҳҳиясининг илк қўлёзма нусхасидир.

Кўргазмада ижодкорнинг илк «Митти юлдуз» китобидан тортиб, ҳаётининг сўнгги кунларида қоралаган шеърлари, нашр этилган китоблари ўрин олган. Ва музейни барпо этишда барча экспонатларни жойлаштиришда, шоир ижоди, ҳаёти билан боғлиқ нодир буюмлар жой олган.

Шоир Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети Тошкент филиалининг фахрий доктори ҳам эди. Бу ҳақдаги фотосуратлар ноёб экспонатларда ўз ифодасини топган. Минг бор эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган халқ мақоли бор. Шундай экан, адабиёт ихлосмандлари халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов таваллудининг саксон йиллиги арафасида бу манзилларни бир бор келиб кўрганлари маъқул. Қаҳрамон шоиримизнинг номи, унинг асарлари абадиётга даҳлдорлиги билан ўзбек халқининг шони ва ғурури тимсолида ҳаҳон шеърӣят ихлосмандлари қалбида абадий яшайверади.

**Ўроз ҲАЙДАР,
Ўзувчилар уюшмаси
Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари**

Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзда ҳал...

Ушбу ўтли сатр буюк шоиримиз Абдулла Ориповнинг бутун ижодига сарлавҳа бўла олади. Негаки, у шахс сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам ўз қисматини Ватан ва халқ тақдири билан уйғун кўрди. Унинг кўнгилларга чақмоқдек таъсир этган шеърлари боис ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ яккаҳукмрон коммунистик мафқуранинг ватанинг бутуниттифоқ, миллатинг – совет, деган сохта шоирларига ўт кетди. Шоир ўша таҳликали замонда биринчи бўлиб «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» деган саволни кун тартибига қўйди. «Юртим, сени фақат бойликларинг-чун Севган фарзанд бўлса кечирма асло» тарзидаги ҳароратли мисралари билан миллатнинг қалбидаги мудроқ туйғуларни уйғотиб юборди. Озодлик ва истиқлол ҳақидаги орзуларга қанот бағишлади. Миллий мустақилликка эришгач, уни мустаҳкамлаш ишига беқиёс ҳисса қўшди. Ижодининг моҳиятини ташкил этган ватанпарварликни ҳаётда ҳам тўлиқ намоён этди. Акмал Саидов, Қаландар Абдураҳмонов ва Ғулом Мирзониинг Абдулла Орипов ҳақидаги хотиралар жамланган салмоқли китоби шоир сўзлари асосида «Ўзбекистон – дилбар ватаним» деб номланиши муносиб иш бўлган.

Ҳажман салмоқли – тўрт юз бетдан зиёд бўлса ҳам, улуғ шоир шахсияти ва адабий меросига доир бениҳоя қимматли материалларни жамлаган бу китобни бир зарбда ўқиб чиқдим. Бизда шу пайтгача ижод аҳли тўғрисида айна шу йўналишда бошқа бирор асар яратилган эмас. «Ўзбекистон – дилбар ватаним» китоби моҳиятига кўра ҳам, жанр хусусияти жиҳатидан ҳам тамомила оҳорли ва шу боис адабий-маданий ҳаётимиздаги эътиборга молик воқеа сифатида баҳоланишга лойиқ, деб ўйлайман.

Китобнинг асосий ютуқларидан бири Абдулла Орипов қаламига мансуб давлат мадҳияси матнидан бошлаб бир қанча нодир асарларнинг яратилиш тарихи – ижодий биографияси ишонарли ёритилганида кўринади. Жумладан, давлат мадҳияси шеърий матни танловида олтмишдан ортиқ шоирлар, мусиқа танловида ўттиздан ортиқ композиторлар иштирок этгани, қизгин муҳокама жараёни ҳақидаги маълумотлар Ватанимиз тарихининг кўпчиликка номаълум ва диққатга сазовор саҳифалари экани жиҳатидан қимматлидир. Якуний босқичда Абдулла Ориповнинг икки ва Мирпўлат Мирзониинг бир шеъри матни мамлакат Олий Кенгаши депутатлари муҳокамасига қўйилгани ўша кезлари телевидениеда намоиш этилган. Лекин айна тарихий воқелик ўша ҳодисаларнинг бевосита гувоҳи академик Акмал Саидов

томонидан архив ҳужжатлари асосида ёритилгани, ҳар учала шеър матни келтирилиб, танлов жараёни ҳолис таҳлил этилгани айрича аҳамиятга эга бўлган. Бундан ташқари, «Темур» шеърининг Абдулла Орипов дастхатидаги давоми, «Соҳибқирон» драмасининг яратилиш тарихи ҳақидаги кузатувлар муаллифлар хотираларининг чуқур илмий ва мантиқий асосларга эга эканини, шоир асарлари ижодий биографиясини ўрганишда қимматли материаллар бера олишини кўрсатади.

Китобнинг иккинчи ютуғи Абдулла Орипов таржимонлик фаолиятининг чўққиси бўлган Данте Алигьерининг «Илоҳий комедия»си таржимасининг юзага келиши тарихи, шоирнинг Равенна шаҳрида ўтказилган дантехонлик тадбиридаги иштироки муфассал ҳикоя қилингани билан боғлиқ. Италия сафарида шоирга ҳамроҳлик қилган академик Қаландар Абдураҳмоновнинг бу ҳақдаги хотиралари Абдулла Орипов илмий биографиясини яратишда алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлаш керак. Ҳолбуки, жаҳон адабиётининг аксар улуғ намоёндалари мукамал биографияси яратилгани ҳолда бизда шу пайтгача бу масалага етарлича эътибор қаратилмай келаётган эди. Абдулла Ориповнинг Италия сафари кадам-бақадам ёритилгани, сафар давомида ёзган асарларининг яратилиш тарихи аниқ ва ишонарли очиб берилгани бу борада яхши тажриба пайдо бўлгани қувонарлидир. Италиялар билан ўзаро суҳбат чоғида шоир айтган мана бу сўзлар кўз ўнгимизда Абдулла Орипов сиймосида жаҳоний миқёсдаги ижодкорни намоён этади: «Қадимий ва маърифатли ўзбек халқи жаҳон адабиётига бевосита дахлдордир. Бизнинг халқимиз Данте ўз асарида тилга олиб ўтган Ибн Синодек зотларни камолга етказган, Навоийдек даҳоларни берган. Демак, дунё адабиётининг энг олий намуналарини ўз она тилимизга ўгириш бизнинг маънавий мақомимизга мос келади. Қолаверса, Данте шеърляти руҳан менга яқиндир».

Устоз Абдулла Орипов матбуотдаги чиқишларида «Илоҳий комедия» таржимаси адабиётшунослиқда муносиб баҳосини топмагани ҳақида қайта-қайта фикр билдирган эди. Ушбу китоб бу йўлдаги муҳим қадамлардан бўлгани қувонарлидир. Муаллифлар икки улуғ ижодкор мансуб бўлган замон ва макон ўртасидаги ҳар қандай фарқлардан қатъи назар, Данте Алигьери ва Абдулла Ориповни бир-бирига қиёслаш, уларнинг шахси, ҳаёт йўли, ижодиёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти ўртасидаги ўхшаш жиҳатларни ўзаро таққослаш юзасидан ҳам қимматли илмий кузатувларни амалга оширган. «Илоҳий комедия» билан «Жаннатга йўл», Дантенинг маъшуқаси Беатричега бағишлаб ёзган «Янги ҳаёт» асари билан Абдулла Ориповнинг ёшлик даврига



доир лирик шеърлари жамланган «Юзма-юз» тўпламининг оташин муҳаббат девонлари экани, ҳар иккала шоир ҳам фалсафа, ахлоқ, илоҳиёт, тарих, мантиқ ва турли халқлар адабиётини пухта ўзлаштириш баробарида ана шу қомусий билимларидан ижодий асарларининг руҳий қамровини оширишда ҳамда ҳаётийлигини таъминлашда унумли фойдалангани ҳақидаги қарашлар китобнинг илмий қиммати билан бўлишини таъминлаган. Дантенинг ҳуқуқшунос сифатидаги фаолияти буюк шоир ижоди билан уйғунлиқда таҳлил этилгани Уйғониш даврининг бу улғу сиймоси ҳақидаги мавжуд тасаввурларни янада бойитган.

Китобнинг учинчи ютуғи шоирнинг Италияда ёзган шеърларидан намуналар келтирилиб, уларнинг яратилиш тарихи очикланганида кўринади. Муайян асар ижодий биографиясининг ёритилиши асарнинг қачон, қай воқеа муносабати билан яратилгани, шоирнинг ижодий нияти, ўша кездеги руҳий кечинмалари ҳақида аниқ тасаввур бериши жиҳатидан қимматлидир. Ижодкорнинг Италия сафари давомида ёзилган «Манзаралар» шеъри ҳақидаги фикрлар ана шу жиҳатдан муҳим. Ушбу шеър Абдулла Ориповнинг чин маънода миллат шоири эканини яна бир бор тасдиқлайди. Шоир ҳатто Италиянинг денгизда ҳам ўзбек сиймосини, Ўзбекистон образини кўради. Мана бу сатрлар ушбу фикрнинг ёрқин исботидир:

**Қаландар, мана бу денгизга қара,
Қайнаб ётган ҳис бу, илоҳий тугён.
Жазавага тушар бунда ҳар зарра
Абдуҳошим ғижжак чалганисимон.
Гоҳида жим қолар тиниқиб, тўлиб,
Хаёлга нималар келмас шу онда.
Денгизни чой тўла пиёла қилиб
Елпиниб ўтирсанг Шоҳимардонда.**

Теран фикр, тутилмаган ташбеҳ ва оҳорли метафоралар қуйма сатрларга нақадар зийнат бағишлаган-а! Туйғунинг тиниқлиги ва самимийлиги, ҳаёт фалсафаси ва юксак бадиият уйғунлиги ўқувчини ҳайратга солмай қўймайди. Чинакам ижодкорлик, аслида, ҳамма кўриб турган воқелиқдан бошқалар ҳатто тасаввур ҳам этиши қийин бўлган жиҳатларни илғай билиш, юксак маҳорат билан ифодалай олмақдир. Денгиздаги ҳар бир зарранинг жазавага тушишини ўзбекнинг нодир санъаткори Абдуҳошим Исмоиловнинг ғижжак чалаётгандаги ҳолатига қиёслаш ёки денгизни чой тўла пиёла қилиб, Шоҳимардонда елпиниб ўтириш.... Ғарбдаги денгиз томошасидан ана шундай миллий туйғуни ҳис этиш, уни бу қадар юксак фасоҳат билан ифодалаш... Тўғриси, бунинг учун фақат ва фақат Абдулла Орипов бўлиш керак! Бунинг учун шоирнинг тафаккури ва тахайюли томирлари ўзбек руҳияти сарчашмаларидан сув ичган бўлмоғи зарур!

Шеърятда миллий руҳнинг аҳамияти нечоғлик муҳим эканини устоз Абдулла Орипов қуйидагича таъкидлаган эди: «Майли, буюкларга интилиш бўлсин, жаҳоннинг, башариятнинг энг илғор фикрларига ошнолик бўлсин, Ғарб, Европа, Америка дейсизми, майли Лотин Америкаси, майли Ойми, Марсми.... даражасида фикрлашсин, лекин ўзбек фикрласин, ўзбекча фикрласин! Агар шу «кичкинагина» шарт бажарилса, қолганига, албатта эришамиз». Ўзга тилларнинг қолипида фикрлаш ва сўзлаш таомилга айланиб бораётган, миллий руҳдан йироқлашувдек фожиани «фазилат» ўлароқ тарғиб этаётган тоифалар пайдо бўлган бугунги кунда ушбу ноёб фикрларни ижод жараёнига татбиқ этиш қанчалик аҳамиятли экани исбот талаб қилмайди. Юқоридаги шеърий иқтибос ижод аҳли олдига қўйган бу талабларига шоирнинг ўзи нечоғлик муқаммал амал қилгани далилидир.

Тўртинчи эътиборга молик жиҳати, китобда Абдулла Ориповнинг «Номаълум одам» шеъри янгича кўзқараш асосида теран таҳлил этилган. Натижада шоир одамларнинг индивидуал шахсга хос хусусиятлари бой берилиб, шўро жамятининг «винтча»сига айланиш қисматиға маҳкум этилиши одатий ҳолга айланган бир замонда тақво ва қаноат расмини тутиб келган сўфий боболаримизга хос фазилатларни мужассам этган қаҳрамон образини тасвирлагани исбот этилган. Муаллифларнинг шеър ҳақидаги хулосаси мана бундай: «Номаълум одам» – бандаликни бўйнига олган зот. Унинг «айби» – шу! У илинжни қалбидан – Оллоҳга эътиқоддан топади. Шоир худосизлик авжига чиққан бир замонда беихтиёр Оллоҳ ишқидеги инсон қиёфасини жонлантириб қўяди. Бир сатр воситасида Ҳаққа эътиқод қўйган

одамнинг ҳолати чизилади-қолади – «Қалбида бир дарё гуллаб оқарди...». Ажабо, орифона шеър битмоқ учун ҳар мисрада Оллоҳнинг исмини зикр этмоқ шарт эмас экан».

Ушбу шеър таҳлили «Ўзбекистон – дилбар ватаним» китобининг шунчаки хотиралар мажмуаси эмаслигини, самимий хотира, илмий тадқиқот ва ижодий ёндашув уйғунлигида яратилган ўзига хос асар эканини кўрсатади.

Бешинчи муҳим ютуқ китобнинг «Шеърий таржима: образни образ билан бериш мумкинми?» сарлавҳали бобида Абдулла Орипов шеърларининг рус тилига таржималари чуқур илмий-ижодий ёндашув асосида таҳлил этилганида намоён бўлган. Ушбу бобда:

**Бир вақтлар илҳомнинг ўтли тиғида
Фалакни кўзларди менинг ҳам созим.
Лекин икки дарё ораллиғида
Қолиб кетди менинг ўша овозим, –**

деган армонли сатрлари моҳияти теран таҳлил асосида очиб берилган. Қирғиз адаби Чингиз Айтматов ва қозоқ шоири Ўлжас Сулаймоновнинг шуҳратига рус тилида ижод қилгани, доғистонлик Расул Ҳамзатовнинг машҳур бўлишига шеърлари етук рус шоирлари томонидан таржима қилингани сабаб эканини кўрсатган китоб муаллифлари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов сингари юксак салоҳиятли ўзбек шоирларининг жаҳон миқёсида янада кўпроқ эътироф этилишларига моне бўлган омилларни ишонарли асослаган. Ёстиқдек-ёстиқдек китоблари Тошкент ва бошқа шаҳарлар дўконларида сотилмай, йиллар давомида чанг босиб ётган арбоб шоирлар худбинлик боис шахсий манфаатлар йўлида сохта обрўни сотиб олгани, миллатнинг салоҳиятли шоирлари қолиб, ўзларининг асарларини таржима эттирганлари ҳақидаги фикрлар ўқувчини ҳасратли ўйга толдиради. Абдулла Ориповнинг Эркин Воҳидовга бағишлов сифатида ёзилган «Арслон чорлаганди...» шеъридаги арслон образи – буюклик, содда қилиб айтганда, жаҳон адабиёти шоҳсупаси, ҳамма нарсани ўз инига ташийдиган очофот кумурсқалар эса ўша худбин «ижодкор»ларнинг умумлашма образи экани ҳақидаги хулоса тарихдаги хатолардан сабоқ олиш миллат тараққийнинг асосий шарт эканини яна бир бор ёдга солиши жиҳатидан қимматлидир.

Абдулла Орипов шеърларининг рус тилига таржималари таҳлили шоир асарларини дунё тилларига таржима қилиш борасидаги ишлар ҳали олдинда эканидан дарак беради. Истеъдодли шоир Ғулом Мирзо томондан амалга оширилган бу таҳлилларда сўзни сўз билан, жумлани жумла билан эмас, балки образни образ билан бериш бу инжа санъатнинг асосий шарт экани илмий ва мантиқий жиҳатдан ишонарли далилланган. Абдулла Орипов шеърларининг Н.Гребнев, А.Файнберг, О.Дмитриев, А.Наумов, А.Преловский, В.Цибин каби шоирлар томонидан амалга оширилган таржималарининг айрим муваффақиятли ўринлари кўрсатилгани ҳолда, аксар ҳолларда таржимонлар шоирнинг образлар олами инглай олмагани, оқибатда аслиятга зарар етказилгани чуқур таҳлил этилган. Абдулла Орипов шеърлари ва достонларини дунё тилларига сифатли таржима қилиш ва нашр эттириш ишларини янги босқичда ташкил этиш зарурати асосланган.

Умуман, икки атоқли олим – Акмал Саидов ва Қаландар Абдураҳмонов ҳамда истеъдодли шоир Ғулом Мирзо ҳаммуаллифлигида ёзилган «Ўзбекистон – дилбар ватаним» китоби мавзулар қамровининг кенглиги, Абдулла Орипов сийрати ҳаётий хотиралар асосида ёритилгани, таҳлилий қувватининг баланд экани, бугунги ёш авлод қалбида адабиёт орқали Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириши жиҳатидан улғу шоир таваллудининг саксон йиллиғига муносиб тухфа бўлган. Ушбу салмоқли китоб, биринчидан, адабиёт илмида алоҳида йўналишга айланган ориповшунослик тараққийини янги босқичга кўтаришга хизмат қилса, иккинчидан, бутун салоҳиятини, жону жаҳонини Ватан ва халқ равнақи йўлига бағишлагани Абдулла Ориповга сўнмас шараф келтирилганини яна бир қарра тасдиқлайди.

**Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор**

Саъдулла ҲАКИМ

Етмиш довон шукуҳи

*Бахт қушидек қўниб бу бошга етмиш,
Етмиш довон ошган йўлдошга етмиш.*

*Дўсту ёр, фарзанду набиралар жам,
Сўз – шуқру алқовга, қўл ошга етмиш.*

*Тош бошга етмишдир, энди дарз кетмас,
Неча бор дарз кетиб, бош тошга етмиш.*

*Қувончдан етиб ёш кўз қароғига,
Қуриган булоқдек кўз ёшга етмиш.*

*Бўёқчи қўлига тушиб сочу қош,
Юз ажиб ўймакор наққошга етмиш.*

*Офтоб келмиш тушиб алвон уфққа,
Умр шафақ ичра қуёшга етмиш!*



Саъдулла аканинг юксак унвони

Саъдулла ака ҳақида кўнглимдагиларни ёзайин деб ният қилганимда, устозимиз Абдулла Ориповнинг бир гапи эсимга келди. У киши Шухрат домла ҳақида гапирганда, ғаройиб бир таърифни келтирган: «Шухрат акага қайси томондан қараманг, ўнгдан қарайсизми, сўлдан қарайсизми, пастдан, ё юқоридан қарайсизми, ҳар қандай ҳолатда унинг тимсолида чин ўзбекни кўрасиз». Бу таъриф Саъдулла акага ҳам ҳар жиҳатдан мос келади. Элда бир гап бор: «Чехраси қулиб турган одамдан қолма». Саъдулла аканинг кўнглидаги самимият чехрасида балқиб турарди. Ботини кулганнинг юзи кулади. Мен у кишини тунд ҳолатда, қовоғидан қор ёғиб, атрофдагиларга захрини сочиб юганини эслай олмайман. Катта-ю кичик ҳаммани меҳр билан алқашни истарди. Бу самимиятни нотўғри тушунадиган носамимийлар ҳам учраб турарди. Лекин Саъдулла аканинг меҳри бундай майда-чуйдалардан жуда баланд эди. Уни умр бўйи эзгу ниятлари етаклаб юрди ва шу ниятлар етаклаб олиб кетди. Ҳаётнинг оғир-енгилида, пасту баландида ўзга йўлларга чалғимади.

Мен Саъдулла аканинг вафотига анча вақт кўниқолмай юрдим. Қайси маънодаки, йўлда кетаётганимда ҳам, шоиру адибларнинг бирон даврасига бориб қолганимда ҳам, у киши ўша иссиқ табассуми билан қаршимдан чиқиб келаётгандай туюларди. Бу самимий, қадрдон чехрада гап кўп эди. Бир сўз билан айтганда, Саъдулла аканинг ўзидан ҳам олдин чехраси гапирарди.

Саъдулла ака ҳаётнинг моҳиятини, яшашнинг оқибатини, тирикликнинг мақсад ва мазмунини жуда содда ва самимий услубда, ўзбекона руҳда ифодалаганки, айни ифода Саъдулла Ҳаким деган ажойиб шоирнинг руҳий қиёфасини бизга аниқ намойён этади:

**Бу дунёдан изсиз кетган – бахти қора,
Ҳар унсурда Эгасига чин ишора.
Майса каби униб чиқса бир кун зора,
Эзгу сўзни ҳар юракка сочганларим!**

**То бор экан жисму танда жон,
То бор экан жилвагар ҳаёт.
Энг олий бахт, энг юксак унвон –
«Яхши одам!» деган шу бир от.**

Эшқобил ШУКУР



Меҳрибон мураббий... эди

бўлишингиз зарур ва муҳим, энди сиз кичкина одам эмассиз», деган эди.

Саъдулла ака бутун жамоамиз аъзоларини, умуман, ҳар бир журналистни қўллаб-қувватлашга, имкон даражасида ёрдам беришга ҳаракат қиларди.

Саъдулла ака давлатимиз раҳбарининг соҳага қаратаётган алоҳида эътиборидан жуда хурсанд бўларди. Ҳеч бир замонда журналистика, матбуот ва сўз эркинлиги таъминланишига бугунгидек шароит ва имконият яратилмагани, бундан тўғри фойдаланишимиз, қадрига етишимиз, энг муҳими, билдириляётган катта ишонччи барчамиз оқлашимиз зарурлигини таъкидларди.

Оммавий ахборот воситаларидаги ҳар бир чиқишимга муносабатини билдириб, зарур ҳолларда керакли маслаҳатларини бериб келди. Саъдулла ака менга раҳбар, устоз сифатида кўп нарса ўргатди.

Бир мисол. 2019 йил апрель ойининг охирларида хонасига чорлаб, «Холмурод, шу йилнинг 13-19 май кунлари Хитойнинг Пекин шаҳрида Осиё давлатлари журналистлар уюшмалари вакиллари иштирокида катта халқаро конференция бўлиб ўтади, шунга бориб-келишингиз керак», деди. Энди ҳужжатларни тайёрлаш керак, менда «загран» паспорт йўқ эди. Вақт жуда ҳам кам. Саъдулла аканинг кўмаги билан 12 май куни «загран» паспортни, 13 май куни самолётга чипта ҳам олдик. Аммо, паспортга Хитой элчихонасининг визаси урилмаган, бусиз у давлатга киритилмайди. Ҳал бўлмаётган ушбу масала мени илк хо-

Уч йил аввал устозимиз Саъдулла Ҳакимов каминани Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари сифатида жамоага таништиргани кечагидек кўз ўнгимда. Ушанда у киши, «Холмурод, сиз бугундан янги жамоада фаолият бошляяпсиз. Бу жамоага мослашингиз, ўз ўрнингизни топиш ва мустақамлашингиз, берилган топшириқларни вақтида, сифатли бажаришингиз, меҳнатингиз билан, умуман, ҳар жиҳатдан бошқаларга ўрнак ва намуна

САЪДУЛЛА ҲАКИМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ

риж сафаридан мосуво бўлишга яқинлаштирарди. Шулар ҳақида ўйлаб тушкун кайфиятда ўтирган эдим, Саъдулла ака кўнгирак қилиб, «Ҳозир элчихонага боринг, ишингиз ҳал бўлди», деди.

2020 йилнинг июль ойида коронавирусга чалиниб, бир ҳафта республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази шифохонасида даволандим. Шифохонада пайтим Саъдулла ака деярли ҳар куни эрталаб ва кечқурун кўнгирак қилиб аҳволимни сўрар эди. Муолажа тугаб, уйга келганимда, турмуш ўртоғим раҳбаримиз уйимга кўнгирак қилиб, рўзгоримизда қандай етишмовчиликлар борлигини сўраганини айтиб берганида, кучли карантин шароитида оиламизда юзага келган иқтисодий қийинчиликдан чиқишимиз учун моддий ёрдам кўрсатганларида рост, устознинг бу каби оқибат ва одамгарчилигига қойил қолганман. Гўё у кишини қайта кашф этиб, ўзим учун керакли хулоса чиқарганман.

Касалликдан тузалиб ишга чиққангиздан кўп ўтмай қиз фарзандли бўлдим. Шу куни устоз кўнгирак қилиб табриклади. Уюшмамиз аппарати аъзоларидан иборат телеграм гуруҳимизга кирсам, Саъдулла ака «Одамлар-о, одамлар, эшитмадим деманглар. Уюшмамиз қиз набиралик бўлди. Холмуроднинг уйига тўнбичар келди. Муборак бўлсин. Ҳамма ялли қуллук бўлсинга сафарбар этилсин!» деб ёзибди. Шунда устознинг менга бўлган меҳридан, эътиборидан мамнун бўлиб кўзларимга ёш келган.

Ўйлаб қарасам, ўзидан кўра ходимлари манфаатини, соҳамиз, давлатимиз равнақини кўпроқ ўйлайдиган Саъдулла акадан бир марта сал қаттиқроқ гап эшитган эканман. Қисқаси, 2019 йилнинг март ойида Саъдулла Ҳақимов ўн кун хизмат сафари билан Корея Республикасида бўлди. Шу пайт «Нуроний» жамғармасидан «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонига журналистлар орасидан номзод сўраб қолди. Номзод-

лар рўйхатини телеграм канали орқали устоз билан келишимиз. Ана шу рўйхат ва тегишли ҳужжатларни жамғармага жўнатган эдик, тезлик билан яна бир кишининг номзодини сўрашди. Хорижда бўлиб турган раҳбаримиз билан бу борада маслаҳатлашиб, боғланишнинг иложи бўлмагач, ўйлаб-ўйлаб, С. Ҳақимов ҳужжатларини тақдим қилдик.

Саъдулла ака сафардан келиши билан бундан хабар топди. Ёнларига чақириб «Мендан кўра муносиблар кўп-ку, нега номзодимни бердингиз?» деб койдилар.

Ҳа, Саъдулла ака ана шундай камтар, олийжаноб, ўзидан кўра бошқаларни кўпроқ ўйлайдиган инсон эди. Шу билан бирга, талабчан ва зийрак эди. Берган топшириқлари натижасини сўраш ҳеч қачон ёдидан чиқмасди.

Айтганча, ўтган йили узоқ суҳбатлашганимиздан кейин 2021 йилнинг март ойида 70 йиллик юбилейингиз бўлади, қандай нишонлаймиз, деганимда индамайгина, гапни бошқа ёққа бургандилар.

Устоз бемор бўлиб қолганларида аввалига телефонлашиб турдик. Овозлари бўғилиб қолганларидан сўнг иш бўйича телеграм орқали ёзишдик. Оғирлашиб қолганларида, «Энди ишни ўзингиз билиб-билиб қилаверинг, ҳар ишда юрист билан маслаҳатлашинг», дегандилар. Устознинг менга ёзган охириги сўзи «Раҳмат, Холмурод!» деб тугаган. Бу сўзлар менга устозни розилигига эришганимни англагандай бўлади гўё.

**Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий
уюшмаси раисининг ўринбосари**

* * *

...Болалигим Чустнинг олис, тоғлар билан ўралган, Қирғизистон билан чегарадош Қорақўрғон қишлоғида ўтган. Отам томондан қирғиз, она томондан ўзбекман.

Бола эдим. Кунора бувимга хархаша қилиб, мени болалар сафларига қўшишмаяпти, қирғизча гапирасан деб кулишяпти, дердим йиғлаб. Шундай кунларнинг бирида бувим олдиларига ўтқазди-да, насиҳат қилди: «Болам, одамларни ажратиш, камситиш яхши эмас. Сен ақлли боласан-ку, нима қилибди ҳам қирғизча, ҳам ўзбекча гапирсанг, тил билган эл билади, деган гап бор. Ҳали кўрасан, бир вақтлар келади, мана шу тилни билишинг сенга катта эшикларни очиб, омад калитини тутқазди. Ана шунда менинг гапимни эслаб, бувим тўғри айтган эканлар, дейсан. Ҳаммасига вақт ҳакам...».

Ҳақ эканлар. Йиллар ўтди. Мактаб, лицейни тамомлаб кейинги манзилимиз университет бўлди. Кунлардан бир кун иш қидириб Навоий кўчаси, 30-уйга йўлга тушди. Зинадан учинчи қаватга кўтарилиб бораётсам эл таниган шоир Саъдулла Ҳақимов тушиб келатган эканлар. Салом бердим, алик олдилар.

– Кечирасиз, сиз мени танимайсиз, бироқ мен сизнинг шеърларингизни ўқиб тураман. Яқинда университетимизда байроғимиз қабул қилинган кунга бағишланган тадбирда сизнинг шу мавзудаги шеърингизни ўқидим, – дедим маҳмадоналик билан.

– Жуда яхши-да. Раҳмат. Бу ерда нима қилиб юрибсиз, бирор ишингиз бор эдимми ёки газета-журналларга келдингизми?

– Иш қидириб юрган эдим устоз, мабодо сизларда бўш жой йўқми, иш бўлса бўлди, ойлик ҳам шарт эмас, – дедим.

Саъдулла ака кулиб юбордилар:

– Ойликсиз ҳам ишлайвераман денг. Ҳа, унда яшаш нима бўлади, қорин-чи, ким боқади уни?

Жимгина ерга қарадим.

– Мана бу менинг телефон рақамим, ҳозир йиғилишга кетаяпман. Эр-тага келинг. Бир суҳбат қиламиз...

Ҳа, у киши ана шундай камтарин, самимий, одамнинг ёшига қарамай, суҳбатлашиб, гаплашиб, қўлидан келганча ёрдам беришга интилувчи закий инсон эдилар. Тажрибали ижодкор, жонкуяр ташкилотчи сифатида кўплаб ёш истеъдод эгалари қатори каминга ҳам устозлик қилдилар. Уша учрашувдан сўнг суҳбатларида бўлдим. Таржимаи ҳолим билан танишиб чиқар эканлар, эришган ютуқларим, дипломларимни кўриб хурсанд бўлдилар. Айниқса, қирғиз тилини ҳам билишим уларда алоҳида таассурот қолдирди.

– Сиз қардош халқлар тилини ҳам биласизми, қойил. Қани, айтингчи қирғизчада қорин нима дейилади?

– Қурсоқ, – дея жавоб бердим дарров. – Бўлди, бу йигитни ишга ола-

миз. Қардош тилларни билса бундан ёмон бола чиқмайди. Астойдил интилинг, ўзим кузатиб тураман.

Устоз талаба бўлишимга қарамай Журналистлар ижодий уюшмасига ишга қабул қилиб, оқ йўл тилаб, марказий нашрларда чиқадиган мақолаларимни кузатиб борар ва ҳар бирига фикр билдириб, қўллаб-қувватлар эдилар.

«Юрт ўғлони» номли шеърини китобларига дил сўзларини ёзиб бергандилар: «Истеъдодли журналист, ижодкор Ислонжонга энг яхши ниятлар билан, Саъдулла Ҳақим. 09.07.2020 ...»

– Сиздан ҳам мана шундай китоблар кутиб қоламиз, албатта, омадингизни берсин... – деб ишонч билдирганларини ҳеч қачон унутмайман. Оғир, вазмин, ёшлар учун маслаҳатгўй эдилар.

Бир гал «Hurriyat» газетасида эълон қилинган «Сизга айтар сўзим бор» номли мақоламга телеграм орқали куйидагича фикр ёзган эдилар: «Ислонжон, «Hurriyat»даги мақолангиз билан табриклайман. Холис ва ҳаққоний, дунё миқёсида далилларга бой, одоб доирасида ёзилган ажойиб мақола бўлибди...»

Тил билишим мени улар билан устоз-шогирд бўлиб кетишимга, қолаверса, кейинги ижодий ютуқларим учун замин бўлди. Сентябрь ойи эди. Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларида бўлиб ўтган ижодий танловда ўзимнинг болалар йўналишида ёзган ҳикояларим билан қатнашиб, ғолиб бўлдим. Қозоғистоннинг «Жаҳон истеъдодлари» уюшмаси, Қирғизистоннинг «Қирғиз шоир-ёзувчилари» жамоат фонди аъзолигига қабул қилиндим. Икки давлат гувоҳномасини (пандемия бўлгани боис электрон вариантини олган эдим) устозга кўрсатганимда жуда хурсанд бўлган эдилар.

Адашмасам, қаергадир муҳим йиғилишга кетаётган эдилар. Янгиликни айтишимни биламан, ортларига қайтдилар-да, хоналарига кириб алоҳида, самимият билан кутладилар. «Насиб бўлса, карантин тугаб қолса чиройли қилиб, жамоа билан бирга яна кутлаймиз, ютуқларни кўпайтираверинг, кўкламда туғилган кунимда, ҳа, сиз ҳам мартда туғилган эдингиз, 20 март тўғрими, мендан беш кун олдин, иккисини қўшиб нишонлаймиз», деган эдилар.

Минг афсуски, бу уларни охириги кўришим, охириги суҳбатларини эшитишим бўлди...

Жорий йилда Қозоғистон Республикасининг Абай ҳамда «Жаҳон истеъдодлари» уюшмасининг «Елеулӣ енбегі үшін» («Муҳим хизматлари учун») медали билан тақдирландим.

Устоз ҳаёт бўлганларида бу ютуғимдан ҳам жуда қувонган бўлар эдилар. Ҳа, Устоз ана шундай шогирдлари муваффақияттидан шодлик ҳиссини туйиб юргувчи раҳбар бўлганлар. Шогирдлар ўрнат олса арзигулик сифатлари бисёр эди...

Ислон АСИЛБЕКОВ

Guliston 2021/2 27

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али яқинда Миср ҳаётидан олиб ёзилган «Клеопатра» тарихий романини ёзиб тугатди. Қизиқарли сюжет чизиғига эга бу роман буюк миллий қаҳрамонимиз Спитамен авлоди бўлган, машҳури замон момомиз, миллоддан аввалги 69-30-йилларда яшаган Мисрнинг сўнги маликаси, гўзал ва қудратли аёл Клеопатра ҳаётига бағишланган. Қуйида шу романдан бир парча эълон қилинмоқда.

Юқ чойшабдаги қиз

«Клеопатра» романидан парча

керак? Пул, бойлик, қўшин керак! Пул, бойлик, қўшин қаерда? Албатта, номигагина мустақил Мисрда! Улар уриб ҳам олади, сўкиб ҳам олади! Йўқ эса барини тортиб олади! Бермаганингга қўймайди...»

Ҳаёт-мамот жангини бошлашга тайёр турган, бутун хаёли тахтни нопоклардан қайтариб олиш билан банд Клеопатранинг кўнглига ҳозир қил ҳам сиғмас, бошқа ҳеч нарса ўйлашни истамасди. Шундай танг вазиятда ҳаммасини ташлаб, Цезарнинг таклифи, деб Искандарияга йўл олиш зукко маликага ортиқча, мантқиқсиз бир юмушдай туюлди. Бунинг устига вақт кўлдан кетади. Ҳа, Искандарияга бормаслик энг адолатли йўл. Бориш жуда хатарли, Мисрнинг ҳамма жойида Птолемей XIII одамлари изғиб юрибди, уларнинг қўлига тушиб қолиш мумкин. Улар ўлдиришдан ҳам тоймайдиган махлуқлар. Кейин, борса, Рим диктатори турган саройга қандай киради, кириб бўладими ўзи, ҳар ёқда сон-саноксиз қўриқчилар бўлса...

– Нима қилмоқчисиз, маликам? – оҳиста сўради Персефона-энага кўзлари мўлтираб... Уни ҳам шу ташвиш қийнарди. Бечора энага ўзининг суюкли қизи бошига тушган бемаврид сарсон-саргардонликдан кўнгли озурда, кўмак берай деса, қўлидан бирон арзигулик иш келмайди, ўз ёғига ўзи қоврилади, фақат йиғлайди, «Эй худо Амон-Ра!», деб сиғинишдан тўхтамайди.

Клеопатра ўз андишаларини яшириб ўтирмади.

– Йўқ, бориш керак! – қатъий деди Персефона. – Сизни қисмат ўзи чорламоқда, маликам! Рим диктатори Юлий Цезарь жуда қудратли одам. Ҳаммани ҳам чақирмайди. Бу худоларнинг меҳри, мадади. Қарангиз, нима учун у Сурияга ёки Парфияга, Қибрисга ё Понтга бормабди, айнан Искандарияни маъқул кўрибди? Бу сизга меҳрибон мурувватли маъбуда Исида ҳимматидир...

Исида номини эшитган малика бироз ўйлаб қолди.

Орест-муаллим билан Клавдий Иеронимлар ҳам маликани астойдил боришга ундадилар.

– Цезарь таклиф қилар экан, нияти ёмонмас чамаси, – фалсафа сўқди Орест-муаллим. – Акс ҳолда тўғридан-тўғри бостириб келарди-қўярди...

– Қаттол душманлар ичига ёлғиз бориш жуда хатарли, аммо бу сиздай жасоратли маликага муносиб! – деди Клавдий Иероним. – Цезарнинг таклифини рад этиб, душманлар етарли бўлиб турганда, яна бир душман орттириш ақлдан эмас...

– Фақат бир-икки галера кузатиб борсакмикин... – сўз кўшди Орест-муаллим.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

Ҳақиқатда, ҳозир Клеопатранинг ҳаёти қил устида... Сабр косаси ҳам худди тўкиламан, деб тургандек. Ҳеч қаердан бир нажот йўқ. Бу ёлғончи ва алдамчи дунё билан ёлғиз ўзи курашмоқда. У мададга муҳтож, ўша томонга эсадиган шамолга ҳам зор, ҳатто... Балки, Цезарь билан учрашиш яхшиликка қўйилган қадам бўлар? Балки, Рим диктатори юксак обрў-эътибори, бемисл қудрати билан маликага тахтни олишда, душманларини бартароф этишда ҳам ёрдам берар, қўллаб юборар?... Кишига бир суянчиқ ҳам керак-ку! Икки давлат ўртасида яхши алоқалар йўлга қўйилар? Афсуски, бунга ишонч камроқ... Клеопатра унинг монанди йўқ саркарда, давлат арбоби, қонунлар соҳиби, нотиқ, шоир, муаррих, адабиётшунос, риёзиётчи ва меъмор сифатида машҳурлигини эшитган, холос. Майли, борсин, аммо борса, зинҳор сиғиниб бормади, балки подшо сифатида ўз қадри-қимматини ерга урмасдан боради!

Бу – Миср подшоси, жангчи Клеопатра қарашлари эди.

Бирдан унинг онг-тафаккурида фавқуллода бир нима ярқ этди ва хаёл уфқини ёритиб юборди: унда аёллик ғурури уйғонганди! Хўш, аёл сеҳри, кўрки, ҳусни, карашмаси, нози олдида ким дош бера олар экан? Унинг макр аталмиш ўткир қуролига қандай қалқон чидар экан? Агар Клеопатра бундай қуролларини ишга солса, музаффариятга эришиши муқаррар! Устига устак, Цезарни ишқ-эҳтироси қайнаб-тошган юрак соҳиби, сермуҳаббат қалб эгаси, аёл зотига ўч

Антиохия, Селевкия, Лаодикия ва Апамея шаҳарларидан йиғилган жангчилар Миср чегарасида саф тортди. Клеопатра билан Протарх қўшинларни кўздан кечиришар экан, малика деди:

– Ҳали қўшинимиз чўғи мен ўйлагандай эмас...


Парфиядан бизга кўмак лозим.

Клеопатра бошига дафна чамбари ташлаган, ҳарбий кийимда йигитлардай шахдам, ниҳоятда кўзга суюмли кўринарди.

– Хабар етди, маликам. – Бош вазир Протарх уни тинчлантирди. – Парфияликларнинг катта қўшини йўлда экан, бугуноқ сафга қўшилади.

Шу пайт Рим диктатори Цезарнинг Искандариядан чопар юборганини билдирдилар. Ҳаллослаган чопар бутун аҳволни баён қилди, вақти зиқ эканини айтиб, Рим диктатори, муҳтарама Миср маликаси ва подшоси Клеопатра жаноби олиялари шитоб билан етиб келсунлар, вазият шуни тақозо этади, деб қаттиқ уқтирганини алоҳида таъкидлади-да, шу ондаёқ куюндай ортига қайтиб кетди.

Клеопатра Цезарнинг Искандарияда эканидан қаттиқ таажжубга тушди. Ҳали-ҳануз Искандарияга бирор марта ҳам қадам изи босмаган диктатор не заруратдан ташриф буюрибдир? У Фарсалда Помпей билан савашларда юрганди-ку! Ёки савашда енгилди, Мисрдан паноҳ изламоқдамикан?... «Йўқ... Бунинг сабабини аниқлашга катта ақлнинг кераги йўқ, – кинояли кулди малика ичиди, – Рим зодагонларига нима



киши, деб эшитганди... лекин ҳеч қачон тақдир унга дуч қилишини уйлаган эмас...

Персефона қараркан, ичида қувониб қўйди: Клеопатра дарҳол Аполлодорни хузурига чорлаб, гоҳ қўллари билан Миср томонларни кўрсатиб, гоҳ денгиз томонга қараб, унга нималарнидир узоқ гапирди, уқтирди, тушунтирди... Фидойи қул Аполлодор ерга қараганча, маъқул маъносида нуқул бош тебратарди.

Тонг ғира-ширасида Аполлодор кеча ўзи шай қилиб қўйган кўримсизгина, аммо мустаҳкам балкичи қайиқнинг этак томонига ўтирди, қўлтигида бир бўхча тутган аскар либосига чулганган Клеопатра (унинг аёл киши экани сира билинмасди) бош тарафда тиз чўқди. Қайиқ соҳил бўйлаб Искандария тарафга қараб сузиб кетди.

Вақт чошгоҳдан ўтди. Офтоб тиккага келди. Миср денгизида катта кемалар саёз ерлардан ҳайиқиб, ҳамшиша денгиз ичкарасида сузишади. Кемалар ҳам негадир кам, кўз қулочиди онда-сонда бир учрайди, холос. Қайиқ йўлининг ярми ҳам ортда қолди. Клеопатра ўз ўйларига шўнганча, қачон уфқда Фарос машъали кўринаркан, дегандай, Искандария тарафдан кўз узмасди.

Аполлодор эшак эшишни ҳам эсдан чиқариб, маликага тикилди... Кўзларини олай, деса, ҳеч ололмади! У ёмон васвасага берилмаслик учун маликанинг шаҳло кўзларига қарашдан ҳамшиша ўзини тияди. Йўқса, ўзини йўқотиб қўяди... Оҳ, у кўзларнинг жозибаси даҳшатли! Ана, оддий аскар кийимидаги малика ойдай ярақлаб, нур таратиб турибди. Гўзалдан гўзал, шириндан ширин, асалдан авло... Ҳа, тикилмоқ жуда хатарли... Унинг жунуни кўзиди, хаёллари алағда, бетоқат бўла бошлади. Қайиқни соҳилга бурса, соҳил ҳам кимсасиз... хилват жойлар... маликани олиб...

– Нимага қайиқ секинлаб қолди?... – жаҳли чиққандай сўради бирдан Клеопатра унинг хаёлларини кесиб. Аполлодор худди уйқудан уйғонгандай сесканиб кетди ва ўзини ўнглаб олди:

– Ие... Этеси шамоллари тўхтабди-да, маликам! Этеси шамол итишмаяпти... Эшаклар ҳам чарчадимми, дейман... – дарҳол эшакларни текшириб, у ер-бу ерини кўриб тузатган бўлди Аполлодор, ичида эса ўзини ўзи янирди: «Дарҳол ерга қара! Ерга қара, бадбахт!.. Ерга қара!..Кўзинг тегади!..»

Кейин ўзини ўзи чалғитиш, маликани тинчлантириш учун бамисли бургут қанотларини ёзгандай бақувват қўллари билан қулочкашлаб, икки эшакни шартта-шартта эшар экан, денгиз узра йироқларга баланд овозда қичқирди:

– О, эсавер, она шамол! Эсавер, она шамол! Эсавер... эсавер...

Бир оздан кейин чиндан ҳам шамол эса бошлади.

– Ана! Машъал кўринди! Фарос машъали! – қувончдан қичқириб юборди Клеопатра ҳам. Олис мағриб томонда шафақда янги чиққан юл-

дуздай порлаган машъал уфқни тўлдирган эди.

Қайиқ қош қорайганда Искандариянинг Лохий бурунига етиб келди. Қайиқда Аполлодордан бошқа ҳеч ким йўқ, фақат қайиқ четида оқ чойшабга ўралган бир буюм турарди. Малика Клеопатра негадир кўринмасди.

Аполлодор қайиқни соҳилга боғлаб, оқ чойшабдаги буюмни елкасига кўтариб олди ва саройга қараб йўналди. Ҳовлида саройбонлар, соқчилар, яна аллақандай турфа хил одамлар, жангчилар иверсиб юрарди. Шу палла бир тўда аскарлар шовқин кўтаришди.

– Булар ким? – сўради Аполлодорнинг ёнида турган саройбонлардан бири шеригидан.

– Осиё вилоятдан ёлланма аскарлар эмиш, – жавоб берди иккинчиси. – Диктатор жаноблари чақиртирибдилар. Икки легион, Помпей сипоҳларидан тузилган экан...

Шу пайт ичкаридан лашкарбоши чиқди-ю, аскарларга буюрди:

– Ҳамма шаҳарга отлансин! Месопедийон майдонига борамиз! Бизларга шаҳарни қўриқлаш топширилган!

Сурон кўтарган аскарлар бир пасда кўздан ғойиб бўлдилар.

Соқчилардан бири зипиллаб бораётган Аполлодорни тўхтатди:

– Қаёққа боряптилар?... Йўл бўлсин?

– Сенинг ҳам йўлинг хайрли бўлсин, шерюрак йигит... Узоқдан келаётган йўловчинг – Рим диктатори Гай Юлий Цезарь хузурига шошилмоқдаман.

– Елкангдаги нима?

– Ў-ў!.. Аждоди нақ Буюк Искандарга бориб уланадиган, – Искандарни биласан-а, ҳа, балли, – ўша Буюк Искандарга бориб уланадиган олий мартабали Парфия подшосининг юксакмақом тўхфаи-инъоми, ҳадяи атагани... Буюк жаҳонгирнинг мўътабар излари қолган Сузи шаҳрида беш қат ипақдан тўқилган форс гилами... у...

– О!.. Гиламинг жуда гўзал шекилли... Бир кўрсатасан-да... Кўрайлик... Ҳой! – бирдан чақирди кейин нарироқда турган саройбонни. – Бу ёққа чоп, тез, қизиқ нарса кўрамиз! Нариги соқчига ҳам айт! Тез келсин!

Аполлодор кўрқиб кетди! Агар сир очилиб қолса борми... ишнинг расвоси чиқади! Аполлодор ўзини йўқотиб қўймади, босиқлик билан баланддан келди, овозини йўғонлатиб, шундай сиёсат қилди:

– Ҳой, нималар деяпсан? Ақлли бола кўринасан-у, шундай гапларни дейсан-а! Сира бундан оғиз оча кўрма! Ё бошингни кундага қўймоқчимисан? Ҳали ёшсан. Эрта кундан умидинг йўқми? Яқинда хизматга киргансан, шекилли... Яхшилаб билиб ол: подшога аталган нарса, нима бўлса ҳам, дахлсиздир. Ирими бор-да... Тегиш мумкинмас! Фақат диктатор жаноби олийлари ўзларига очиб кўришлари мумкин... Уқдингми?..

– Шунақа дегин... – деди ҳайратда оғзи очилиб қолган соқчи ва беихтиёр ўтишга ижозат берди.

Аполлодор яна бир-икки соқчилардан ўтиб, ниҳоят ён томондаги эшикдан (у шу ерда яшарин эшик борлигини биларди) Цезарь турган хонага кириб олди ва елкасидаги юкни оҳиста ерга қўйди.

Цезарь бир одам билан бемалол суҳбатлашар, иккинчи одамга хат ёздирар, ўзининг қўлидаги ён дафтарчага ҳам нималарнидир битарди. Ишларини тўхтатмасдан чўк тушиб турган Аполлодорга юзланди:

– Сен Клеопатранинг қулимисан?... Қани Миср маликаси? Келмадимми?..

– Гуноҳимдан ўтинг, император жаноби олийлари! – деди қул таъзим бажо этганча.

Цезарь котибга буюрди:

– Хатни бундай тугатасан: «Рим диктатори фармони: Испания, Юнонистон, Сурия, Киренаика, Қибрис ва бошқа мамлакат-вилоятларга етказилсун. Кўрсатилган вазифалар ижроси бўйича бир ой муддатда Сенатга маълумотлар юборилсун!..»

Кейин суҳбатдошига қаради:

– Сенга яна айтаман: келажақда Ҳиндистонни ҳам босиб олажакмиз! Ҳиндистон Римнинг бир вилоятига айланади! Ҳа, ҳа, ўша афсонавий олис Ҳиндистон!..

Бир лаҳза қўлидаги ён дафтарчага ниманидир ёзиб қўйди.

– Саркарда Кальвинни чақир! – буюрди сўнг мулозимга. – У тез Фаросга борсин, Гептастадионнинг ўнг томонида турган элликта кемани назардан ўтказсин. Даргалар билан эринмай гаплашсин. Кемалар шайми, йўқми, билсин... Қайтишда Месопедийонни ҳам айланиб кўрсин! У ерда аҳвол қандай экан?... Аниқласин, англадингму?

Бирдан Аполлодорга ўгирилиб такрор сўради:

– Қани Миср подшоси, деяпман сенга!

– Гуноҳимдан ўтинг...

Шу палла Цезарнинг назари оқ чойшабга тушди:

– Гиламга ўхшайдимми... Миср маликаси ўрнига менга гилам олиб келдингму? Гиламни нима қиламан? Нима бу?..

Аполлодор ўзини ўнглаб, жўяли йўсинда аста тушунтиришга киришди:

– Гуноҳимдан ўтинг... Мен... жуда узоқдан...

Бирдан қутилмаган ҳодиса рўй берди: «оқ чойшаб»га жон кириб, худди улкан илон мисоли қимирлай бошлади!! Ҳайратдан ёқа тутган диктаторнинг тили қалимага келмай қолди...

Ҳаяжонга тушган Клеопатра фаҳмлади: мана ҳозир ярқ этиб чиқиши, бетимсол кўрку малохати билан Цезарнинг эс-хушини олиши лозим! Унинг учун бошқа йўл йўқ, ўзининг кўрки-сеҳри, нозу ишваси билан Рим диктаторини волаи шайдо айламоғи керак! Ҳа, йигирмага тўлган диркиллама гўзал қиз Цезарь тугул, минг йиллар тош қотиб ётган тоғни ҳам жойидан кўзготиб юборса керак!

Мўъжиза ҳали олдинда эди! Чойшаб аста-аста ёзила борди ва ундан... худди эртақлардагидек, тушларда учрайдигандек, оппоқ ҳарир либосга чулганган фавқуллода бир соҳибжамол, ҳурилиқо, парипайкар сиймо чиқиб келди! Нозик адонинг орқасига тушган тўлқин урган тим қора узун сочлари ниҳоятда гўзал, қадди-қомати кўркини, соҳир сийнасини яшира олишга ожиз нафис қўйлаги афсунларга тўла... Худди хўжайинига боқишга ийманган жориядай ибо билан ерга қараган...

Бу Миср маликаси Клеопатра VII Тея Филопатор эди!

Ҳамма турган жойида ҳайратдан ёқасини ушлади!

Клеопатра балои офатнинг ўзгинаси: шаҳло ёниқ кўзлари чарақлаб боқар, юзлари нур билан чайилгандай тоза, бежирим иякли, қирра бурни ҳам ўзига ярашган, жозибаси тош кўнглини ҳам эритиб юборар, нози карашмаси кишини ақлдан оздирарди. Унинг нигоҳида яширинган жоду қараганни вола-ю шайдога айлантлар, мажнунлар сафига қўшиб қўярди.

Соҳибжамол Клеопатранинг шундай оппоқ чойшабга ўралиб, душманлар орасидан кўрқмай ўтиши, унинг топқирлиги ва жасорати Цезарни ҳайрон қолдирди... У кўрганам ўнгми, тушми, дерди саросима ичра... Балки тушдир...

(Давоми 36-37-бетларда)

Илм-фан оламзининг буюк катташофи

Милодий 850 йилнинг ёзида Бағдод шаҳри ва шу яқин атрофда илгари сира кузатилмаган ғаройиб ҳамда таҳликали воқеалар рўй беради. X асрда яшаган тарихчи Муҳаммад ан-Надим бу хусусда «Ер силкиниб, даҳшатли ҳолат содир бўлди. Само юзини қора булут кўланкаси қоплади. Қаттиқ чақмоқ чақиб, момоқалди роқ гумбурлаши атрофни тутди. Ёмғир бошланиб, мисли кўрилмаган селга айланди. Натижада Дажла ва Тигр дарёлари ўзанидан кўтарилиб, атрофни сув босди. Бу ҳолат бир неча кун давом этди. Кутилмаган воқеадан одамлар таҳликага тушди. Бу воқеалар билан бирга бағдодликлар яна ҳам қайғули хабарни эшитди. Улуғ аллома, ислом оламида буюк инсон Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий Бағдоддаги Шаммосия расадхонасида ишлаб турган пайтида ҳаёт билан видолашган эди. Шунда одамлар орасида «Бу ғалаён табиатнинг дунё илм-фанида ноёб иқтидор эгасининг вафотиға қайғуси», деган гап тарқалди. Бу айни ҳақиқат эди», деб ёзади. Муаррих шу воқеани келтириш билан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг ўз даврида буюк эҳтиромга сазовор инсон бўлганини алоҳида таъкидлайди.

Улуғ алломанинг ҳаёт йўли, илмий фаолияти осон кечмаган. Тарихий битикларда унинг 783 йил Хоразмда, Хива шаҳрида таваллуд топгани ёзилган. Олимнинг тўлиқ исми илмий асарларда Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусий ал-Қутруббуллий тарзида келтирилади. Мажусий лақаби ажодлари зардуштий бўлганини кўрсатади. Қадимда зардуштийларни «мажусийлар» деб аташ расм бўлган. Қутруббуллий эса унинг Бағдодда яшаган жойи номини билдиради.

Муҳаммад ал-Хоразмий Хива, Кат, Гурганж мадрасаларида таълим олади. У ёшлигидан математика, фалакиёт, жуғрофия, тарих фанларини жиддий ўрганади. Бунинг муайян сабаблари бор эди. Уша пайтлари хоразмлик зардуштийлар орасида бу фанларни билиш мажбурий эди. Ота-онаси зардуштий бўлгани учун у ҳам айни йўналишларда мукамал таълим олади. Алломанинг кейинги фаолияти Марвда кечади.

Ал-Хоразмий ҳаётининг бир қисми бу шаҳарда кечишининг сабаби бор. Бағдод халифаси Ҳорун ар-Рашид 808 йили Хуросонда қўзғолон кўтарган Рофиъ ибн Лайс ал-Лайсийга қарши юриш бошлайди, бироқ йўлда вафот этади. Унинг катта ўғли Амин отаси ўрнига халифалик тахтига ўтиради. Иккинчи ўғли Маъмун эса халифаликнинг Марвдаги ноибни, ҳукмдори этиб тайинланади. Маъмун ўша йиллари, яъни 809 йилдан кейин ўз атрофиға Хуросон, Мовароуннаҳрдан илм аҳлини тўплайди. Улар орасида Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ҳабаш ал-Ҳосиб ал-Марвазий, Холид ал-Марваррудий, Яҳё ибн Абу Мансур, Санад ибн Али каби олимлар бор эди. Муҳаммад ал-Хоразмий бу ерда илмий ишларини давом эттириш билан бирга мадрасаларда мударрислик ҳам қилади. Замондошлари унинг ёшлигидан етук иқтидор эгаси бўлгани, араб, юнон, санскрит, форс, қадимги яҳудий тилларини яхши билгани, бу тиллардан кўплаб илмий асарларни таржима қилгани ҳақида маълумот ёзиб қолдирганлар.

Маъмун 813 йилда халифалик тахтини эгаллагандан кейин, 819 йилда Марвдан Бағдодга кўчади ва ўзи билан бирга барча алломаларни олиб кетади. Шундан кейин Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг фаолияти Бағдод Маъмун академияси – «Байт ул-ҳикма» билан боғлиқ ҳолда кечади.

Тадқиқотчилар фикрига кўра, Муҳаммад ал-Хоразмий 20 дан ортиқ илмий асар яратган. Афсуски, бу асарларнинг кўпи бизнинг давримизгача етиб келмаган. Унинг «Алжабр вал-муқобала» («Тенгламалар ва қаршилантириш»), «Ҳисоб ал-ҳинд» («Ҳинд ҳисоби»), «Зижи Хоразмий», «Китоб сурат ал-арз» («Ер сурати ҳақида китоб»), «Устурлоб яшаш ҳақида китоб», «Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб», «Устурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида», «Китоб ар-руҳома», «Китоб ат-таърих», «Кўёш соати ҳақида китоб», «Яҳудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола» каби асарлари маълум. Бу асарларнинг тўрттаси араб тилида, иккитаси лотин тилига таржима шаклида, яна иккитаси бошқа алломалар асарлари таркибида сақланиб қолган. Алломанинг бошқа асарлари ҳозирча топилгани йўқ. Олимнинг барча асарлари дунё илм-фанида маълум бир соҳа бўйича буюк кашфиёт ҳисобланади. «Ҳинд ҳисоби» – арифметикада, «Алжабр вал-муқобала» – алгебрада, «Зижи Хоразмий» – фалакиётда, «Китоб сурат ал-арз» – жуғрофияда, «Китоб ат-таърих» – тарих фанида оламшумул янгилик ҳисобланади. Жаҳон фанида айни соҳалар бўйича Хоразмийдан кейин яратилган барча кашфиётлар алломанинг илмий хулосалари асосида дунёга келган. Америкалик олим Дэвид Сартоннинг кўйидаги эътирофи аҳамиятли: «Бутун IX асрнинг биринчи ярмини «Хоразмий даври» деб аташ мумкин. Агар ўша даврдаги умумилмий ҳаётни эътиборга оладиган бўлсак, у ҳамма даврларнинг энг буюк сиймоси ва кўп фанларнинг асосчиси».

Математика ҳақидаги дастлабки тушунчалар, илмий қарашлар қадимги юнон ва рим олимлари Аристотель, Архимед, Пифагор, Евклид, Птолемей асарларида тилга олинган. Улар сонларни белгилаш, қўшиш, кўпайтириш учун ҳар хил усуллардан фойдаланган. Рим рақамлари орасида 12 лик, 20 лик, 60 лик санок тизимлари мавжуд бўлиб, бошқа санок тизимлари бўлмаган. Математик амалларни белгилашда ҳам ягона илмий асос етишмасди. Бошқача айтганда, математика фан сифатида шаклланмаган эди. Худди шундай ҳолат қадимги ҳинд математиклари асарларида ҳам учрайди. Улар санокда 1 дан 9 гача бўлган сонларни ишлатишган, катта сонларни белгилашда қийинчилик, чалкашлик юзага келган. Бундай камчилик ҳинд математиги ва астрономи Брахмагуптанинг «Катта Синдхинд» асарида ҳам мавжуд. Аллома Ҳабиб ал-Фазорий томонидан араб тилига таржима қилинган бу асар VIII-IX асрларда араблар ўртасида машҳур бўлса ҳам, одамлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатини ўрнатишда қийинчилик туғдирарди. Шу сабабли Бағдод ҳукмдори халифа ал-Маъмун бу асарни қайтадан ишлаб, тўлдиришни ал-Хоразмий зиммасига юклайди.


БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий «Ҳинд ҳисоби» китоби аввалида шундай ёзади: «Раҳмли ва меҳрибон Тангрига лойиқ мақтов айтилик, унга меҳр-муҳаббатимизни билдирайлик ва унинг ниҳоятда улуғворлигини кўнрақ кўтариб намоён этайлик, токи у бизни адолат сари, ҳақ йўлидан илм сари бошлаб борсин. Ҳиндлар 9 ҳарфдан, уларни ўзлари хоҳлаганларича жойлаштиришларига кўра истаган сонларни яратганларини кўрганимдан кейин мен ҳам сонларни ифодаладиган ҳарфларни ўрганаётганларга осон бўлиши учун ўзига хос тарзда жойлаштириб чиқишни ният қилдим. Ҳиндлар сонларни ифодаладиган ҳарфларни жойлаштириш билан нимага эришган бўлсалар, мен ҳам сонларни кўрсатадиган ҳарфларни ўзига хос тарзда жойлаштириш билан мақсадимга эришдим. Бунда мен одамлар учун (ҳисоб-китобда) осон йўлни танладим». Бу сўзлардан англашиб турибдики, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ҳиндлардан математика соҳасида маълум бир шаклни олган, унга янги мазмун бахш этиб тўлдирган, янгилик киритган. Натижада илмий жиҳатдан асосланган, шаклланган янги математик асар – «Кичик Синдхинд» ёки «Ҳинд ҳисоби» яратилади.

Аллома асарида, аввало, бирдан тўққизгача бўлган сонлар ёнига нолни қўшади ва улар миқдорини 10 га етказиб, бу тизимнинг тўлиқ моделини яратади. Ўнлик санок тизимига асосланган сонлар, сонларни қўйиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш қоидалари, сонлар билан ишлаш усулларини содда равишда кўрсатиб беради. Илм оламида юнон, рим, ҳинд ва бошқаларда мавжуд бўлмаган математика фани пайдо бўлади. Фанда араб рақами тушунчаси юзага келади. Бу асар яратилиши билан Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлади. Муаррих Жамолддин Қифтий бу асар яратилиши биланоқ дунё ҳисоблаш илмида энг асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди, деб таъкидлайди. Астрономия илми кейинчалик ана шу фанга асосланиб ривожланади. XII асрда европалик олим Аделард бу асарни лотин тилига таржима қилади. Кейин мазкур асар яна бир неча марта лотин тилига ўгирилади. Асарнинг математик кашфиёти шундан иборат эди.

«Мен тиклаш ва қарама-қарши қўйишга доир ҳисоблаш ҳақида қисқа асар ёзишга журъат этдим. Зеро, одамлар меросни бўлишда, васият ёзишда, савдо ишида, ер ўлчаш, канал қазийишда ва ҳисоб санъатига доир ҳамма ишларда бундай китобга зарурат ҳис қилмоқдалар». Муҳаммад ал-Хоразмий «Алжабр вал-муқобала» асари сўз бошисид шундай ёзади: «Инсонларнинг амалий фаолиятига мўлжаллаб яратилган бу асар фаннинг янги бир соҳаси – алгебра кашф этилишига асос бўлади». Асарда илм оламида илк бор биринчи ва иккинчи даражали тенглама, масала ечимининг геометрик асоси, алгебраик амал қоидаи, амалий масалани алгебра воситасида ечиш мисоли кўрсатиб берилган. Шу билан бирга учбурчак, тўртбурчак, доира устида ишлаш математик тилда талқин қилинади. Аллома «Алгебрада уч хил сон – илдиз (нарс), квадрат (мо), оддий сон (пул бирлиги) билан иш кўради. Илдиз – ўзи ўзига кўпайтириладиган миқдор. Квадрат эса илдизни ўзига кўпайтиришдан ҳосил бўладиган катталиқ», деб ёзади. Шу асосда у «Бу фанда иш кўрадиган тенгламалар ана шу уч миқдор орасидаги муносабатдир», деган хулосага келади. Ал-Хоразмийнинг бу асари XII аср биринчи ярмида европалик олимлар Герардо ва Роберт Честер томонидан лотин тилига таржима қилинган. Аллома асаридаги «алжабр» сўзи лотинчада «алгебра» шаклида Хоразмий асос солган янги фаннинг номи бўлиб қолди. Ғарб олимлари аллома номини лотинчада Алгоритм, Алгоритмус шаклида ёзади. Натижада дунё фанида унинг номи билан боғлиқ бўлган «алгоритм» тушунчаси пайдо бўлди. Ўн бир асрдирки, дунё илм-фанида олимнинг бу асари асосида минглаб кашфиётлар яратилди. Шу сабаб инглиз олими Жон Смит «Муҳаммад ал-Хоразмий нафақат Европага, балки бутун дунёга алгебра номи, фани ва асосий тамойилларини олиб кирди», деб баҳо берса, фаранг шарқшуноси Жерард Рейно 1849 йил «Ҳисоблаш тарихида алгоритм, алгоритм, алгоритм сўзлари Ал-Хоразмий номидан келиб чиққан», деб ёзади. Дарҳақиқат, бугун дунё илм-фани, иқтисодиёти, технологиясида қўлланилаётган «алгоритм» сўзи улуғ аждодимизнинг номи билан боғлиқ экани бугун барчага аён.

Муҳаммад ал-Хоразмий Марв, Бағдод, Дамашқ расадхоналарида олиб борган илмий кузатиши натижасида «Зижи Хоразмий» асарини яратади. Фанда баъзан «Янги астрономик жадваллар»



деб аталадиган бу асар 37 боб, 116 жадвалдан иборат. Унда аллома қадимги ва илк ўрта аср ҳинд, юнон, рим, форс олимлари маълумотлари асосида бошқа эралар саналарини ҳижрий эрага айлантириш, бурж, даража ва вақтни аниқлаш, Қуёш, Ой ва сайёралар ҳаракатини белгилаш борасида янги кашфиёт яратади. Бу асарда фанга илк бор «текислик», «аксланган синус», «тангенс», «котангенс» тушунчалари олиб кирилади, географик жойларнинг узунлиги ва кенглигини аниқлаш қоидалари келтирилади. Аристотель, Птолемейнинг геомарказ назарияси таҳлил қилиниб, илмий асослари исботланади. «Зижи Хоразмий» астрономия соҳасида Шарқда яратилган дастлабки илмий асардир. Бу асар илм-фанда астрономия соҳасида асарлар яратишни маълум бир шаклга солиб берди. Астрономияга оид кейинги барча асарлар шу шаклда яратилди. Шарқ астрономлари Ал-Фарғоний, Ал-Ҳошимий, Беруний, Чағминий, Шомий каби олимлар алломанинг бу асарига бир неча китоб бағишладилар, шарҳ ёздилар. Бундан ташқари, аллома яна қуёш соати, квадрант ва устуруб каби мураккаб асбоблар яратди. Ушбу ускуналардан астрономия соҳасида фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқди. Алломанинг математика, астрономия, тригонометрия, алгебрага оид илмий кашфиётларидан Қуёш, Ой, сайёралар ҳаракатини кузатиш, сув ҳаракатини тўғри белгилаш, тошқинлар олдини олиш, янги ер ўзлаштириш, ирригация иншооти қуриш, шаҳар барпо этиш, одамларнинг бошқа ҳаётий эҳтиёжларини қондиришда фойдаланилган.

Аделард Бат 1126 йилда «Зижи Хоразмий»ни лотин тилига таржима қилгач, Европа астрономия мактаби шаклланди. Галилей, Коперник, Кеплер сингари олимлар Ал-Хоразмий назарияси асосида астрономия илмида кашфиётлар яратади.

(Давоми 32-бетда)



Илм-фан оламнинг буюк кашшофи

(Бошланиши 30-31-бетларда)

Шарқшунос олим Сергей Толстов «Хоразмий ўз асарлари билан Шарқ ва Европа, дунё астрономия илмига асос солди», деб ёзган.

Алломининг яна бир асари – географияга бағишланган «Китоб сурат ул-арз» рисоласи ҳам унга дунёвий шухрат келтиради. Бу асарнинг 1037 йилда кўчирилган ягона арабча нусхаси Страсбург университети кутубхонасида сақланмоқда. Хоразмий бу асарда географияни илк бор иқлим назариясига кўра тадқиқ қилади. У ернинг инсонлар яшайдиган обод қисмини етти иқлимга ажратади. Қадимги юнон олимлари Гиппарх ва Птолемейдан фарқли равишда минтақа, мамлакат, географик ерларни эмас, етти иқлим жойлашган жойларни тасниф этади. Китобда шаҳар, тоғ, дарё, денгиз, ороллардаги 2402 географик жойнинг координатаси келтирилган. Унинг бу рисоласи ўрта асрларда энг биринчи географик асар эди. Олимнинг иқлим назарияси дунё география илми ривожига муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Ал-Хоразмий бошчилигида 70 аллома жаҳон харитасини тузиш устида иш олиб борган. «Маъмун дунё харитаси» деб номланган бу иш 840 йил ниҳоясига етган. Афсуски, ҳозир шу хариталардан фақат тўрттаси – Яқин ва Ўрта Шарқ хариталари, Азов денгизи ва Нил дарёси хариталари сақланиб қолган, холос. Ал-Хоразмий бу ишлардан ташқари, ўз даврида нодир қўлёзмаларни тўплаган, географик кузатиш олиб бориш мақсадида уюштирилган учта илмий экспедицияга ҳам раҳбарлик қилган. Бу экспедициялар Ғарбий Ҳиндистон, Византия, Волга бўйидаги Хазария мамлакатларига уюштирилган. Аллома бу саёҳатлар давомида жуда кўп илмий маълумот тўплаган. Шу асосда чизилган хариталар унинг географияга оид асари қимматини ошириш билан бирга, дунё илм-фанида нодир манба сифатида ҳам қадрли. Бугунги кунда жаҳон тарихи хариталарини яратишда ўша манбалардан кенг фойдаланилади.

Тарихчиларнинг бир гуруҳи Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий Бағдодга келгач, бирор марта ҳам юртига қайтиб бориш унга насиб этмаган, деб ёзади. Тарихий манбаларда эса унинг харита тузиш учун Ўрта Шарққа, Азов денгизи соҳилларига боргани, илмий экспедиция сафида Хазария мамлакатига бўлгани қайд этилади. Бу ўлкалар Хоразм билан чегарадош жойлашган. Ушбу мамлакатлар иккинчи гуруҳ тарихчиларининг Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий кейинчалик ўз юртига келган, деган хулосаларини тасдиқлайди.

Абу Райҳон Беруний Муҳаммад ал-Хоразмийнинг тарихий асар ёзгани ҳақидаги маълумотни келтиради. Алломанинг «Тарих китоби»да Араб халифалигининг бошланғич даври, Хуросон, Кичик ва Олд Осиё, Ўрта Осиё халқларининг VIII-IX асрларга оид тарихий воқеалари тилга олинган. «Яҳудийлар тарихи ва уларнинг байрамларини белгилаш» номли асар улуғ алломанинг нафақат ўша халқ тилини, балки тарихини ҳам мукаммал билганини кўрсатади.

Аллома илм-фан соҳасида нафақат илмий янгилик, кашфиёт яратди, назарияни ҳаётга татбиқ қилди. Айни пайт у илм-фаннинг инсоният тақдиридаги ўрнига ҳам юксак баҳо берди. У «Билим борлиқдан келиб чиқиб, инсоннинг илмга бўлган эҳтиёжи ўсиб бориши ва борлиқни узоқ вақт ўрганиши жараёнида муттасил ва изчил тўпланиб боради. Турли илмлар бир-бирларини инкор ва истисно этмайди, балки ўзaro бир-бири билан боғлиқ ва дунёни билишга ҳамда бахт-саодатга эришишга хизмат қилувчи ягона ҳалқани ташкил этади», деб ёзади. Аллома оламдаги воқеа ва ҳодисалар моҳиятини билишда инсон ақли, билими, тафаккури асосий роль ўйнайди, деган хулосага келади. Бу IX аср учун улуғ кашшофлик эди.

Хоразмийнинг илмий фаолиятида Бағдоддаги «Байт ул-ҳикма» – Маъмун академияси муҳим аҳамият касб этган. Маълумки, бу академияга дастлаб Яҳё ибн Мансур раҳбарлик қилган. 829 йилда унинг вафотидан кейин академияга раҳбарлик Муҳаммад ал-Хоразмийга топширилади. Хоразмий бу илмий марказни 850 йилгача,

яъни умрининг охиригача бошқаради.

«Байт ул-ҳикма» ўз даврида нафақат мусулмон оламида, балки дунё миқёсида йирик фан марказига айланган. Бу ерда иккита расадхона, таржимонлик маркази, саккизта мадраса, ўндан ортиқ илмий тадқиқот уйи, жаҳонга машҳур кутубхона, қўлёзмаларни кўчириш, таъмирлаш ва муқовалаш устахонаси фаолият юритган. Академияда математика, фалакиёт, тиббиёт, тарих, жуғрофия, кимё, фалсафа, мантиқ, адабиёт ва бошқа соҳаларга мансуб 500 дан зиёд аллома илмий иш олиб борган. Кутубхонада 400 мингдан ортиқ нодир қўлёзма тўпланган. Мана шундай йирик илмий даргоҳга етакчилик қилиш осон эмасди. Муҳаммад ал-Хоразмий буни муваффақият билан бажаради. «Байт ул-ҳикма»да жаҳон илм-фани учун кўплаб ишлар амалга оширилади. Биринчидан, бу ерда дунё бўйича IX асргача яратилган илмий асарлар тўпланади, улар араб тилига таржима қилинади ва шарҳланади. Иккинчидан, математика, алгебра, фалакиёт, жуғрофия каби фанларга асос солинади, кимё, тарих, табобат ва бошқа фанлардан буюк кашфиётлар қилинади. Учунчидан, «Донишмандлар уйи»да назарий билимлар билан амалий фаолият бирга қўшиб олиб борилади. Мукаммал устурлоб, қуёш соати ясалади. «Миқёс ул-Нил» (Аҳмад Фарғоний томонидан) сув ўлчагичи яратилади. Ер айланаси, диаметри, радиусини, Ер билан само жисмлари орасидаги масофани ўлчаш, заминнинг бир даража узунлигини белгилаш, юлдузлар жадвалини, дунё халқлари яшайдиган жойлар харитасини яратиш бўйича амалий иш қилинади. Буларнинг бари Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг Бағдод Маъмун академиясидаги илмий раҳбарлиги натижаси эди.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг дунё илм-фанига қўшган ҳиссасини чуқур ўрганган италиялик олим Наллино «Илмий ижодиёт ва амалий фаолият жиҳатидан дунёдаги ҳеч бир халқ вакили Хоразмий эришган ютуқни қўлга киритишга қодир эмас», дея ҳукм чиқаради. Алломанинг илмий мероси жаҳон миқёсида қадрланмоқда. Асарлари кўплаб тилларга таржима қилинмоқда. Унинг илмий мероси дунёнинг илм-фан тараққий этган барча мамлакатларида эъзозланади. Халқимизнинг улуғ фарзанди, қомусий олимнинг 1200 йиллик таваллуди 1983 йил ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда нишонланди. Унинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишлаб Хоразм, Тошкент, Москва ва Парижда халқаро анжуманлар ўтказилди.

Бутун илмий ҳаётини Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий меросини ўрганишга бағишлаган, улуғ алломанинг 1200 йиллик тўйини ЮНЕСКО томонидан ўтказилишида ташаббускор бўлган америкалик олим Уильям Доннер халқаро анжуман муносабати билан Хоразмга келганда, «Умримнинг бир ҳафтаси дунёга машҳур аллома Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий туғилиб-ўсган юртда, унинг Ватанида ўтганидан беҳад хурсандман. Аслида улуғ аллома юртида бир ҳафта эмас, бир соат бўлмоқнинг ўзи ҳам катта бахт. Бу юртга, улуғ алломага таъзим қиламан. Аслида унга бутун дунё олимлари, илм аҳли таъзим қилса арзийди», дея эҳтиром кўрсатган эди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий илмий меросини тадқиқ этиш, хотирасини абадийлаштириш, номини улуғлаш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Хива, Урганч ва Тошкент шаҳарларида аллома ҳайкали қад ростлаган. Яқинда Туркия пойтахти Анкарада Хоразмий бюсти ўрнатилди. Урганчда унинг номи билан катта боғ ва тарихий мажмуа бунёд этилди. Республикаимизнинг етакчи олий ўқув юртларидан бири, коллеж ва лицейлар, махсус мактаблар, корхона, кўча, майдонлар унинг номи билан аталади. Буларнинг бари буюк мутафаккир, улуғ аллома, илм-фан фидойиси бўлган улуғ аждодимизга юксак эҳтиром рамзидир. 2023 йилда Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий таваллудига 1150 йил тўлади. Бу сана ҳам илм-фан аҳли, халқимиз томонидан қутлуғ айём сифатида нишонланишига шубҳа йўқ.

Камол МАТЁҚУБОВ

Нуриддин Ҳайдаров толмас кўшиқ эди...



Бу кўҳна дунёнинг ақл бовар қилмас тилсимлари кўп. Масалан, ҳаво очиқ тунда самога боқсангиз, барча юлдузлар бирдай порлаб турганини кўрасиз. Соҳани яхши билган мутахассисларнинг айтишича, аслида улардан айримлари аллақачон сўнган бўлса-да, ўзидан нур таратаверар экан. Менимча, айрим машҳурларнинг қисмати ҳам юлдузларникига ўхшайди. Улар, гарчи орамизда бўлмаса ҳам, ҳаётлигида одамларга қилган яхшиликлари, эзгу амаллари ёдимиздан чиқмайди. Дейлик, бу фоний дунёдан ўтган истеъдодли адиб ёки санъаткорларнинг ҳаётлигида яратган асарлари, куй-қўшиқлари одамларга ҳамон хизмат қилиб, завқ улашаверади. Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳайдаров ҳам ўзидан яхши ном, ўлмас кўшиқлар ва ширин хотиралар қолдирган ана шундай ажойиб инсонлардан бири эди.

«Тошкент ҳақиқати» газетасида ишлардим. Авжи баҳорда уйланадиган бўлдим. Тўй куни белгиланган, бироқ ҳали санъаткорлар айтилмаган. Айнан ўша кезлар Фарғона вилояти филармонияси бадийий жамоаси гастроль сафари билан пойтахтга келди. Унинг сафида элга анча танилиб қолган умидли лирик хонанда Нуриддин Ҳайдаров ҳам бор эди. Кўққисдан хаёлимга «Хизматга уни айтсам-чи?» деган фикр келди. Шу ниятда у кўнган меҳмонхонани топиб бордим. Ўзимни таништириб, муддаомни айтдим.

– И-я, сиз Назармат ака билан бирга ишлайсизми? – деди Нуриддин газетамиз номини эшитиши биланоқ. Жавобимни кутмай, ёнидаги ёш йигитларга изоҳ берди. – Назармат ака ажойиб шоир! Кўшиқлариям анча. – Сўнгра яна менга юзланди. – Агар тўйингизда у киши ҳам қатнашса, албатта, бораман. Шу баҳонада отахон билан танишиб, бир-иккита шеърини сўраб оламан...

У лафзида турди. Гуруҳи билан Қувадан Бекободга келди. Бу хабарни эшитиб, ҳовлимиз нафақат меҳмонлар, балки Нуриддиннинг мухлислари билан ҳам тўлиб кетди. У тўрт соатдан ортиқ тинмай куйлади. Кейин алламаҳалгача Назармат ака билан эски қадрдонлардек гурунглашиб ўтирди. Шу-шу мен ҳам Нуриддин билан дўстлашиб қолдим.

Танишганимдан сўнг билдимки, у 1957 йил 1 августда вилоятимизнинг Оққўрғон туманида туғилган экан. Ўзининг айтишича, мушздайлигидан санъатга қизиққан, турли тантана ва байрамларда Фахриддин Умаровнинг кўшиқларини айтишни хуш кўрар экан. Бешинчи синфга ўтган йили оила аъзолари билан бирга ота юрти – Қува туманидаги Акбаробод қишлоғига кўчиб боради. Шу ерда мактабни битиргач, Фарғона давлат педагогика институтининг тарих факультети мусиқа бўлимига ўқишга кириб, Имяминжон Қирғизов ва Мухторжон Тешабоев каби устозлардан сабоқ ола бошлади.

Нуриддин илк бор 14 ёшида Ўзбекистон телевидениеси орқали ўзгалар ашуласини куйлаган бўлса, 21 ёшида «Замондош» кўрсатувида ўз кўшиқлари билан чиқди. Катта саҳнага дастлаб 1979 йил – ардоқли шоиримиз Абдул-

ла Ориповнинг ижодий кечасида қадам қўйди. Ўша оқшом «Юлдузим»ни жўшиб куйлади. Янги тарона тугаши биланоқ залда гулдурос қарсақлар янгради.

Тез орада ёш хонанда эл назарига тушди, санъат том маънода унинг ҳаёти мазмунига айланди. Институтни тугатиб, Фарғона вилояти филармониясига ишга кирди. Ушбу даргоҳда машҳур ҳофиз Таваккал Қодировдан миллий кўшиқчилик сир-асрорларини, санъаткор одоб-ахлоқини обдон ўрганди. 1993 йилдан Ички ишлар вазирлиги қошидаги ансамблда ижодий фаолиятини давом эттирди. Кўп ўтмай Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи вазифасига ишга ўтди. Кўшиқ унга қанот, руҳ бағишларди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвонлари билан тақдирланди. «Она замин юлдузлари» фестивали совриндори бўлди. Аммо умри қисқа экан, ижоди айни гуллаб-яшнаган бир паллада – 47 ёшида юрак хасталиғи туфайли вафот этди.

У ўзига хос соҳир овоз соҳиби, санъатнинг ҳақиқий фидойиси, юксак инсоний фазилатларга эга эди. Одамларга яхшилик қилишни доимий бурчи ҳисобларди. Имкон қадар ҳам-манинг кўнглини олишга, мухлисларини ранжитмасликка интиларди. Бировга ваъда берса, албатта, сўзи устидан чиқарди.

Табиийки, унинг ютуқларидан беҳад қувонган, гоҳида ортиқча изтироб чеккан кунлари ҳам кўп бўлган. Таниқли хонандалардан бири республика газетасида «Кўшиқ тақлидчилиги – иллат!» сарлавҳали мақола чоп эттирди. Унда негадир айнан Нуриддин Ҳайдаров нишонга олинган. «У фалончининг нақ ўзи бўлиб куйлайди, ашулалари бир чақага арзимайди», деган мазмунда писанда бор эди. Ҳолбуки, бу пайтда Нуриддин ўз овози ва ўз услубига эга санъаткорга айланган, ўз кўшиқлари кўпайган, халқ орасида обрўси анча баланд эди. Мақола муаллифи булар ҳақида тўхталмаган, унинг аввалроқ устозлари усулида айтган бир-иккита кўшиғини қоралаганди.

Турган гап, бу ёш хонандага қаттиқ таъсир

қилди, ноўрин танқиддан қаттиқ гангиб қолди. Назарида, устозлари ишончини оқлолмагандай, мухлислар меҳрини қозонолмагандай, ҳамма унинг устидан кулаётгандай туюлди. Кайфияти бузилиб, анча вақт одамлар кўзига кўринмай юрди. Ҳатто, бир муддат ижоддан кўнгли совуди. Иродаси мустаҳкам экан. Бора-бора ўзини ўнглаб олди. Олдинги кўшиқларига қайтадан сайқал бериб, янги-янгиларини яратди. Ижодий бисотини айрича оҳанг, айрича жозобага эга юзга яқин ранг-баранг кўшиқ билан бойитди. Мен у бемаврид таъна-маломатларга қандай дош бергани, ўзини отарчига менгзаган «башоратчи»нинг гумонларини қай тариқа чиппака чиқаргани ҳақида мақола ёзиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилдим.

Бир куни унга анча йиллар бурун бировларнинг касофати уриб қамалиб қолган синфдошидан хат келади.

«Нуриддин, мени кечир, – деб бошланарди мактуб. – Тунов куни «зона»дагиларга оқибатини ўйламай, мақтаниб кўйибман. «Яралмиш» деган кўшиғингни радиодан эшитаётим, «Бу йигит қадрдоним бўлади», деб юборибман. Ишониш қайда? Масхаралаб устимдан роса кулишиди. «Қачонлардир бирга ўқиган бўлса, бордир, энди сендан юз ўғиргани тайин. Ахир, у эл кўзида юрган одам, сен-чи?.. Сен бор-йўғи бир жиноятчисан-да!» дея кесатишиди. Эътироз билдиргандим, нозик жойимдан ушлашди. «Чин дўстинг бўлса, чақир, шу ерга келиб концерт берсин!» деган шарт қўйишиди... Нимаям қилардим, очигини ёздим. Балки гапларим нафсониятингга тегар, «Куним келиб-келиб, қамоқхонада кўшиқ айтишга қолувдими?» дея ор қиларсан. Яна билмадим, эҳтимол, ўтинчимни инобатга оларсан, жилла курси, шу томонларга йўлинг тушганда, бирров кириб ўтарсан...».

Йўқ, Нуриддин дўстидан ор қилмади. Қаршига борди. Ўша ерда «Правда Востока» газетасининг вилоят мухбири бўлиб ишлаётган қадрдони, таниқли журналист Қодиржон Собировга учрашди.

(Давоми 35-бетда)

булутлар тўпланар, бўғиқ ҳаво ортиб борарди. Лекин онанинг кўзлари ўткир. У пахтазор нарёғида жимитдай бир ҳаракат бўлса илғашга шай эди. Фарзандлари оч қолган овчидан кўра ўткирроқ нигоҳ ила атрофни кузатарди. Онанинг кўзларини эса кўриб бўлмасди.

– Элбек, қишлоғингда энанг бордир, элинг бор, шу энангни Элбек дея зорлатгувчи кунинг бор, ичи тўла ириб кетган, қонаб кетган дили бор, эгатлардан чиққин, улим, пахтазорда нима бор? Бу элингда сочи узун сулув кўп, ҳар сулувнинг баданида атир эмас, дори кўп. Шу сулувдан бировини олиб берай, отажон, ўзинг кўмгин, тўйинг кўриб, ўлиб берай, болажон! Кишнаб турар, йиғлаб турар, бобонг ёлин тутган отинг бор, наслинг тоза, кўзи қора улуғгина зотинг бор. Мен билман хор қилмайсан энангни, кўксинг тўла тоғдайгина оринг бор. Элбек, бола-а-ам!

Шамол ҳам эсмагандай, ғўзапоялар темирга айлангандай жим бўлади... Бу сукут момони эзиб-эзиб, ўйиб-ўйиб олади... Кўзларини пахтазордан узмайди. Рўмоли қийшайди, лекин бошга қўл чўзмайди. Кўз ёшлари

Жавлон ЖОВЛИЕВ

ЭЛБЕК

Яқин ўтмишдан ҳикоя

– Элбек, ҳой болам, қаердасан? Қаердасан, нуридийдам! Ҳа, дегин болам, бир марта, ҳов дегин, тилингдан онанг ўргилсин, болам! Сенга жоним садқа, болам!

Тун чўқди. Пахтазор куйган сахрога айланди. Момонинг ваҳимаси ортар, тепасида айланаётган қора қарғалар тинмай қағиллар, қиличдек шарманда, яланғоч, боши кесик, чўлоқ, нимжон чўпларга айланган ғўзапоялар совуқ шамолда тебраниб, онанинг қолган умидларини ҳам тўзитарди. Момо пахтазорнинг ўртасини кесиб ўтувчи ўқариқ ёнида, катта кесакнинг устига чиқиб, лаблари титраганча, аччиқ кўз ёшлари юзини ювиб, афтодаҳол турар ва тинмай кенжатоийни чақирарди.

– Элбек, ҳой Элбек, онанг айлансин, полвоним... Кеч бўлди, болам, кетайлик! Сенга шўрва қилиб қўйибман, қаймоқдан пантир, болам! Элбек, бо-о-о-лам!

Момонинг яланг оёғи йиртиқ калишда қип-қизил гўштга айланган, бурни анор донасидек қизарган, чўлоқланиб чопаетган одамдай бетартиб ураётган юраги совуққа таъсирсиз ўт ичида ёнарди. Она қоронғуликни қўли билан тарқатмоқчидай, билакларини кенг ёзиб атрофдан қора рангни ҳайдар, кўзларини бош-адоғи йўқ пахтазорга умид билан қадарди. Аммо борган сари зулмат ранглари ортиб, қуюқлашиб, осмонда қора

ажинларини кўмади, қалампир сувига бўкиб, диллар ачишади. Атрофга тун кўйлаги ёйилган, қизил, қулоқлари катта сичқонлар эга чиққан. Улар қиқирлаб кулганча томоша кўргани кўрган. Қишлоқ аҳли – теримчилар эртанги кун учун уйқуга кетади. Деҳқонлар сандиқдан пўстин олади. Куя тушган жойларини ямаш учун хотинининг бетига отади. Хотин уйқусираб игнани қўлидан ўткази. Болаларнинг сумкасини чанг босади, ичида сичқоннинг ҳиди келишидан кўнгли айниб уни тўрга улоқтиради. Қизлар қатиққа бош ювади, қатиқ тошдек кўраклар, нозик қобирғалар оралаб сизади ва қотади. Итлар ҳурмайди, эшаклар ҳанграмайди... Фақат хўроз қичқиради. Қаттиқ қичқиради. Қойил, шу хўроз ҳаммани уйғотади. Ҳозир бу қичқариққа анча вақт бор. Момо узоқларга тикилади. Қулоғи узун, бурни қора, қизил сичқонлар эса қиқирлаганча қулиб, деҳқон ташлаб кетган кетмон усти ўтирганча момони кузатади. Лекин қулоқлари динг. Нимадир эшитсам, ниманидир кўрсам, дейди. Момонинг кўзлари тубига етиш амри-маҳол! Қуриган қудуқмиди, сенинг кўзларинг? Ё тепасида бургутлар учолмайдиган, булутни белидан кесадиган чўққимиди? Кўриб бўлмайди?

– Ҳой Элбек, кўксимда Қахрамон она ордени бор, менам қахрамон бўлдимми, болам... Шунча болани ўқитиб сени йўқотдимми, болам! Пахтани олтин деб, минбарни замон деб, сени қақшатдимми, болам. Ҳой Элбек,

болам, кўксимдаги бу ордени тўйингда лўлига совға қилай... Тур, бола-а-а-м...

Негадир, кун ўзгариб, ҳеч аломати бўлмаса-да, ёмғир ёға бошлайди. Майин ёмғир, пардай ёмғир... Ғўзапоялар пичир-пичир тилга кириб, яланғоч баданига тушаётган муздек томчилар қуртлардай думалаб заминга тушади. Замин турмоқчидай бўлади, устидаги оғир юкни кўтаришга ҳадди сиғмай яна кўзларини юмиб олади. Қизил сичқонлар юзидаги упа-элик оқиб кетишдан кўрқиб, ўзларини тутлар панасига уради. Момо эса соғинч ва ҳасратга қурилган кўзсиз ҳайкал сингари туради. Муздек, енгил ҳаво момонинг терлаб кетган вужудини сийпалайди, кўксига ёғаётган ёмғир тубсиз жарликка отилган тошдай изсиз кетади.

– Элбек, ёмғир ёғяпти, болам! Ивиб кетасан! Шамоллаб қоласан! Жиққа хўл бўласан, болам! Кел, рўмолимга ўрайман, иссиққина! Уйда исириқ солинган сандалга оёқ узатасан, исириқ сепаман, дутор чалиб берай, сен яхши кўрган қўшиққа ўйнаб берай! ... Ухлагинг келаётган бўлса, сенга ўзим алла айтаман. Очиққансан, қаймоққа иссиқ нонни ботириб ейсан. Акаларинг пахта чигитла демайди, ҳеч ким, ҳеч ким сени урмайди. Кел болам, кел! Ер ютсин, ҳаммасини! Сени туққан энанг ўлсин, ўлсин-а!

Момо бош эгиб, ўтириб қолади. Момонинг курақларига ёмғир ташланади. Замин она курақлари остига бекинади! Она панасида тупроқ қуруқ қолади. Тут соясига беркинган қизил сичқонлар кампир сочларидай қуриган шўра донларини кавшайди, бир-бирига илжайиб ҳазил қилади. Шўхроғи нозикроғининг устига ирғишлайди, лекин шунда ҳам қулоғи динг туради. Динг-динглигича қолади, қотади.

Эҳ, она табиатдан, айланай!

Она зулмат ва умидсизлик даштида ўғлини, жону жаҳонини кўради.

На зулмат, на азоб, на ҳасрат ва на надомат онага тўсиқ бўлолмас. На ёмғир, на фаришта, на шайтон, на ажал онага тўсиқ бўлолмас. На қариган тут гавдасидек буришиб қотиб қолган оёқлар, на кўксидега оғир юк каби босиб турган орденилар, на ҳақиқат, на ёлғон унинг кўзларига тўсиқ бўлолмас. Она ўғлини кўради, қандай кўради, унинг кўзи қандай ўзи, билиб бўлмайди.

На замин ёрдам беради, на осмон кўмак беради, на бағрикенг ёмғир қўллабди, на халқ суяйди. Ёлғиз ўзи чопиб боради.

Кўзларида ўт чақнаган, эндигина ўн етти ёшга тўлган, лекин ёшига нисбатан новча бир йигитчани, дилбандини кўради. Юзи қизларникидай тиниқ ва сутга чайилгандай оппоқ, серкиприк, хушсурат боласини кўрди. Она пахта эгатлари оралаб, қуш мисоли кўзичоғи томон чопиб боради. На замин қўллабди, на ватан қўллабди, на осмон кўмак беради, на ёмғир йиғлашни бас қилади. Калишлар чалкашади, кесаклар ағдарилади, ғўзапоялар синади, момо йиқилади. Юзлар йиртилади, бурунлар иссиқ қонни хис қилади, лекин у бахтиёр. Йиқилса-да, суринса-да, чопаверади...



Эҳ, қойилман сенга, она табиат! Зулмат денгизда, аччиқ туман остида узоқдаги ўғлини таниганини қаранг!

Момо ўғлининг ёнига пойгаларда ўзган отлардан ҳам тезроқ келади. У ўзини қалдирғочлардан ҳам кўра энгилроқ, машиналардан кўра қувватлироқдек ҳис қилади.

– Элбек!

– Эна...

– Элбек болам, ахири эшитдинг-а!? Болам!

– Эна, мен... Теша!

– Элбек...

– Мен, Тешаман!

– Сен, Теша...мисан, болам, мен укажонингни, кенжамни қидириб юрувдим...

Момо шўр тупроқ кўкрагига тизза ботиради. Замин титраб кетади.

– Бўлди, бас қилинг жинниликни! Ҳар куни шу аҳвол! Раисдай одам сизга таъзия билдириб, Элбекнинг расмини туман газетасига чиқариб қўйди. Эгик кўнглимизни кўтариб қўйди. Нима, фақат бизнинг инимизни пахта ютганми, элга келган тўй. Қурбонларсиз шунча план қандай бажарилади? Бизларни, невараларингизни ўйланг, эна! Шикоят қил дейсиз! Кимга? Нимага? Нима фойда? Иним тирилиб қайтиб келармиди?... Ўзи-ку, жонбозлик кўрсатаман, деб... Майли, кетдик... Мой беряпти, чой беряпти, пул беряпти... яна нима керак, эна? Изза қилдингиз-ку, тоза! Катталар гўл эмас сизга! Халқ гўл эмас! Ёз дейсиз, ўн битта болангдан биттаси ўлибди, шунга шунчами, демайди-ми? Уят бўлади, эна! Минг қилса ҳам орденли онасиз... Қаранг, атрофга қаранг, биздан баттарлар қанча... Миллионлаб одамлар сиздай бўлишни орзу қилади... Миллионлаб одамлар сиздай орден олишни истади... Уларнинг ҳеч қайсиси гўл эмас, эна!

Момо ҳаммасини эшитадими ёки у ҳеч нима эшитмай қолганми, билмайман! У қулоқлари шу маҳалгача нималарни эшитгану, бундан кейин нималарни идрок этишини ҳам билмайман! Лекин бир нарса аниқки, ожиз заминнинг, гўл заминнинг титраб айтган ушбу сўзлари унинг қулоғида ҳаммиша жаранглаган! Чунки доим оналар билан заминнинг тили, дили, дарди бир бўлган! Йўқса она замин момога қўшилиб бўзлармиди?!

– Элбек, қаердасан, болам!

Эп...бек!

Қачонлари толмас кўш эди...

(Бошланиши 33-бетда)

У орқали мутасаддиларга дардини айтди. Кўп ўтмай, ҳаммаси рисоладагидек бўлди. Нуриддин синфдоши жазо муддатини ўтаётган жойда концерт берди. Ёмғир шивалаб турган бўлишига қарамай, очиқ майдонда ўттизга яқин қўшиқ айтди. Шу тариқа ҳам дўстининг юзини ёруғ қилди, ҳам эзгуликка ташна қалбларни хушнуд этди.

Нуриддин Ҳайдаров ҳар қандай шеър-ғазалнинг асл маъносини теран англаган ҳолда, ҳар бир сўзи ва ҳарфини ўрни-ўрнига қўйиб, сидқидилдан куйларди. Шу боис унинг қўшиқлари ёш танламас, барчани бирдек ларзага солар, ўксик дилларга малҳам бўларди. Қачон шу ҳақда ўйласам, куйидаги воқеалар беихтиёр ёдимга тушаверади.

Ўшанда талаба эдим. Ижара уйда яшардим. Яқшанба куни Собиржон исмли яккабоғлик курсдошим хонамга маъюс кириб келди. Нима гаплигини сўраганим, айтмади. Фақат чўнтагидан битта кассета чиқарди-да, «Буни ҳозиргина кўчадан сотиб олдим, магнитофонга қўйиб, бир эшитайлик», деди оғир хўрсиниб.

Зум ўтмай, хонада мунгли куй янгради. Сўнгра унга хонанданинг ҳазин овози жўр бўлди... Йўқ, бу оддий қўшиқ эмасди, дард эди, нола эди. Унинг илк сатрлариёқ юрагимни зир титратиб, хаёлимни узоқ-узоқларга олиб кетди. Гўё Нуриддин эмас, ўзим куйлардим. Дилгир куз тонгида олис юртларга чоғланган турналар самода сокин қанот қоқар, мен эса кенг дала ўртасида хавотир аралаш қўл силкиб, уларни сафарга кузатардим. Бўрон-довуллар чарх ураётган денгизлар оша, ажал ўқлари дамо-дам визиллаётган жангоҳлар узра беталафот учиб ўтишларини, келгуси баҳор яна юртимизга эсон-омон қайтиб келишларини сўрардим...

Нола авжига чиққанида хонада куй ва қўшиқ сел бўлиб оқди. Кейин бутун борлиққа зилдек жимлик чўкди. Рўпарамда ҳаммиша кулиб юрадиган дўстим тош қотиб ўтирар, кўзларидан шашқатор ёш оқизиб, унсиз йўғларди. Мен ҳаммасини тушундим: «Турналар» унинг қўшиқига афғон урушида шахид кетган аскар жиянини ёдига солган, дардини янгилаганди.

Орадан бир неча йил ўтгач, яна худди шундай ҳолатнинг шоҳиди бўлдим. Фақат бу сафар торгина хилват кулбада ёш йигит эмас, муҳташам сарой саҳнасига сочлари қордек оппоқ кекса аёл йўғлади. Минг-минглаб одамларнинг кўз ўнгига Нуриддиннинг бўйнига осилиб, ўксиб-ўксиб йўғлади. Чунки Нуриддин ҳозиргина «Она умиди» номли янги қўшиқини маромига етказиб ижро этганди. Унинг хонишлари бедарак йўқолган жигарбандининг йўлларига ҳали-ҳамон кўз тутаятган онаизорнинг юрак-бағрини ўртаб юборганди...

Албатта, Нуриддиннинг шўх қўшиқлари ҳам кўп эди. Бундан ташқари, у миллий ва эстрада йўналишида ижод қилиб, Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, севгига вафо ва ўзаро меҳр-оқибат мавзусида ҳам талай қўшиқлар яратганди. «Орқангдан йўғлаб қолдим» (Ойбек), «Ёшлигим» (Э.Воҳидов), «Санъат», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» (А.Орипов), «Аҳмад Зоир қўшиғи» (Т.Тўла), «Яралмиш», «Айрма», «Кўрдим», «Магар тинчлик бўлмаса», «Садаға», «Кичик карвонман» (Т.Сулаймон), «Насибам», «Дил тўрига ёзиб қўй», «Юрагимни ола кел» (Н.Нарзуллаев), «Ишонма» (М.Жалил), «Кечиргил» (П.Мўмин), «Кўрмасам», «Онам», «Табассум айлабон келинг», «Тополмаслар», «Уялармиш» (Ш.Ҳакимий), «Меҳр қолур, муҳаббат қолур», «Дўлана», «Юр, муҳаббат, кетдик», «Кокилинг» (М.Юсуф), «Айлантирур» (Ў.Жамол), «Давлатинг борида» (Ш.Садоий) шулар жумласидан эди.

Нуриддин маҳорати ошгани сайин қамровни кенгроқ олиб, мумтоз шеърятимизга ҳам мурожаат эта бошлади. Чунончи, Бобурнинг «Эй, моҳитобон», Фурқатнинг «Қачонгача?», Огаҳийнинг «Сенга», Хислатнинг «Ўзинг» ғазалларини куйга солиб, эл эътиборига ҳавола қилди.

Ҳа, ўзи куйлаганидек, у катта йўлга чиққан карвон, баланд парвозга шайланган қанотлари толмас кўш эди. Бўш вақти деярли бўлмасди. Тўй-томошаларда, катта-катта концертларда, Мустақиллик ва Наврўз сингари улғу айёмларда ҳам қатнашишга улгурарди. Касбини нечоғли улғуласа, оиласини ҳам шунчалик муқаддас биларди. Рафиқаси Манзураҳонни, олти нафар фарзанди ва уч набирасини еру кўкка ишонмасди. Ҳаммасининг келажагидан умиди катта эди. «Кенжатоим Жасурбек таэқвандо бўйича жаҳон чемпиони бўлганини кўрсам, элга манзур янги қўшиқлар яратсам, 75 йил яшасам» деган гапни бот-бот такрорларди. Аммо...

Истиклолимизнинг 13 йиллигига бағишланган байрам концертини у «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» қўшиғи билан очиб бериши белгиланганди. Афсуски, тантанадан бир кун олдин тўсатдан юрак хуружи тутиб, ётиб қолди. Анжуманда унинг ўрнига шогирди Бекмурод Жўраев қатнашди. Сал кейинроқ Нуриддин Сурхондарёдаги ўзи қатнашиши лозим бўлган тўйга ҳам шу шогирдини жўнатди. Уни кузатаётиб, «Қайтишингда менга Омонхона сувидан олиб кел!» деб тайинлади. Аммо... эртаси куни оламдан ўтди.

Начора, Нуриддин эзгу ниятлари рўёбини кўролмади, лоақал сўнги нафаси олтидан юртимизнинг шифобахш сувини тўйиб-тўйиб ичолмади. Бири кам армонли дунё, деганлари шудир. Бир таскин шулки, у беҳуда яшамади. Ўзидан зуваласи яхшилик, эзгулик ва меҳр-муҳаббат уруғи ила йўғрилган бебаҳо хазина қолдириб кетди.

Зеро, унинг дилрабо қўшиқлари ҳамон хонадонларимизда ва турли давраларда янграмоқда, хотираси эса халқимиз қалбида яшайди. Энг муҳими, унинг халққа хизмат қилишдек савобли ишини ўғли – ўзига хос истъдод соҳиби Ҳожиакбар, садоқатли шогирдлари сидқидилдан давом эттирмоқда...

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист



Осмонўлар қоялар

Ҳисор – мамлакатимиздаги энг баланд тоғ. Табиати ниҳоятда мафтункор. Ёзда ҳам чўққисидаги қор эрмайди. Жанубий вилоятларни сув билан таъминлайдиган дарё ва сойлар айнан шу музликлардан бошланади. Албатта, сув мўл жойда ўсимлик яхши ривожланиб, ҳайвонот олами бойиб боради. «Ҳисор» давлат қўриқхонаси ҳам ана шу биологик хилма-хилликни аслидай асраш ва келажак авлодларга бус-бутун етказиш учун ташкил этилган.

Қашқадарё вилоятидаги мазкур қўриқхонанинг умумий майдони 81 минг гектар, ҳудуднинг қарийб 25 минг гектари ўрмон. Ҳайвонот олами хилма-хил ва ноёб: қор қоплони, Туркистон силовсини, қўнғир айиқ, қундуз, жайра, қизил суғур, Сибирь тоғ эчкиси, бургут, болтаютар, итолғи, қумой каби камёб жониворлар сақланиб қолган. Кейинги йилларда муҳофаза тизими кучайтирилиши натижасида жониворлар сони бирмунча кўпайиб, табиат бойлигига айланди.

Қўриқхона ҳудудининг учдан бир қисми баланд тоғлар, қоялар, жарлик ва музликдан иборат. Бу ерда такрорланмас табиат манзаралари – гўзал шаршалар, ғорлар, қалин арчазор, табиий қўллар, серсув ва шифобахш булоқлар бор.

Қўриқхона бир неча бўлимдан иборат. Энг олис жойлашгани – «Ғилон»нинг умумий майдони 18 минг 960 гектар. Бу ҳудуднинг юқори қисмида Ўзбекистон «Қизил китоби» ва халқаро «Қизил китоб»га киритилган қизил суғур ва қор қоплони яшайди. «Экспедиция» кўрсатуви ижодий гуруҳи ана шу камёб ва ноёб жониворларни, тоғнинг гўзал ландшафтини тасвирга олиш учун қўриқхонанинг «Ғилон» бўлимига йўл олди. Шаҳрисабз тумани Ғилон қишлоғидан ўтгандан кейин баланд-паст, ўйдим-чуқур йўл машинанинг юришини жуда қийинлаштирди. Аста-секинлик билан манзилга етиб бордик. Сўлим табиат барчамизни маҳлиё

қилди: томоша қилиб тўймайсан, киши. Атроф баланд тоғ билан ўралган. Пурвиқор чўққиларнинг офтоб кам тушадиган жойи, ёз чилласи бўлишига қарамасдан, оппоқ қор билан қопланган. Соининг шовуллаши олис-олисдан ҳам эшитилади. Тоғ ён-бағри турли ўсимликлар, арчалар билан қопланган.

Ноёб жониворлар қўриқхонанинг «Ғилон» бўлими биносидан 12-15 километр юқорида экан. Икки киши отда, қолганлар пёдада юриб, манзил томон ошиқдик. Қўриқхона директори Зиёд Очилов соининг юқори қисмига, терскай бет қор билан қопланган ҳудудга етганимизда, «Шу ерларда қизил суғурлар яшайди, анави баланд чўққида қор қоплони, тоғ эчкисини учратиш мумкин» дея, атрофни синчковлик билан кузата бошлади. «Ана, қизил суғур» деб, қияликдаги кичикроқ жониворни кўрсатди. Жонивор чий-чийлаганча уясига кириб кетди. Бу суғурларнинг «сигнал»и экан. Худудда одам пайдо бўлганини билдирувчи хабардан кейин бошқа суғурлар ҳам чор-атрофга чопишиб, уяларига беркиниб олишди... Атроф сув қуйгандай жим-жит. Фақат сой сувининг тошдан-тошга урилиб шовуллаши сукунатни бузади. Арчалар орасидаги зах, салқин ерга тасвирга олиш ускунасини ўрнатиб, роса уч соат кутдик. Охир-оқибат катта харсанг ёнидаги уядан қизил суғурнинг боши кўринди. Бодомчалар орасидан мўралаб, атрофни анча кузатди. Бизни сезмади чоғи, тош устига чиқиб, тик турганча тева-ракка боқди. Шундан кейин ўзини офтобга солиб ётди. У ёқ-бу ёқдаги уялардан 3-4 суғур чиқиб, озиклана бошлади. Биз ҳам бўш келмай, барини тасвирга ола бошладик.

Суғурлар илгари кўп эди. Бир пайтлар қимматбаҳо мўйнаси, ёғи учун аёвсиз овлаш, чорвачилиқда ўтлоқдан ҳаддан зиёд фойдаланиш, чўпон итлари, бўри, тулки, қор қоплони, бургутлар томонидан таъқиб қилиниши натижасида бу жониворларнинг сони ҳозир кескин камайиб кетган. Қор

Ўқ чойшабдаги қиз

(Бошланиши 28-29-бетларда)

Хаётда учраши қийин, чўпчакларда, афсоналарда, рўёларда, хаёлларда, орзуларда яшайди бундай париухсоралар, малаклар! Клеопатра шахло кўзларини узмай, тап тортмай Цезарга тик боқар, шаддодлиги яққол кўриниб турарди. Шунинг ўзиёқ диктаторни лол этиб қўйди! Ҳа, бир бало эди бу Миср маликаси!

Иккиси ҳам бир-бирига тикилганча, лом-мим дейишмасди. Суз йўқ, тиллар ҳам айланмайди, дарвоқе, сўзнинг кераги йўқ ўзи, ҳамма нарса қарашлардан аён эди. Клеопатра Цезарга назар ташлади. Диктаторнинг бошида дафна чамбари

бор, эгнига энглари чиройли шокилани сенатор туникаси ташланган, бели боғлаб олинганди.

Хонадаги кишилар ўзларини ортиқча сезишиб, аста-аста бирпасда сирғалиб, ташқарига чиқиб кетдилар... Юқоридан қараган одам шундай манзарани кўрарди: турган жойида туриб қолган эллик икки ёшлик Цезарь... қадди коматини атай кўз-кўз қилаётгандай туюлган йигирма бир ёшли оққа чулганган нав ниҳол жонон, соҳибжамол... сукунат... аллақандай сеҳр олдида ўзларини ожиз сезган машҳур диктатор ва ёш гўзал малика...

Ҳайрат пардасига ўралган Цезарь қандай сўз бошлашни билмай турганди, Клеопатра

бирдан ўзини Цезарь оёғига ташлади:

– Император жаноблари! Падари бузурукворим!

– Птолемей XII жаноби олийлари васиятига кўра, мен Миср маликаси – подшосиман! Ҳаққоний подшосиман! – кўз ёшларини яширмади малика. – Аллақандай фитначилар касрига қолиб, Сурияда сарсону саргардонликда қувгинларда юрибман. Сиздан адолат талаб қиламан. Адолатни ўз ўрнига қўйиб беринг, диктатор жаноби олийлари!

Цезарь Клеопатранинг лотин тилида қусурсиз, аниқ, равон гапираётганини кўриб, ёқасини тутди! (Ҳали у Клеопатранинг саккиз тилни мукамал билишидан беҳабар эди!) О, бу қандай сеҳрли сўзлар, чертиб-чертиб айтилган иборалар! Қизнинг талаффузи аъло даражада, овози ширали эди, унли-ундош товушлар чиройли, тиниқ жарангларди, эшитганнинг эшитгиси келарди. Лотин тилида урғу ҳар қачон сўзнинг охириги бўғинига эмас, ундан олдингисига тушади. Малика буни ҳаммиша ёдда тутар, сўзлаганда бунга қаттиқ риоя қиларди. «Римликларнинг кўпи ҳали лотин тилида яхши гапиришни билмайди, – ўйлади Цезарь, – малика эса соф лотин ада-

қоплонини тасвирга олиш учун музли чўққига чиқдик. Ён-атрофни кузатдик. Билсак, бу жонивор, асосан, кечаси овга чиқаркан. Йўл бошловчимиз Зиёд Очиловнинг айтишича, қор қоплони жуда сезгир, кўзи ўткир бўлиб, бизни тепалиқдан кўриб, ўзини панага олган бўлиши ҳам мумкин. Ҳориб-чарчаб қайтиб келаётган чоғимизда кўзимиз қорлик пастиди қизил жунли тоғ эчкиларига тушди.

Ёзининг иссиқ куни бўлишига қарамай, тоғ терскай бети, чўққилардаги эриммаган қор остидан сув отилиб чиқиб, жилғадаги тошга урилиб, парчаланиб, кўпириб оқяпти. Сой суви анча кўпайибди. Айрим жойларда сой суви оппоқ қор уюми остига кириб, кўздан ғойиб бўлиши, 200-300 метрдан кейин яна қор уюми тагидан отилиб чиқиши жуда чиройли манзара ҳосил қилади. Бундай ҳолатни кўп кузатдик. Саратон жазирамасидаги бундай гўзал манзарани ҳеч қаерда кўрмагандик.

Бу ерда икки хил манзара зоҳир: тоғнинг юқори қисмида қиш, пастиди эса баҳор. Айниқса, тоғ ён-бағридаги ям-яшил табиат одамни сеҳрлаб қўяди. Турфа гуллар барқ уриб, хуш бўй таратади. Ҳаво шунчалик тозаки, нафас олиб тўймайсан, киши. Сой суви ўта тиниқ, заррадай қум ҳам бемалол кўринади, ҳатто, санайдиган даражада. Арчалар қалин ва баланд. Ораласангиз, адашиб, қайтар манзилни топа олмай қоласиз.

Кўриқхонанинг «Мироқи» бўлимида ҳам бўлдик. Мироқи табиати ҳам беҳад гўзал, бетакрор. Сойида балиқнинг икки тури – маринка ва Амударё гул балиғи яшайди. Амударё гул балиғи, яъни форель Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган. Бу ноёб балиқ Сурхондарёдаги Тўпаланг дарёдан келтирилган. Мироқи сойида ҳам энди анча кўпайибди. Ҳатто, ариқда ҳам сузиб юрибди. Сафаримиз чоғида ўсимлик дунёси ва ҳайвонот оламининг кўплаб ноёб турларини тасвирга олишга муваффақ бўлдик.

Масалан, Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган кўнғир айқни тасвирга олиш осон кечмади. Бунинг учун кечалари тоғда, очиқ табиат кўнида тошни болиш қилиб ётишга тўғри келди. Жониворни қуёш ботаётган пайт ҳамда тонг саҳар чоғи арчазор орасидан қидирдик. Охири топдик. Мироқи тоғи юқорисида бамайлихотир юрган экан. Бизни кўрмади чоғи, аста-секин тоғдан ошиб кетди.

Бироз пастликка тушган эдик, юмронқозиққа ўхшаш кичик жониворга кўзимиз тушди. Бу жонзотни «митти юмронқозиқ», деб атадик. Танаси кичиклигини айтмаганда, ўзгинаси. Ранги ҳам бир хил. Бундай жониворни юмронқозиқнинг бошқа бирон жойида учратмагандик. Чамаси, уч соат митти юмронқозиқнинг яшаш тарзини кузатдик. Фақат ўсимлик билан озикланаркан. Соз тупроқли ерда уя қуриб, кўпаяр, демак, ҳудуд талашар экан.

Ҳисор тоғининг ўсимлик олами ҳам ранг-баранг. Бу ҳудудда арчанинг икки тури – Туркистон ва Зарафшон арчаси кенг тарқалган бўлиб, денгиз сатҳидан 2-3 ярим минг метргача баландликда тоғ бағирлаб ўсади.

Арчазор тоғ ён-бағри ювилиб кетишидан, қор кўчишидан асрайди. Сувни ёзгача сақлаб туриш хусусиятига эга. Қолаверса, бошқа турдаги япалоқ баргли дарахтларга нисбатан икки баробар кўп кислород чиқариб, карбонат-ангидрид газини ютади. Ўздан инсон соғлиғи учун жуда фойдали бўлган фитонцид чиқариб, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлайди.

Мироқида қадимий арчалар кўп. Кўриқхона ноизири энг кекса арчанинг ёши 700-800 йилга тенг бўлса керак, деди. Айнан ўша арча ёнига бордик:

ҳали бақувват, яшнаб турибди. Танасига 4 кишининг қучоғи, аранг етади. Асрлар давомида бу танада катта ковак ҳосил бўлган. Арчанинг баландлиги салкам 14 метр. Ён томонга ўсган шохи айни туш пайти 30-35 метрга соя ташлайди. Бобо арча Мироқи тоғига кўрк бағишлаб турибди.

«Ҳисор» давлат кўриқхонасининг «Мироқи» бўлимидаги энг гўзал ва мафтункор табиий ёдгорликлардан яна бири – «Сувтушар». Бу шаршара сув тошнинг юмшоқ, эрувчан қатламини эритиши ва ювиши натижасида ҳосил бўлган ноёб ҳодисадир.

Сувтушар – юртимиздаги энг йирик ва серсув шаршара. Ҳисор тоғининг Осмонтолаш чўққисидан тушаётган, денгиз сатҳидан 2 минг 100 метр юқорида ҳосил бўлган бу шаршаранинг баландлиги 84 метр. Бу жойда сувнинг гувиллаган овози узоқ-узоқдан эшитилади. Пастга отилаётган маржондек



зарралар қуёш нурида камалак ҳосил қилади. Манзарага боқиб, тўймайсан, табиатнинг беқиёс гўзаллигидан лол қоласан, киши.

Сувтушарсойнинг бошланиш қисмидаги мазкур шаршара суви шиддатли оқим туфайли парчаланиб, кўпириб, оппоқ сут кўринишига келади. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли бу шаршарани «Суттушар шаршараси» деб атаган.

Шаршаранинг овози асабни тинчлантурса, тушаётган сув салқини танани яйратади. Сув осмонўпар қоядан шиддат билан, тўполон қилиб пастга отилади. Бундай ажиб манзарани кўриб, кайфиятимиз кўтарилдики, гўё, ўзимизни еттинчи осмонда учиб юргандек ҳис қилдик. Сувтушарнинг баландликдан отилиб, ёйилиб, оппоқ бўлиб тушиши, дара бўйлаб туман ҳосил қилиши, даҳшатли наъра тортиши ҳар қандай кишини ҳайратлантиради. Дунё мўъжизаларидан бири – атрофи ўрмон билан қопланган Сувтушар шаршарасини бир кўрган одам яна кўргиси келаверади.

Абдулла МАМАСОДИҚОВ

бий тилида сўзламоқда...»

Рим диктатори маликанинг гапда тўхтамаслигини, яна ва яна сўзлашини истарди.

Клеопатра Цезарни илк марта кўриб турса ҳам, қизиқувчанлигидан у ҳақда анча-мунча нарсаларни билиб олганди. Болалигидан ўзига ишончи катта бўлган Цезарга табиат фавқулодда эзгу фазилатлар ато этган экан: буй-бас-ти келишган, хиёл чўзинчоқ юзли, очиқ чеҳра, қирғий бурун, айниқса, одам зотида учрамайдиган ёниб турган яшил-кулранг кўзлари ўзига ярашган, кўринишидан оқ юзли, ўзи озгинроқ, аммо чайир, томирлариди қайноқ қон оқарди. Ялтирбош эканидан ўзини кўнгли чўккандай ҳис қилар, тепакаллигини яшириш учун энсасидаги беш-олти тола сочини орқадан олдинга тарар, доим бошига дафна чамбари кийиб олар, ҳарқандай об-ҳавода ҳам ялангбош юрарди.

Цезарнинг жанг майдонидаги мардлиги, суворий жангчилар орасида баланд обрў-эътибори ҳамма фазилатларидан ошиб тушарди. Бир неча йил аввал, кунлардан бир кун бош вазири Протарх гап орасида Клеопатрага шундай

ҳикоя қилганди:

– Мен навқирон вақтимда испан урушида Цезарь кўшинида жангларда, кўплаб сўқишларда қатнашганман. Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганман. Цезарь жангда энг хавфли палларда ҳаммадан олдин ўзи майдонга отилиб кирарди, душманга рўбарў чиқар, жангчиларга намуна бўларди. Биз, жангчилар Цезарь учун жонимизни берардик. Нуқул «Цезарь!», «Цезарь!..», деб қичқирардик. У мард лашкарбоши. Агар бетоб бўлса ҳам билдирмас, ўзини четга олмас, мен диктаторман, мен носоғман-ку, но-зиктабиатман, шароит керак, деб ўтирмасди, жангнинг давом этдирарди. Адирлардан ошиш, дарёлардан кечиб, денгизларда сузиш унга писанд эмасди, асло ҳориб-толдим, демасди. Аскарлари қатори оби ёвғондан иборат машатта қаноат қиларди. У жангчилари билан бирга тўғри келган жойда, очиқ аробада, замбилда ухлар, кундузи жойларни айланар, ёнида кўрганларини ёзиб борувчи бир қул, ортида эса қилич тутган жангчи борарди. Урушда қўлга киритилган пул-у зар, бойлик, ўлжани жангчиларга баб-баравар тақсим этарди, ўзига ҳеч ортиқча олмасди...

Клеопатра не-не қақшатқич жангларни кўрганда титрамаган, бош эгмаган, не-не гўзалларга бўй бермаган ана шу Цезарь қалбини бир қарашда ўзига мойил қилди-қўйди! Ишқ ҳаданги лашкарбоши юрагини тиғи паррон тешиб ўтди! Рим диктатори ўзини йўқотиб қўяёзди. Чиндан-да, маликанинг овози ниҳоятда фусункор, маст қилар даражада ҳалим, ажабтовур най навосидай, соҳир куйдай дилга малҳам, ҳатто йиғиси ҳам кўнгилга ёқар даражада ёқимли экан!..

Унинг жасорати-чи? Зукколиги-чи?.. Оқ чойшабга ўраниб, «Ол! Мени ол!..» деб Цезарга ўзини бахшида айлаб келибди малика! Ўйлаб тоғанини, топқирлигини қаран! Шунчалар офати жонни бағирга босмоқ онлари фавқулодда яқинлигини туйган Цезарнинг бутун вужуди ҳаяжондан жимирлаб кетди! У оёғи пойида йиғлаётган муаттар бўйга кўмилган соҳибжамолни оҳиста қўлларидан тутиб турғизди ва юпатмоқчи бўлгандай қучоғига олди... Клеопатра шамолда қолган гул баргидай титрар, бу титроқ одам боласи идрокига бўйсунмас йўллар билан Цезарь вужудига ўтарди. Малика аста Цезарь кўкрагига бош қўйди...



Симон КАРМИГГЕЛТ
(Нидерландия)

Қадрдан

Ҳикоялар

АЁЛ КИШИНИНГ ОВОЗИ

Ишқим тушиб қолган икки сувратни суқланиб-суқланиб томоша қилиш илинжида яна Гаагадаги музейга бордим. Сувратлар ўша-ўша, жойи ҳам, ўзи ҳам ўзгармаган. Кўнглим жойига тушиб, боя кираётганимда — бир соатгина бурун кийимхона мулозими — ғоят сертакаллуф йигитга топшириб кетган портфелим, ёмғирпўшим ва шамсиямни олиш учун эшик томон юрдим.

Йигит жойида кўринмади.

Пештахта ортида аллақачон камида олтимиш бешни уриб қўйган, отам замонида харид қилинган торроқ камзул кийган одамга дуч келдим. У олдидаги мўъжазгина радионинг мурватини беўхшов бармоқлари билан бураб, не бир хириллаган товушларни эшитмоққа уринарди.

Пештахтага рақамномани қўйганимни кўриб, бошини кўтарди ва сўради:

— Нимани излаётганимни биласизми, менеер?

Гаага аҳли «жаноб» демайди, «менеерлайди». Амстердамда кўп гаплар аллақачон урфдан қолган.

— Ҳойноҳой, янгиликларни бўлса керак? — ҳазиллашдим.

— Йўқ, — деди у. — Мен аёл кишининг овозини топмоқчиман.

Радио сокин хирилларди. Мулозим рақамномамни олиб, кийим илгич томон юрди.

— Сизга қанақаси кўпроқ ёқади? — деб сўрадим.

— Асл аёл кишининг ширин овози бўлиши керак, — деди мулозим.

— Қўшиқ айтаётган аёлнинг асл овози.

У изига қайтиб, нарсаларимни пештахта устига қўйди ва изоҳ берди:

— Аёл кишининг овози мен учун етти иқлим мулкидан ҳам азизроқ.

Радио ёнига ўтириб, гапини давом эттирди:

— Уруш пайтида... эҳ-хе... Қанча сувлар оқиб кетди. Мен билан тенгдошга ўхшайсиз. Бошингиздан ўтган бўлса керак, менеер. Уруш йиллари Фрисландияда яшириниб юрганман. Қишлоқларда, янаям тўғрироғи, тупканинг тубида. Ўшанда ёлғизлик дарди суяк-суягимдан ўтган. Радио, деганлари бутунлай душманнинг ихтиёрида эди. Бунинг ҳаммамиз билардик. Фашистлар баъзан куй-қўшиқ қўйиб туришарди. Унда-бунда аёл кишининг ашула айтгани ҳам, ширали овозда демоқчиман, эшитилиб қоларди. Бундай пайтлари менга бошпана берган деҳқоннинг уйидаги радиолар олдида тошдай қотардим. Ўша овоздан вужудимга янги куч, янги ғайрат ингандай бўларди.

Қария менга қараб жилмайди. Унинг юзлари болта билан тарошлангандай дағал, бироқ кўзларидаги кишини ийдирадиган дўлворлик

майин ва ширали овози каби дарҳол кўнглимга хуш ёқарди. Пештахтадан портфелим билан ёмғирпўшимни олгач, у кийим илгичда шамсиямни унутиб қолдирганини англадим. Бинобарин, қандайдир шамсияни деб шундай нафис суҳбатни бўлиб қўйишининг мавриди эмасди. Портфель билан ёмғирпўшимни яна пештахтага қўйдим ва дедим:

— Ҳа-а, нимасини айтасиз...

Гапимдан маъно-матра жуда уфуриб турмаган бўлса-да, суҳбатимизга монелик қилмасди.

— Отам раҳматли жуда донишманд одам эди, — шошилмасдан гапирарди гардеробчи. — У бир куни менга шундай деган: «Билиб қўйки, ўғлим, бу дунёда ҳамма нарса аёл зоти учун яратилган». Кейинчалик бу гапнинг маъзани чақишга кўп уриндим, менеер. Ўйласам, отам ҳақ экан...

Мен бош иргадим. Хаёлимдан шу топда асло «шамсиямни олиб беринг», дея олмайман, деган ўй ўтди. Бу сурбетлик бўларди. Кутиб туравердим.

— Фикримиз бир жойдан чиқшини сезмаганимда, бу гапларни дастурхон қилиб ўтирмасдим, — деди у. — Бунинг юз-кўзингиз айтиб турибди. Кўпни кўрган одамман, ахир. Сиздан бошқа бўлса, аллақачон жуфтагини ростлаб қоларди. Тўғрими? Аёл зоти — ажойиб ҳилқат, менеер. Дунёга жар солмаса ҳам, дунё аёллар қўлида. Улар бўлмаганда, музейимизнинг ҳам бўм-бўш иморатдан фарқи қолмасди. Бу ердаги жамики гўзал сувратлар, ҳайкаллар мусаввирларни қачонлардир ошиғ-у беқарор қилган аёлларга атаб яратилган.

— Шак-шубҳа йўқ, — дедим ройишлик билан.

Мен энди шамсиямга эмас, гардеробчининг ўта жиддий қиёфа касб этган юз-кўзига тикилиб турардим.

— Биласизми, мен хотинимни нима учун бошимга кўтараман? — деб хитоб қилди у. — У мени ҳозиргача ер-у кўкка ишонмагани учун. Мен! Мен, бор-йўғи, оддий бир одамман.

У тўхтади.

Мен тилга кирдим:

— Ажойиб суҳбатингизга шерик қилганингиздан ғоят мамнунман. Энди мени маъзур тутинг ва омон бўлинг.

Мен эшик томон юрдим ва бирдан қўлларимни ҳавода силқитган киши бўлиб, ортимга бурилдим:

— Шошганимни қаранг. Шамсиямни эсдан чиқаришимга сал қопти.

Негаки, менеер, мен бор-йўғи оддий бир одамман-да.

ҚАЙИҚ

Мўъжазгина қаҳвахона деразаси олдидан оқиб ўтган анҳорда дид билан бўялган «Сюзи» номли моторли қайиқча сузиб юрарди. Қайиқчани бошига денгизчиларнинг хос фуражқасини кўндирган ўрта ёш, ғўлабир киши мағрур бошқариб борарди. Бежирим соябон остида, устига қавима филоф ёпилган чойнак ёнида, офтоб шувоққа чиққан му-

шук сингари кўҳлик бир аёл, чамаси, Сюзининг ўзи нозланиб чўзилган. Ушбу фусункор манзара кўздан ғойиб бўлгач, дераза олдида ўтир-ган башанг кийимли ёши улугроқ жаноб менга сўз қотди:

— Қалай? Ёқдимми? Мен бир умр шундай қайиғим бўлишини орзу қилганман. Балки, сал каттароғинидир?! Иккита йиғма каравоти-ю

Бўча

Симон Кармиггелт (1913-1987) Нидерландиянинг Гаага шаҳрида савдогар оиласида туғилган ва 1946 йилдан умрининг охиригача, (қирқ йил!) Амстердамдаги «Het Parool» («Минбар») газетасида оддий мухбир бўлиб ишлаган. Кичик ҳикоялар устаси сифатида кенг танилган ёзувчининг гоҳо ҳазил, гоҳо маъюслик уфуриб турадиган ҳикояларида миллий характер кўзгудаги каби бутун бўй-баста билан акс этади. У асарларида оддий одамлар ҳаёти, бир қарашда жўндек туюлган воқеалар орқали меҳр-муҳаббат, эътиқод, оқибат каби «жиддий» мавзуларга мурожаат қилади. Ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўзлигини, инсонийлигини сақлаб қолиши зарур, деган фалсафани уқдиргандек бўлади.

Симон Кармиггелт 1977 йили Нидерландиянинг адабиёт соҳасидаги энг олий мукофоти билан тақдирланган. Адибнинг ҳикоялари ўнлаб тилларга, жумладан, ўзбекчага ҳам таржима қилинган.

мўъжазгина ошхонаси бўлса, бас. Бошинг оққан томонга сузсанг. Биров мушугингни пишт демаса. Инсон боласига яна нима керак, жин урсин?!

У қадаҳини бўшатиб, қаҳвахона хўжайинига имо қилди.

— Бир қўлгина олмайсизми? — деди менга қараб.

— Ҳали эртароқ, — дедим мен.

— Ҳай, майли. Қайиқ олиш учун жуда ёшлигимдан пул йиға бошлаган эдим, — гапида давом этди у, хўжайин қадаҳини тўлдиргандан сўнг. — Газ компаниясида ишлардим. Топган-тутганим олтин тоққа тортмасди-ю, лекин ҳар ҳолда, озми-кўпми, чой-чақани четга ташлаб қўйса бўларди. Ниятимга етишим осон бўлмаган. Қайиқ қиммат бўлгани учун эмас. Маошни қўл учида тўлашарди. Ўша пайтлар бир гульдenni ёстиқ остига ташлаб қўйиш ҳозирги ўнидан машаққатлироқ эди. Шундай бўлсаям, энди қайиқ оламан деб турганимда, режам чиппака чиқди. Бир қиз юрагимдан урса, денг. Уйланиш, рўзгорнинг кам-кўстини тўлдиришга тўғри келди. Шундай қилиб, топган-тутганим қулоғини ушлаб кетди. Аёнки, кўкрагимни захга бериб қолганим йўқ. Негаки, қайиқсиз ҳам бахтиёр эдим.

У яна хўжайин томон ўгирилди:

— Пиводан опкелсангиз-чи, ахир!

Ҳаял ўтмасдан, у мўйловини пиво кўпигига шундай иштаҳа билан ботирдики, беихтиёр хаёлимдан «У ҳозир ҳам жуда бахтиёр!» деган фикр ўтди.

— Ўғилчали бўлдик, — деди суҳбатдошим. — Бундан бошимиз қанчалик осмонга етганини сўраманг. Биз уни жуда истеъдодли бола, деб ўйлаган эдик. Кейин билсак, эл қатори экан. Ўша пайтда эса бунга қаттиқ ишонганмиз. Ҳамма ўз боласини шундай ўйлайди-да. Қайиқ хаёлимдан ҳам кўтарилиб кетди. Орадан анча йиллар ўтгандан сўнг эсладим. Ёдимга тушишига ҳам ўғлим сабабчи бўлди. Ўша йиллари газеталарда Капитан Робнинг саргузаштлари ҳақида кўп ёзишган. Сиз ҳам эшитган чиқарсиз?

— Бўлмасам-чи.

— Сўнг ўша саргузаштномани китоб қилиб чиқаришди. Ҳар оқшом ўғлимга ўқиб берардим. Нодонлик, албатта. Болаларга аталган китоб, лекин чиройли расмларини кўриб, ўзим ҳам шайдо бўлиб қолгандим... Капитан Робни қайиқда тасаввур қилишимни айтинг. Айнан мен бир умр орзу қилгандай моторли қайиқчада. Капитан ёнида ити билан ёлғиз ўзи очик денгизга чиқар, қуёшнинг уфқдан кўтарилиши-ю, ботишини томоша қиларди. Эркин қуш, дегани шу эмасми? Қайиқ яна менинг оромимни ўғирлади. Пул йиға бошладим. Ўзим ҳалиям газ компаниясида, фақат энди каттароқ лавозимда ишлардим. Барибир, маош отнинг калласидек эмасди. Бу вақтга келиб, қайиқ деганимизнинг нархи осмонга кўтарилиб кетди. Шундай бўлса-да, тома-тома қўл бўлур, деганларидек, ишим секин-аста юриша бошлади. Афсуски, бирдан...

У стаканни сипқориб, хўжайинга яна имо қилди. Хўжайин дарҳол шиша кўтариб келди.

— Ростанам ичмайсизми? — сўради қўшним.

— Ҳазили йўқ — жавоб бердим.

— Туйқусдан хотиним касал бўп қолди, — дея ҳикоясини давом эттирди суҳбатдошим. — Жиддий. Биз, албатта, ўзимизни сугурталатган эдик, аммо барибир, сарф-харажат катта бўлди. Аёлим шаҳарда шифохонада ётар, мен ҳар куни ҳолидан хабар олиб турардим. Била-

сиз, бемор кўргани қуруқ қўл билан бориш ноқулай. Аёлим тузалгандан кейин чет элга кетдик. Шундай қилиб, бор пулим билан яна хайрлашдик. Дарвоқе, кетганига ачинганим ҳам йўқ. Қайиқни яна миямдан чиқариб ташладим. Қайиқ дегани газ компаниясида ишлайдиганларнинг ҳамёнига тўғри келмайди. Лотерея сотиб олишдан бирор маъни чиқармакан, деб ҳам уриниб кўрдим. Зора, ол қулим деса-ю, бир этак пул чиқиб қолса... Билъакс, икки марта сотиб олганим аранг лотереяга кетган пулимни қоплади.

У бирпас жим қолиб, сўнг яна давом этди:

— Уч йил бурун хотиним оламдан ўтди. Ўғлим Канадага кўчиб кетди. Бутунлай. Саксон бешинчи йили газ компанияси мени пенсияга чиқарди, қариллик пенсиясига. Гап ўртамизда қолсин-у, омадим келиб, шаҳар марказидан, мана шундай майхоналар қалашиб кетган кўчадан, ижарага арзон-гаровга хона олдим. Ўзингиз биласиз, марказдан турар-жой топиш амри-маҳол. Уйнинг эгаси бамаъни одам, ўзи кексайиб қолган. Шунинг учун раҳми келди, чамаси. Раҳмдил одам нариги дунёга рихлат қилса, ўғли нима дейди, кўраимиз. Ишдан қутулганимдан кейин яна моторли қайиқ хаёлимдан кетмай қолди. Бир уриниб кўрмоқчи бўлдим. Табиийки, энди менга кичкинагина, оқсоқол одамга мўлжалланган қайиқча бўлса, бас эди. Тежаб-тергаб яшашга ўрганганман, чунки умримда ҳашамат, тўкинлик кўрмаганман. Ҳатто, болалигимда ҳам. Отам раҳматли «Муҳтожлик бизни доим ўз чангалида эзгилаб туради», дегич эди. Шундай қилиб, нафсимни тия бошладим: ейиш-ичиш, кийим-кечак дейсизми, ҳаммасидан. Оз эмас, кўп эмас, уч йил тийдим. Янги кийим харид қилишни-ку, хотиним ўлмасидан анча аввал тўхтатгандим. Бу менга заррача таъсир қилмаган. Чекишни ҳам — сигарани яхши кўраман — бас қилдим. Гўшт — икки ҳафтага бир луқма. Кафе-мафеларга йўламай қўйдим. Тарки дунё қилганга ўхшаб қолдим. Иш, қийинчилик билан бўлса-да, жойидан силжий бошлади, бироқ яна...

У аламли жилмайди:

— Бу кўчада қайси эшикни қоқсангиз, кафега дуч келасиз. Ўтган ҳафта кечқурун шаҳарнинг нариги бурчида турадиган синглимникидан қайтаётгандим. Трамвайга чипта пулини тежаш учун яёв бориб келаётгандим. Йўл узоқ эмасми, юришга ҳолим қолмади. Уйга етай, деганимда хилват кўчада, чироқ тагида нафасимни ростлаш учун тўхтадим. Ёнимдан чайқалганча бир одам ўтиб қолди. Дурустгина отиб олгани кўриниб турарди. У менга бир хиёл қараб турди-да, чўнтагини пайпаслади ва қўлимга рейксдалдер — чақа тутқазди: «Ма, ол, бечора чол». Орқасидан қичқирдим, лекин эшитмади. Нега десангиз, қандайдир ашулани хиргойи қилиб кетаётганди. Ўзим ҳам қачонлардир шундай ичиб юрардим. Пулни чўнтагимга солдим. Уйда ойнага — қачонлардир хотиним сепига қўшиб олиб келган тош ойнага қарадим. Ўзимга узоқ тикилиб турдим. Турдим-у, овозимни чиқариб «Бечора чол! — дедим. — Тан ол, тиланчидан фарқинг қолмапти». Йиққан-терганимнинг ҳаммасини олиб, наҳорда шаҳарга тушдим. Иштон-кўйлақдан костюм-шимгача — ҳаммасининг янгисидан сотиб олдим. Рангли телевизор, сигаранинг ҳам энг зўрини олдим. Бир хирмон пиво. «Алвидо, моторли қайиқча», деб бўқирдим. Қайиқчанг бўлганига нима етсин?! Тўғри-ю, аммо газ компаниясида ишлаганларнинг пешонасига бундай бахт битилмаган, чамаси.

(Давоми 40-41-бетларда)

Қардон кўча

(Бошланиши 38-39-бетларда)

СОВУҚ

Элла бизникида ўтган-кетгандан, туриш-турмушдан шунчаки, гап сотиб, ярим тунгача лақиллаб ўтирди.

— Сизларга нақадар маза, — такрорларди у охуникидек маънос кўзларини биздан узмай. Назаримда, «маза» сўзи, аксарият ҳолларда, турмушдан маза-матра кетганда эсга тушади.

Тун яримлаганда Элла бирдан ёқасини ушлади: «Вой, эсим курсин, соат ўн икки бўп қўйибди-ку!»

Бизга беғубор, аммо кўнгилга ғулғула солувчи ўпичлар ҳадя қилганча у хайрлашишга тушди. Очиғи, бундай кезларда мен ўзимни бутунлай йўқотиб қўймайман. Хотиним: «Шивир-шивир бўп қолди. Тинчликми?», деб шубҳа-гумонга боришига имкон қолдирмайман. Қолаверса, рафиқамнинг ўзи кўпинча «Эллани ўзингиз кузатиб кўя қолинг», деб илтифот кўрсатади.

Совуқ тунда эса бундай хайр-хуш, деб тумов орттириш ҳеч гап эмас, чунки Элланинг сози битиши қийин. Фаромушлигини кўриб, ёқангизни ушлайсиз. Аввалига бир неча марта бировларнинг пальтосини кийганини билмай қолади. Сўнг очиқ эшик олдида қандайдир бемаъни воқеа эсига тушади. Ниҳоят, унутиб қолдирган нарсасини олиш учун икки-уч марта изига қайтади ва йўлак кўнғирогини жаранглатиб, уйда елвизак ўйнатади.

Мана, сумкаси, рўмоли, шамсияси — ҳамма нарсасини олди. Мен уйга қайтдим, бироқ зинанинг ярмига етмасимдан ортимдан тўртинчи кўнғироқ жаранглади.

— Худо хайрингизни берсин, — деди у. — Машинанинг қулфи музлаб қопти.

— Нима қилиш керак? — сўрадим мен.

— Сал-пал куф-куф қилиб юборсангиз, балки очилиб кетар. Сизнинг кўкрагингиз кенг, отникидай бақувват.

Бу мақтов мени адойи тамом қилди.

Элла билан ўпишиб хайрлашаётганимизда, менга навозиши хуш ёққанди. Энди эса унинг эркак эмаслигидан афсуслана бошладим. Кўнғимдагини шартта-шартта бетига айтиб ташлардим. От тепкисини от кўтаради.

Афсус, шу топда тилимга икки-уч калима келди, холос:

— Хўп бўлади, азизам...

Қора совуқда чўнқайиб ўтириб, «Фольксваген» аталмиш дарди кўндалангнинг эшигига куф-куфлашдан бўлмағурроқ иш борми?!

— Куфлашнинг фойдаси йўқ, — деди Элла. — Ёндиргични тутиб кўринг-чи.

У чақмоқ тошли ёндиргичини узатар экан, менга меҳри ийиб қаради. Элла бева. Ўзига саккиз йил мобайнида эрталаблари нонушта тайёрлаб берган эридан ажралган эди. Эр бўлмиш ижтимоий таъминот соҳасининг байталдай бир ходимаси билан қочиб кетгач, ходима тез орада жазманининг бор-будини, маошигача ўзиники қилиб олди. Менингча, қилмишингдан топасан, деганлари шу бўлса керак.

— Олов ҳам бефойда, — дедим.

Шоир дўстим Бен ван Эйсселстейн бир куни: «Қорларингни дариг тутма, Тангрим», деб ёзганида, илтижоси бажо бўлган ва олам оққа бурканган экан.

— Шамчироқ йўқми? — сўради Элла.

— Ёнимда йўқ, — тўнғилладим мен бўралаётган қордан қочиб, қалин пиджагимга бурканарканман.

— Мен билан бундай оҳангда гаплашманг, — деди Элла ва унинг юзига қараб, ҳеч қачон бундай оҳангда гапирмасликка аҳд қилдим. Шамчироғимиз чордоқда эди. Тўрт қават тепага, тўрт қават пастга. Элла гап қайтариш шамолга қараб туфлаш билан баробар.

— Шамни кафтингиз билан тўсинг, йўқса ўчиб қолади, — маслаҳат берди у. Бу хотин маслаҳатни қойиллатади. Кафтим жижғанақ бўла бошлади, бироқ бахтимга, олов билан ўйнашиш ўн дақиқадан ошмади.

— Бўлди, — деди у қатъий. — Биласизми, энди нима қиламиз? Энди болғани олинг-у, ойнасини синдириг.

— Машинанинг расвоси чиқади-ку! — ҳайқирдим мен. — Яхшиси, бизникида тунаб қол.

— Йўқ, уйимга кетаман. Ўз уйинг — ўлан тушагинг. Бировнинг тўшагига тоби-тоқатим йўқ. — Унинг овози қайсарлигидан қайтмайдиган одамни эслатарди. — Вой, худди қорбобога ўхшаб қолдингиз.

Начора. Қорбобо чордоқдан асбоб-ускуна тўла яшиқни кўтариб тушди.

— Четроқ тур, шиша-пишаси кириб кетмасин, тағин.

У бир-икки қадам нари турди. Гур! Дарвоқе, бундай ойнани синдиришнинг ўзи бўлмайди, отнинг кучи керак.

— Вассалом, — дедим мен, — таппа-тайёр.

Сўнг у адашган қушчадек уйимизнинг эшигига оҳиста ёпишди ва чирқиллади:

— Менга қаранг...

— Яна нима гап?

— Бу менинг машинам эмас. Энди билдим. Менинг машинам нариги томонда турибди. На-ариги-и...

У қўли билан ишора қилди ва кўзи кўзимга тушгач, ожизона шивирлади:

— Жин ургурлар, бир-бирига шунчалик ўхшайдики...

ИШҚИЙ САРГУЗАШТ

Кинодан хаёли паришон чиққан қиз тўхташ жойига ўтиб, велосипедини олди. Жунашдан олдин чироғини ёқиб кўрди. Ёнмади.

— Аҳвол чатоқми? — деган овоз эшитилди.

Ёнида ўттиз ёшлардаги пўлароқ йигит турарди. У қорнини ичига тортишга ҳаракат қилаётган бўлса-да, кўзойнаги ортидаги нигоҳида қандайдир раҳмдиллик, ҳатто, илтижо бордай эди.

— Шунақага ўхшайди, — деди қиз. — Ёнгиси келмаяпти, курғурнинг.

— Балки, мен уриниб кўрарман...

Кўча чироғи ёруғида у ишга киришганини кўриб, қиз ўйладики, йигит унчалик ҳам чиройли эмас. Новвойнинг гумаштаси эмас, пайвандчига ҳам ўхшамайди. Бирор идорада хизматчи бўлса керак, деган фикр хаёлидан ўтди қизнинг. Тахмини тўғри чиқди. Йигит, жаноб Я. де Фрис, икки йилдан буён ҳисобхонада ойига 348 гульден 67 цент маош олиб ишлаётган хизматчи эди. Камтарин маоши ловия шўрвадан бошқа овқат тортилмайдиган пансионатда яшаш, мудом тишини-тишига қўйиб тежашининг ортидан чой-чақа орттириш имконини берарди. Бу оқшом, соат тўққиздан ўн беш дақиқа ўтганда, у қўлидаги китобни

шартта ёпиб, ақчадонини бузди... Ўн икки ярим гульденни олиб, тагида қанча қолганига қараб ҳам ўтирмади. Қуриб кетмайдими! Тўрт девор орасида ўтириш, китоб ўқиш жонга тегди, ижара ҳақи ҳисобидан ҳар оқшом печенье билан чой ичиш ҳам жонга тегди, бурчақдаги каравоти бошидаги кун-бакун ақл бовар қилмайдиган нарсаларни жаврайдиган репродуктор ҳам жонга тегди. Бас, етар! Бўғзига келди.

«Шаҳарга тушаман», пичирлади у ва ўзининг ойнадаги аксига музаффар жангчидай суқланиб қаради. Шундай қилиб, йигит ўзини кўчада кўрди.

— Амалласа бўладими? — сўради қиз.



У айни дақиқаларгача жаноб де Фрис қорамағиздан келган найнов бир жувоннинг изидан то эри ва тўрт боласи билан бирга яшайдиган уйигача мушукдай эргашиб борганини, сўнг қаҳвахонада куёви ҳожатга чиққан бошқа бир қизга ҳам кўзларини раҳм-шафқат ва илтижоли тикканини билмас эди. Кинодан чиққач, унинг изидан тушди. «Юз-кўзлари ёмон эмас», деб қўйди йигит ичида. Йигит билан ҳисобхонада бирга ўтирадиган Фалдрес одатда шундай дейди. У ҳар душанба эрталаб ишқий саргузаштлари ҳақида хонадошига ҳисобот берар экан, ўзи шакарғуфторлик қилган аёлларнинг таърифини шундай келтиради.

– Буни қаранг, ёнди, – деган сас берди жаноб де Фрис.

– Илоё, баракат топинг!

– Бир пиёла чойга тобингиз қалай? – ўсмоқчилади йигит. («Чой», дегин, «ликёр-пикёр», «арақ-парақ» сўзларини оғзинга ола кўрма. «Қушча»ни ҳуркитиб юборишинг мумкин», деб ўргатганди Фалдрес.)

Қаҳвахонанинг ёруғ залига кириб, стол атрофига ўтирганларидан кейин қиздан унинг кўнгли тўлмади. Бурни ғалатиноқдай туюлди. Шундай бўлса-да, қиз ёшгина, бошидаги шляпаси ҳам ўзига ярашиб турарди.

– Шляпамни ечиб қўя қолай, – деди қиз.

У шляпасини вақтида Катерина Валентига тақлидан сотиб олганди. Фабрикадаги аксарият қизлар шундай қилган. Эрталабдан кечгача қутиларга шоколад тахлайдиган цехдаги барча ишчилар кинога мукасидан кетган. Дугоналари бирор таниқли актёрга ёки бойвачча америкаликка эрга тегишни орзу қилади. Бир гал авиакомпания учун конфет тайёрланаётганида, у қутичага қисқагина – бир жумла ва ўзининг исмидан иборат – мактуб солиб юборган: «Чиройликкина қиз билан танишишни истамайсизми?» Афсуски, жавобдан дарак бўлмаган.

– Фаришта учиб ўтди, – деди қиз.

– Фаришта? – ҳайрон бўлди йигит.

– Одамлар жим ўтириб қолишганида шундай дейишади.

– Э-ҳа, гап бу ёқда денг! – Жаноб де Фрис мулоқим жимлайди. Инсоннинг олдида икки хил имконият бўлади – сукут сақлаш ёки алдаш.

Сукут сақлаш экансан, ростгўйлигиндан умид қилиш мумкин.

Бу гапни у қачонлардир, қаердадир ўқиган эди.

– Майли энди, – деди қиз. – Уйга борай. Эрталаб барвақт туришим керак.

Кўчада улар велосипедни узоқ ва беҳуда изладилар. Ён-атрофда бош суқмаган жойлари қолмагач, умидлари узилди – велосипед гумдон қилинган эди.

– Шунақаси ҳам бўларкан-да, а, – тўнғиллади жаноб де Фрис.

Қизга қаради ва унинг ёноқларида шашқатор кўз ёшларини кўрди.

– Велосипедсиз энди куним қандай ўтади? – йиғларди қиз. – Ишга қандай бориб келаман!

Масалани узоқ, жиддий муҳокама қилдилар. Полицияга мурожаат қилган дурустмикан? Балки велосипедни топиб, унга қайтариб беришар?! Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз?! Қани энди, шундай пайтда жиноят қидирув бўлимида танишинг бўлса... Оббо, савил-ей, чатоқ бўлди-да... Жаноб де Фрис ҳамдардлик билан бош ирғар экан, бўлмағур гаплар гапираётганини ўзи сезиб турарди. Қизга ким ҳам велосипедини қайтариб берарди? Умидини узаверса ҳам бўлади. Ҳам-масига ўзи, бир пиёла чой ичишга рози бўлгани сабабчи.

Қизни трамвай бекатигача кузатиб келди ва тўсатдан деди:

– Минилгани бўлсам, бошқасини сотиб олинг. Мен ҳам ҳисса қўшаман.

У қизга ўнталик пул узатди. Аввалига қиз рад қилиб тураверди, бироқ трамвайнинг қораси кўриниши билан, барибир, таслим бўлди.

– Бу яхшилигингизни бир умр унутмайман! – ҳайқирди у трамвай зинасига оёқ қўяркан.

Трамвай жилди ва шунда йигит қизнинг, ҳатто, исмини ҳам сўрамаганини англади. Эркаклар-у аёллар бор дунёни унутганча гап сотиб, қаҳ-қаҳ уриб ўтирган қаҳвахона ёнидан уйи томонга судралганча ўтиб бораркан, тобора пешонаси тиришарди. Уйга келгач, дарҳол ечиниб, чироқни ўчирди ва кўзларини юмди. Эртага барвақт туриш керак.

БОШПАНА

Ҳафтанинг Худо берган куни чол бу гўшага келади. Уни танимаган одам йўқ. Аёли билан бир умр шу кўчадаги пастқамгина уйда умргузаронлик қилган. Гўё, шу икки нуруний қария бутун кўча, маҳаллага нур улашиб тургандай, йиллар югуриклаб ўтгани сари бу файзга барака қўшилиб бораётгандай туюларди.

Уларнинг фарзандлари шу кўчада ўйнаб-кулиб ўсган, улғайгач, турфа йўлларга шу ердан учирма бўлган. Шундай қилиб, улар – сочларига аллақачон оппоқ қиров қўниб, юзларидан нур ёғилиб турган, садоқатли икки қариянинг уйи ҳувиллаб қолди.

Бир куни чолнинг мазаси қочди. Хасталиги жиддий экан, шифохонага олиб боришди. Касалхонада ётганида аёли бандаликни бажо келтирди. Чолнинг аҳвол-руҳияти шу даражада оғир эдики, бошига тушган жудолик – мусибат унинг онгу шуурини четлаб ўтди.

Шунга ҳам тўрт йил бўлди. Онахонни кўмдилар. Отанинг ҳам оёққа туриб кетишига, деярли, умид қолмаган эди. Фарзандлар кенгаш чақирди.

– Узоққа бориши қийин, – мулоҳаза юритишди улар. – Борганида ҳам, бировнинг ёрдамисиз кун кўролмайдими.

Улар уйни сотмоққа қарор қилдилар. Қарорни жўясиз, деб бўлмасди. Қолаверса, харидорлар тинимсиз эшик қоқиб турарди.

Кунидан бор экан, чол ўзига келиб, беморхонани тарк этадиган бўлди. Фарзандлари излаб-излаб топгани – қариялар уйига олиб бордилар.

Қария турмушидан нолимайди. Қариб-қартайиб қолмаганми, ўзганинг кўмагисиз яшаши қийин. Энг ёмони, бир умр яшаган қадрдон бошпанасидан айрилганига асло кўни-колмади. Титраб-қақшаган оёқлари уни, ҳадеганда, шу кўчага бошлаб келаверади.

Мана, ўша қадрдон гўша. У уйи олдида келиб, тўрт йилдан бери яшаётган одамларнинг эшиги ёнидаги кўнғироқ тугмачасини босади. Улар етти ёт бегона, бирортасини танимайди. Уй чол умрининг тотли дамларини эслатаверади.

У ичкарига киргиси, дераза олдида ўтган-кетгани томоша қилиб, илгаридек жимгина ўтиргиси келади.

Аввалига уйнинг янги эгалари унга анча дуруст, ҳурматини жойига қўйиб муомала қилишди. Чол яна ва яна келавергач, тоқатлари тоқ бўлди.

Бу оқшом у яна келди. Ҳорғин, лекин ўжар бир алпозда. Яна кўнғироқни жириглатди. Эшикни биров очай, демади.

– Уйда ҳеч ким йўқ, – деди қўшни. – Дам олишга кетишган.

Бу тўғри эди, лекин чол кўнғироқ тугмачасини ҳадеб босаверди, чақираверди, эшикни тақиллатаверди.

– Ҳув қария, йўлингиздан қолманг! – дея бақирди қандайдир аёл деразадан бошини чиқариб. — Уйингиз сотилиб кетганига минг йил бўлди.

– Хотинингиз тўрт йил бурун ўлган, – қўшимча қилди қўшни.

– Аввалроқ шундай демайсизларми – минғирлади чол.

У зинага чўқди-ю, шу ўтиришда қолди. Болалар уни ўраб олиб, томоша қилишга тушди. Қўшнилardan кимдир раҳми келгандек, ўқтин-ўқтин уни чақириб қўяр, чол эса хаёллар гирдобиди қимир этмай ўтирарди.

Болаларни оналари чақириб олди.

Секин-аста чироқлар ўчди, ҳамма уйқуга кетди.

Чолни, гўё, ҳамма унутди.

Фақат бошқалардан кўра эртароқ турган қўшни ҳали-ҳамон ўша жойда, зинада ўтирган чолга кўзи тушиб, полиция чақирди.

Кўп ўтмай, полиция машинаси келди:

– Юринг, отахон, чой ичамиз!

Қария ўрнидан туриб, имиллаб уларга эргашди.

Қадрдон кўчасидан узоқлаб кетди.

Рус тилидан
Қулман ОЧИЛ таржимаси



ЎЗБЕК ҚОҒОЗИ ВА ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ



Умумбашарий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишида қоғознинг кашф этилиши жуда муҳим аҳамият касб этди. Қоғоз кашф этилгунга қадар қадимда қўлзма китоб учун ашё сифатида папирус, тери, пергамент, газлама-мато, суяк, сопол, дарахт пўстлоғи ва тахта кабилардан фойдаланиб келинди. Уларнинг ҳар бири муайян бир давр учун ўзига хос аҳамиятга эга бўлган, лекин улар баъзи бир камчилик ва нуқсонлардан ҳам холи бўлмаган. Хусусан, папирус энгил бўлса-да, лекин ўта нозик, сопол эса салга синаверган, газлама мато тез тўзиган ва тез чиришга мойил бўлган. Ушбу ёзув ашёларининг кўпчилиги қурт-қумурсқаларга ем бўла олган. Шу туфайли ўша бу ашёларга ёзилган қадимги қўлзмаларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган.

Хукмдорлар ўзларини мадҳ этувчи, шон-шўхратлари мангу қолишини, кейинги авлодлар ҳам билишларини, уларга етказишни ният қилган ҳолда мрамор ва бронзага лавҳалар биттиришни маъқул кўрганлар. Аждодларимиз ўз ёзувларини керак ҳолларда тош ва қояларга ҳам ёзишган. Сопол тахтачаларга ёзиш кўпроқ Шарққа хос бўлган. Шарқнинг кўпгина халқларида ёзув ашёси сифатида папирусдан фойдаланиш кенг авж олган даврларда ҳам сопол тахтачалар истеъмолдан чиқиб кетмаган. Улар баъзи хабар ва қайдларни ёзишда ҳамда ҳисобларни юриштишда қўл келган. Ҳар икки томонига мум суртилган ёғоч тахталардан мактаблардаги дарс машғулотларида фойдаланилган. Мумтахталарнинг қулай томонларидан бири шуки, зарурий ҳолларда уларга ёзилган матни ўчириб, янгисини ёзиш имконияти бўлган. Ундан почта қоғози сифатида ҳам фойдаланилган.

Папируснинг ёзув ашёси сифатида фойдаланиш тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Манбаларга кўра, миллоддан олдинги VII асрда қадимги юнонлар асосан, Мисрдан келтирилган папируслардан фойдаланилган. Баъзи тадқиқотчилар унинг ёзув ашёси сифатида қўлланилиш тарихини эллинизм даврига, хусусан, Александр Македонскийнинг ғалабаси ҳамда Мисрда Александрия шаҳрига асос солиниши билан боғласа, баъзилар бунга шубҳа билан қараб, мисрликлар папирус қоғоздан миллоддан 3000 йил аввал ҳам фойдаланганини ёзади. Уларнинг фикрича, Александр Македонскийнинг Миср истилоси папируснинг янги ёзув ашёси сифатида танилиши ва ёйилишига туртки бўлган, холос.

Папирус ўсимлик сифатида кўпроқ Нил дарёсининг ботқоқликлардан иборат дельта қисмида ўсган. Ундан нафақат қоғоз тайёрлашда, қайиқлар ясашда, турли саватлар тўқишда, арқон ўришда, керакли уй анжомлари ҳамда уст-бош тайёрлашда ҳам фойдаланилган. Юмшоқ илдизпояси озиқ-овқат, поясининг ички мағиз қисми чироқлар учун пилик вазифасини бажарган.

Папирус сўзи асли мисрликларнинг «ра-р-иго» сўзидан олинган бўлиб, «шоҳона» маъносини аниқлатган. Ушбу сўз олмонча «рарие» ҳамда русча папиросга асос ҳисобланади. Юнонлар папирусни библиос деб атаганлар. Замон ўтиши билан бу термин умуман китоб маъносини аниқлатган (қийсанг: «библиотека» – айнан «китоб сақланадиган омбор», «Библия» эса «китоблар» дегани). Юнонлар ҳамда римликлар папирусдан тайёрланган ёзув ашёларини харта деб атаган. Арабча «qartas» (папирус варақ ёки ўрама қоғоз) термини ушбу сўздан олинган. Берунийнинг ёзишича: «қиртос – юнонча папирус – «қоғоз» дегани: тумор ҳам асли юнонча сўз, «ўрама қоғоз» деган маънони аниқлатади. Дастлабки туморлар қиртослардан, кейинчалик қоғозлардан бўлган».

Папирус қоғозни тайёрлаш учун ўсимлик пояси кескир пичоқ билан тилиниб, толаларга ажратиб олинган. Энг яхши тола унинг ўзагидан олинган. Биринчи навли папирус қоғозлар диний ҳамда зодагонлар учун яратилажак китобларга мўлжалланган. Қоғознинг иккинчи нави амфитеатр деб аталган. Бу ном Александриядаги қоғоз фабрикасининг шаҳар амфитеатри яқинида

жойлашганлиги учун берилган. Энг паст навли папирус қоғоз бозор учун тайёрланган. Ундан нарсаларни ўрашда фойдаланилган. Ёзув учун мўлжалланган папируснинг эни 20 – 23,5 сантиметргача бўлган. Баъзи ҳолларда эни 44 сантиметрлик папирусларни тайёрлашга ҳаракатлар бўлган, лекин улар пишиқ бўлмаган ва фойдаланишда ноқулайликлар келтириб чиқарган. Папирус ўрамининг узунлиги матн ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 8-10 метргача борган. 10 метрли папирус ўрамлари кам тайёрланган. Чунки бундай ҳажмдаги папирусни ушлаб туриш ўқувчи учун осон бўлмаган. Ҳар бир қаторда 40тагача ҳарф ёзилган. Миллодий учинчи асрдан эътиборан, ҳар бир қатордаги ҳарфлар сони қатъий белгиланган ва улар сони 25дан ошмаган.

«Матн ўндан чапга қараб алоҳида устунлар ҳолида ёзилган. Бу устунлар латин тилида pagina (китоб ёки қўлзма саҳифаларига рақам қўйиб чиқишни ифодаловчи пагинация термини шу сўздан олинган), юнончада селис, баъзида яна бир юнонча томос сўзлари билан аталган». Тайёр бўлган папирус қоғозлар ғалтаксимон ўқловга ўхшаш таёқчаларга ўралган. Қадимги юнонлар ҳамда римликлар бундай таёқчаларни пуп ҳамда омфалос деб аташган. Ўқувчи қартасни ўнг қўлида тутган ва ўқиб бориш жараёнида чап қўли билан бош қисмини иккинчи таёқчага ўраб борган. Матн тўлиқ ўқиб бўлингандан кейин яна бошқатдан биринчи таёқчага ўраб қўйилган. «Ўрама қоғоздаги биринчи ва охириги варақларнинг номлари юнончадаги «колло» (ёпиштираман) феълидан ясалган: эсхатокол (эсхатос – «охирги») ва протокол (протос – «биринчи»)». Ўрама қоғозлар тегишли ўлчамдаги чарм ғилофларга солиб қўйилган. Бундай ғилофларга нисбатан юнонча файнола ёки фенола терминлари қўлланган. Файнолалар сополдан ишланган махсус қўтиларда сақланган. Кўп ҳолларда қўтилар цилиндрсимон шаклда бўлган. Шахсий ёки давлат кутубхоналарида сақланаётган китоб ёки қўлзманинг қидириб топилишини осонлаштириш учун қоғоз ўралган таёқчанинг ёки ғилофнинг бош қисмига китоб номи ёки матннинг сарлавҳаси ёзиб қўйилган.

IV-VI асрларда папирус қоғоз ишлаб чиқариш Мисрнинг асосий монополиясига айланган. Муаллифи номаълум бўлган «Жаҳон тавсифи» асарида ёзилишича, харталар (qartas) фақатгина Александрияда ишлаб чиқарилган, холос. Замонлар ўтиши билан папируслардан шавқатсизларча фойдаланиш туфайли улар йўқ бўла бошлаган. Нил дельтасидаги папирусзорлар қуриб бошлаган, кейинчалик бутунлай йўқ бўлиб кетган. Бизнинг давримизга келиб, папируслар Африканинг жанубий қисмларида – тропик ҳудудларда етиштирилмоқда. Мисрда папирус қоғозларни тайёрлаш иши X асрга қадар давом этган. Араблар VII аср охирига келиб папирусни араб халифалиги ҳудудидан чиқаришни тақиқлаб қўйган. Натижада Ғарбий Европада папирус танқислиги юзага келади ва у ноёб товарга айланади. X асрга келиб папирус қоғозлар деярли истеъмолдан чиқиб кетади.

Тарақиёт ўз ўрнида депсиниб туравермайди, ривожланиш давом этаверади. Худди шу сингари папирус қоғознинг ҳам асосий рақобатчиси сифатида пергамент – тери қоғозлар пайдо бўлди.

Афсоналарга кўра, Миср ҳукмдори Птолемей (э.о.205 – 182 йй.) билан Пергам ҳукмдори Эвмен (э.о. 197 – 159 йй.) ўртасида китоб ёздириб тўплаш бўйича жиддий рақобат юзага келади. Миср ҳукмдори Птолемей бу борада Пергам ҳукмдори Эвменга китоб ёздириши ва кутубхонасига олиниши учун тўсиқ пайдо қилиш мақсадида Мисрдан папирус олиб чиқишлини қатъиян тақиқлаб қўяди. Пергам ҳукмдори папирус ўрнини боса оладиган ёзув ашёсини топишга мажбур бўлади ва пергаментни кашф этади.

Бузоқ, қўзичоқ ҳамда эчки териларидан ёзув ашёси сифатида қоғоз тайёрлаш иши илк бор Кичик Осиёдаги Пергам подшоҳлигидаги Пергам шаҳрида йўлга қўйилган. Пергам номи ҳам шундан олинган. Дастлабки пайтларда бундай қоғоз тури ниҳоятда қиммат бўлган. Лекин папирус ўрнида ёзув ашёси сифатида ишлатила бошлаши билан у оммалашди. Папирусга нисбатан унинг бир қанча афзалликлари мавжуд, хусусан, папирусдан анча пишиқ, эгилювчан, узоқ сақлаш имконияти мавжуд, унга ёзиш анча қулай, ҳар икки томонига ёзиш имконияти бор, зарурий ҳолларда ёзувни ўчириб, устидан янги матнни ёзиш, хатони тузатиш мумкин. Уни тайёрлаш ўта машаққат талаб қилгани боис қиммат бўлган.

Тери қоғозларнинг кашф этилиши папирус қоғоздан тайёрланган ўрама китоблар ўрнини бугунги кўринишдаги китоблар пайдо бўлишига олиб келди. Чунки пергаментни кесиш орқали олинган саҳифаларни бир-бирига қўшиб тикиш воситасида жузланган китоб – кодекслар тайёрлаш кашф этилди.

Папирусга ҳам, пергаментга ҳам асосан, қамиш қаламда ёзилган. Сиёҳни тайёрлашда фарқ бўлган. Папирусга ёзишда бугун биз туш деб атайдиган буёқдан фойдаланилган бўлса, пергаментга қора сиёҳдан фойдаланилган. Сиёҳ ва туш тайёрлаш технологияси шунчалик мукамал бўлганки, бундан минг йиллар аввал папирусга ёзилган матни бугун ҳам аслидек ўқиш мумкин. Чунки сиёҳ, айниқса, тушнинг тайёрланиш маҳорати юксак даражада бўлганлиги боис қанча вақт ўтишидан қатъи назар ўз сифатини йўқотмаган. Уни тайёрлаш кўп ҳолларда сир сақланган.

Қадимги ўзбек китобатчилигида ҳам ўрама қоғоз шакли кенг қўлланишда бўлган. Бундан ташқари, қўлёзма китоблар дафтар ҳамда бизга яхши маълум бўлган шарқ қўлёзмалари шаклида тайёрланган. Шарқшунос олим Қосимжон Содиқов олиб борган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, китоб тайёрлашнинг ўрама қоғоз шакли қадимги туркларда, айниқса, моний жамоаларида шухрат топган, йирик ҳажмли моний ёдгорликлари ана шу усулда китобат қилинган. Ўрама қоғоз усулини буддийлар ҳам қўллаган. У суғд китобатчилигида ҳам мавжуд бўлган. Ушбу китобат тури ҳудудий табиатга эга бўлиб, Марказий Осиё халқларининг ўзаро маданий алоқалари таъсирида юзага келган.

Буддийларда кенг тарқалган китоб турларидан бирининг номи потхи деб аталган. Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида бу ҳақда кенг маълумот беради. Потхи усулида китоб тайёрлашда ҳар бир варақнинг ўнг бетидеги саҳифа бошига асар бўлими ва ушбу бўлим варақларининг тартиб кўрсаткичи ёзиб кетилган. Қ.Содиқовнинг ёзишича, «Нўм битигларнинг бўлимлари ўлўш, китоб варақлари ратар деб юритилган. Бир бўлим тугагач, кейинги бўлимдан тартиб кўрсаткичи ҳам янгидан бошланган. Ушбу кўрсаткич, ўз навбатида, пойгир вазифасини ўтаган ва китоб саҳифаларини тартибли сақлаш имконини берган. Қадимги ҳиндлар бундай китобларни тайёрлаш жараёнида ёзув ашёси сифатида пальма япроқларидан фойдаланган. Қизиги шундаки, бундай китоб шакли туркларга маълум бўлгач, улар ўз табиий-географик шароитидан келиб чиқиб, пальма япроқлари ўрнини қоғозга алмаштирдилар. Қоғоз эса китобат ишида дарахт япроқларидан тайёрланадиган варақларга кўра анча қулай бўлиб чиқди». Чунки «яхшилаб ишлов берилган қўй, эчки, бузоқ ва оху териларидан тайёрланувчи пергамент қимматга тушади, бироқ шунга қарамай, ҳижрий сананинг дастлабки асрларида ундан кенг фойдаланилган. Маълумки, папирус фақат Мисрда ўсади». Шу сабабдан ҳам пергамент ва папирус ҳамма вақт китоб яратиш учун қулайлик яратавермаган. Шундай бўлса-да, қадимги Ўзбекистон ҳудудларида, хусусан, Сўғдиёнада ҳайвон терисидан ёзув қоғози тайёрлаш иши жуда яхши йўлга қўйилган. Бунда яхшилаб ишлов берилган тери қоғозлар жуда юққа бўлиб, улар оқ рангда бўлган.

Дунё маданий тараққиётида Шарқ китобатчилиги санъатининг ўзига хос ҳамда бетакрор ўрни бор. Кўҳна Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда китобатчилик соҳасининг шаклланиши ва тараққиёти Шерқ дунёсида илк бор айна шу ҳудуд бағрида қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги билан узвий боғлиқдир. Эрамининг II асрида Хитойда қоғознинг кашф этилиши ва унинг ишлаб чиқарила бошланиши дунё миқёсида китобатчиликнинг тез суръатлар билан ривожланишига туртки бўлди. Хитойликлар сердаромад соҳа ҳисобланган қоғоз ишлаб чиқариши қанчалик сир тутмасин, VIII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Самарқандда Хитой қоғози сингари сифатга эга бўлган қоғоз тури тайёрлана бошланди. Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш учун керакли бўлган хомашёнинг барча турлари – ипак, пахта, каноф, қамиш, похол, тут новдаси пўсти кабилар мавжуд эди. Самарқандда тайёрланган қоғоз турларига нисбатан Самарқанд қоғози ёки Шарқона қоғоз терминлари ишлатилган. Шу тариқа Самарқанд қоғози деб номланувчи қоғоз турининг доврўғи ўзининг сифати ва нафислиги билан қисқа вақт ичида дунёга таралди.

Самарқанд қоғозининг яратилиши хусусида тарихий манбаларда турлича фикрларни учратиш мумкин. Манбаларда ёзилишича, VII асрда ҳали Европада папирус ва пергамент асосий ёзув ашёси сифатида фойдаланилаётган бир вақтда Шарқ мамлакатларида аллақачон қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бу эса араб халифалигига қарашли барча юртларда, айниқса, ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудларида қўлёзма китобларнинг ёйилишига кенг имконият яратди. Дамашқда энг сифатли қоғоз ишлаб чиқарилганлиги, бизгача етиб келган ва илк араб қоғоз китобининг Дамашқ (ўрама) китоби деб номланганлиги тарихий манбаларда далиллар билан асосланган. Баъзи олимларнинг фикрича, Ўрта Осиё ҳудудида, хусусан, Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш араб халифалигига қадар ҳам мавжуд бўлган. 1931 йили Мўғтепа тоғидан топилган Самарқанд ҳукмдорларига оид ҳужжатлар ҳамда Тупроққалъада қўлга киритилган Хоразм архив материаллари Сўғдиёна, Хоразм ва Бақтриядаги қоғозга ёзилган маҳаллий қўлёзмаларнинг араблар босқинидан аввалги даврларга оидлигини асослайди. Баъзи тарихчиларнинг фикрича, самарқандликлар қоғоз ишлаб чиқариш сирларини 751 йили Таласда бўлиб ўтган жангда Зиёд ибн Солиҳ томонидан асирга олинган хитой-


лик қоғоз усталаридан ўрганишган. П.Д.Зотовнинг маълумотларига кўра, 751 йилнинг июлида Зиёд ибн Солиҳ қўшинлари хитойликларнинг Гао-Сянь-Чжи бошчилигидаги қўшин устидан ғалаба қозонади. Жанг натижасида Хитой томондан 50 000 жангчи ҳалок бўлади, 20 000 аскар асирга олинади. Ана шу асирга олинганлар орасида қоғоз ишлаб чиқаришни биладиган ҳунармандлар ҳам бўлган. В.В.Бартольднинг ёзишича, туркиялик тарихчи олим, профессор Карабажек олиб борган тадқиқотларга кўра, қоғознинг эски вада ёки латта-путталардан тайёрланиши самарқандликлар кашфиёти сифатида талқин қилинади. Чунки Самарқандда X асрга қадар, аниқроғи, 940 йилгача вададан қоғоз тайёрлаш иши йўлга қўйилган, деб эътироф этилади. Лекин баъзи манбаларда вададан қоғоз тайёрлаш технологияси Хитойда эрамининг иккинчи асридан эътиборан мавжуд бўлганлиги тахсин қилинади. Нима бўлганда ҳам, X аср охирига келиб, Самарқанд қоғози Ислоом мамлакатларида папирус ҳамда пергамент ўрнини тамоман эгаллади.

Қадимги юнон китобатчилигида қўлланган ёзув ашёлари борасидаги қимматли маълумотларни буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида учратишимиз мумкин. Беруний ёзади: «Қадимги юнонлар сингари териларга ёзиш одати ҳиндларда бўлмаган эди. Суқротдан асар ёзмай қўйишининг сабабини сўралганда: «Илмни тирик кишилар қалбларидан ўлик қўйларнинг териларига кўчирмайман» деган. Ушбу матндан англашладикки, буюк юнон файласуфи Суқрот тери қоғозларга ёзишдан ўзини тияди. Бу ҳолни турлича тахминлар билан изоҳлаш мумкин. Суқротдек инсон нима сабабдан қўй терисидан қилинган қоғозга ёзмаган? Бизнингча, Беруний айтганидек, Суқрот илмни тирик кишилар қалбларидан ўлик қўйларнинг териларига кўчиришни истамапти. Кейин тери қоғоз кўпроқ қўзичоқ ёки бузоқнинг терисидан тайёрланган. Айтилик, бир саҳифа қоғоз тайёрлаш учун икки битта қўзичоқнинг териси лозим бўлса, икки юз саҳифалик қўлёзма учун икки юзта қўзичоқнинг баҳридан ўтиш керак бўлган. Энди ўйлаб кўрайлик, бир қўзичоқ сўйиш ҳолига келиши учун камида 1-2 яшар бўлиши керак, уни биз мурғаклигидаёқ қоғоз учун терисини шилиб олсак, қанчалик аянчли? Суқрот кўз ўнгиде ҳам шу мурғак қўзичоқ гавдаланган бўлиши мумкин-ку!

Ўзбек қоғозининг кашф этилиши, унинг «Буюк ипак йўли» орқали Европа бозорларига етказиб берилиши, бунинг натижасида, дастлаб Европада, сўнгра жаҳон миқёсида матбаачиликнинг вужудга келиши тарихий нуқтаи назардан дунё миқёсида фан-техника тараққиётига оламшумул йўл очиб берди. Зотан, машҳур рус адаби ва тарихчиси Карамзин таъкидлаганидек: «Ақл тарихи икки асосий даврни тақдим этди: ҳарф ва матбаа ихтироси. Қолган ҳамма нарса уларнинг натижасидир». Оламни олтиндан кўра кўрғошин кўпроқ ўзгартирди. Инсоният тафаккурининг буюк меваси сифатида қоғознинг кашф этилиши натижасида матбаачиликнинг пайдо бўлиши жаҳон фан-техникаси ривожига инқилоб ясади. Демак, қадимда юртимиз сарҳадларида, хусусан, Самарқанд, Қўқон ва Бухоро шаҳарларида қоғознинг ишлаб чиқарилиши ва унинг «Буюк ипак йўли» орқали Европа, умуман, Жаҳон бозорига олиб чиқилиши дунё тамаддунида янги даврга асос солди. Ўзбек қоғозининг кашф этилиши ва дунё бозорига кириб бориши дунёни янги бир цивилизация сари етаклади.

Хитой қоғозининг асосий хомашёси турли дарахтларнинг, асосан, тут дарахтининг пўстлоғи бўлган. Хитой қоғози жаҳон миқёсида жуда машҳур бўлган, лекин Самарқанд қоғозининг ҳар икки томонига ҳам ёзиш мумкин бўлганлиги сабабли унга нисбатан устун ва харидор-гир бўлган. Хитойликлар асосан мўйқаламда ёзгани учун тайёрланган қоғоз ҳам шунга мўлжалланган, яъни, қоғознинг бир тарафи силлиқланган. Иккинчи тарафига ишлов берилмаган, чунки мўйқаламда ёзилганда сиёҳ қоғознинг орқа тарафига ҳам эллаб ўтиб кетган. Ана шу жиҳатлари билан Самарқанд қоғози Хитой қоғозига нисбатан устунликка эга бўлган.

(Давоми 44-бетда)



ЎЗБЕК ҚОҒОЗИ ВА ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ



(Бошланиши 42-43-бетларда)

Қоғоз ишлаб чиқариш Самарқандга катта фойда келтирган. Самарқанд ўз қоғозини халифаликнинг бошқа вилоятларига ҳам чиқаришга эришган. Профессор Н.Иброҳимов қайд этганидек, «Самарқанд ўша даврда бутун халифаликдаги котиблар ва қаламкашларни қоғоз билан таъминлаб турган». Бундан ташқари, «Буюк ипак йўли» орқали қоғоз савдоси европалıklar билан ҳам олиб борилган. Чунки бутун Европада XII-XIII асрларга қадар ҳам қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган эди. Самарқанд қоғози турининг Европа бозорига етказиб берилиши у ерда илгари ёзиш учун асосий ашё сифатида ишлатилиб келинган папирус, чарм, пергамент кабиларнинг ўрнини энди қоғоз эгаллашига ва бу нафақат Европа, балки бутун дунё моддий-маданий тараққиётининг юксалишида сезиларли туртки бўлади. Самарқандда тайёрланган қоғозлар дунё миқёсида танилди. Уларга нисбатан Самарқанд қоғози, Султоний ҳамда Хуросон қоғози каби терминлар қўлланди. Бу хусусда ўз даврининг буюк шоир ва мутафаккирлари Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийдан ўз баҳосини олган буюк санъаткор-хаттот Султон Али Машҳадий шундай ёзади: «Ҳар қанча синасанг ҳам Хитой қоғозидан яхшиси йўқ. Аммо Самарқанд қоғози бебаҳодир. Агар сен ақлли одам бўлсанг, ундан воз кечма, ундаги ёзув равон ва гўзал бўлади, аммо у оқ ва покиза бўлиши керак. У оддий бўладими, «султоний» бўладими, яхшисини олишга ҳаракат қил». Самарқанд қоғозининг таърифи хусусида Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай ёзади: «Оламда яхши қоғаз Самарқанддин чиқар, Жувози қоғазлар суйи тамом Кониғилдин келадур. Кониғил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат дерлар». Кўринадики, қоғоз ишлаб чиқаришга мослаштирилган сув тегирмонлар «жувози қоғаз» деб юритилган.

В.Вяткин Самарқанд вилоятига бағишланган асарига бундай обжувозларни рус тилида «бумажная мельница», деб атайди ва уларнинг маркази Самарқанд бўлганлигини таъкидлайди. Рус сайёҳи (XIX аср охири) А.Федченко қоғоз фабрикаларини (бумажные фабрики) оби жувоз, деб аталганини ёзади.

Самарқанд қоғозини тайёрлаш тахминан уч юз йил давомида сир тутиб келинди. Фақат XI асрга келиб Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш технологиясидан андоза олган ҳолда дастлаб Ироқ ва Сурияда қоғоз тайёрлана бошланди. Кейинроқ тарихда «араб кўприги» деб ном олган Миср, Шимолий Африка ва Марокаш орқали Испанияга ҳам Самарқанд қоғозини тайёрлаш технологияси етиб келди. XIII асрга келиб бу қоғоз турини тайёрлаш сирлари бутун Европага ёйилди. Испанияда XII аср бошларида, Италияда 1276 йил, Францияда 1348 йил, Олмонияда 1390 йилларда илк қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари қурилди. Рус давлатида XIV аср ўрталарида қоғоз ишлаб чиқарила бошланди. Биринчи рус қоғоз китоби 1381 йилда дунё юзини кўрди.

Самарқанд ўзининг харидоргир қоғози билан минг йилдан ортиқ дунё миқёсида шухрат қозониб келди. Ўрта Осиёнинг Чор Россияси истилосидан кейин Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилди. Қоғоз Самарқанддан ташқари Бухоро, Қўқон шаҳарларида ва уларнинг теварак-атрофида жойлашган қишлоқларда ишлаб чиқарилган. Венгер олими Ҳерман Вамбери Бухорода тайёрланган қоғоз ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Бухорода тайёрланган ёзув қоғозларининг шухрати нафақат Туркистонга, балки қўшни давлатларга ҳам таралгандир. Бу қоғозлар ипақдан тайёрланган бўлиб, силлиқлиги ҳамда нозиклиги билан араб ёзуви учун жуда қулай бўлган».

Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан забт этилганидан кейин қоғоз тайёрлаш фақат Қўқон хонлигида давом эттирилган. XIX аср бошларида Тошкентга келган сибирлик казак Максимов қолдирган маълумотларга кўра, Тошкент ва Қўқон шаҳарларидаги қоғоз фабрикаларида бир вақтнинг ўзиде йигирмага яқин уста ишлаган. Қоғознинг нархи нисбатан арзон бўлган: бир варақ қоғоз 1 пулдан сотилган. Рус олими В.Григорьевнинг ёзишича, Қўқонда 1924 йилга қадар қоғоз ишлаб чиқаришда махсус обжувозлардан фойдаланилган. Қоғоз Қўқон шаҳрида, шунингдек, унинг атрофида жойлашган Қоғозгар ва Чорку қишлоқларида ҳам тайёрланган. В.Григорьев 1931 йилда бу қишлоқларга боради ва у ердаги қоғозгарлар билан учрашади. Улардан қоғоз ишлаб чиқариш усуллари ҳақидаги қимматли маълумотларни тўплайди.

Қоғозгарлик XV-XVI асрларда хунармандликнинг муайян бир касб-кори сифатида тўлиқ шаклланди. Бу соҳа билан шуғулланувчи уста-хунармандлар авлоди вужудга келди. Хусусан, XVI асрда самарқандлик қоғозгар уста Мир Иброҳимнинг номи машҳур бўлди. Уста Мир Иброҳим томонидан қоғоз тайёрлашнинг янги бир усули ишлаб чиқилади. Унга кўра, тайёрланган қоғознинг ичида бир тангалик доира шаклидаги оппоқ «сув белгиси» бўлган. Ҳар қандай шароитда ҳам қоғозни мана шу белгисига биноан бошқа қоғоз турларидан осонгина ажратиб олиш мумкин бўлган. Бу қоғоз тури мазкур кашфиётчининг ўз номи билан Мир Иброҳим қоғози деб аталган ҳамда тури XVI-XVII асрларда жуда машҳур бўлган.

Бу қоғоз юқори сифати, тозаллиги, нафислиги, жилдорлиги, пишқилиги билан савдо аҳлини, айниқса, европалик савдогарларни ўзига ром этган. У қоғози абришем, деб аталган. Киши уни қўлга олганда, Европанинг янги пул қоғозларини ушлагандек туюларди. Шу хусусдан, қоғози абришемий жаҳон бозорига олтин тенгиде баҳоланган. Ўрта Осиёда тайёрланган иккинчи қоғоз нави қоғози нимкатоний, деб аталган. Бирикма шаклидаги қоғози нимкатоний термини ҳам форсий изофада ясалган бўлиб, унинг иккинчи компоненти форсча ним (ярим) ва катон (каноп) > катоний (канопдан тайёрланган) сўзларининг қўшилишидан ясалган. Бу қоғоз турини тайёрлашда ипақ ва каноп толасидан тенг нисбатда фойдаланилган. Бу қоғоз нави ҳам қоғози абришемий сингари ўта сифатли, пишқ бўлиб, пардози ва нафислиги билан ундан қолишмаган. Бундан ташқари, қоғози нимкатоний ялтироқлиги ва фусункорлиги билан бошқа қоғоз турларидан ажралиб турган.

Шарқда қоғознинг яна бир неча турлари, хусусан, қоғози самарқандий, қоғози бухорий, қоғози давлатободий // қоғози султоний», қоғози ҳаририй» (Самарқандда ёки Ҳиндистонда тайёрланган ипақ қоғоз), қоғози бағдодий, қоғози кашмирий, қоғози исфахоний каби навлар ишлаб чиқарилган. Кўп ҳолларда, бу қоғоз турлари қисқартирилган ҳолда, яъни самарқандий, бухорий, давлатободий, султоний, ҳаририй деб ҳам аталган.

Бугунги кунда ажодларимиз заковати ва тажрибасининг амалдаги натижаси сифатида Фарғона шаҳридаги «Сайқал» масъулияти чекланган жамияти ва Хитойнинг «Henan GX-Mach environmental Technology Co.LTD» компанияси ўртасида тошдан қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича имзоланган шартнома асосида «Fergana stone paper company» Хитой –Ўзбекистон қўшма корхонаси таъсис этилди. Бу МДҚ мамлакатларида ягона тошдан қоғоз ишлаб чиқарадиган корхона.

Мамлакатимизга бир йилда 230 минг тоннадан ортиқ қоғоз маҳсулотлари импорт қилинади. Бу қўшма корхонанинг аҳамияти шундаки, катта миқдордаги валюта ресурслари иқтисод қилинади. Яна бир муҳим жиҳати – қоғоз тайёрлаш жараёнида экологияга ҳеч қандай зарар етмайди, яъни, дарахлар кесилмайди, оддий тош ёки кальцийдан фойдаланилади. Тош қоғознинг сифати целлюлоза қоғозниқидан бутунлай фарқ қилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот экологик тоза. Масалан, оддий қоғоз ишлаб чиқариш жараёнида целлюлоза ва катта миқдорда сув керак бўлади. Ана шу сувнинг учдан бир қисми заҳарли моддалар ҳисобланади. Тошдан қоғоз ишлаб чиқаришда эса сувга эҳтиёж йўқ. Маҳсулот сувда эримайди, ёзувлар узоқ муддат ўчиб кетмайди. Аллергик касалликларни келтириб чиқармайди. Таннархи ва сифат даражаси оддий қоғозга нисбатан бир неча баробар арзон. Эслатиш жоизки, тошдан қоғоз ишлаб чиқариш индустрияси sanoat даражасида фақат Хитой ва Тайван давлатларида йўлга қўйилган. Фарғонада бундай қўшма корхонанинг ташкил этилганлиги боис Ўзбекистон ҳам ушбу мамлакатлар қаторига қўшилди.

Демак, ажодлар анъанаси замонавий кўринишда давом этмоқда.

Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
ректори, филология фанлари доктори, профессор

33 ЁШЛИ ХАЛҚ РАССОМИ

Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кузатар эканмиз, ҳар бир соҳада ўзига хос янгиликларнинг гувоҳи бўламиз. Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонини томоша қилдик. Алишер Навоий ҳайкали атрофида яхлит бир мажмуа ҳосил бўлган, ўзбек адиблари сиймоси тартиб билан жойлашган. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари шу ерда ажиб манзара касб этгандек бўлди. Беихтиёр ҳайкалларни ишлашда иштирок этган ҳайкалтарошлар билан қизиқдик. Бу ердаги Муқимий, Эркин Воҳидов сиймоларини Ўзбекистон халқ рассоми Жасванд Анназаров устози ва шогирдлари ёрдамида яратган.

Жасванд хоразмлик рассом Баҳром Анназаровнинг тўнғич ўғли. Болалигида отасининг ижод жараёнини узоқ кузатарди. Отасининг қоғоз-қаламларини олиб, тақлид қилишга уринарди. Қуш уясида кўрганини қилади, дейишади-ку. Вақт ўтиши билан отаси унинг қизиқишларига жиддийроқ эътибор бера бошлаган.

– Расм чизаётган пайтларимизда отам бизга қизиқарли эртақлар, ҳикоялар айтиб берарди, – деб эслайди Жасванд. – Ўша эртақларни эшитиб, у ердаги воқеа ва персонажларни чизишга ҳаракат қилардик. Отам бизни қизиқтириш учун «Расми яхши чизсаларинг, кечаси сеҳргар келиб, дераза тоқчасига сеҳрли қалам ташлаб кетади», дерди. «Биз учинчи қаватда яшасак, сеҳргар деразамизга бўйи етмайди-ку десак», «Ахир у сеҳргар-ку, учиб келади» дерди. Жавлонбек укам иккимиз болаларча ишонч билан дераза томонга тикилганимизча ухлаб қолардик. Шулар ёдимга тушганида отамиз яхшигина педагог ҳам бўлган экан, деб ўйлаб қоламан.

Бу эртақ ва афсоналар болалар фантазияси шаклланиши учун хизмат қилган. У 1998 йил олтинчи синфга ўтганида, Урганчда санъат лицейи очилди. Отаси лицейга ўқитувчи бўлиб ишга кирди, Жасванд ҳам лицейнинг ҳайкалтарошлик синфида ўқий бошлади.

2001 йил мустақиллигимизнинг ўн йиллиги муносабати билан ёш рассомлар республика кўрик-танловида Ж. Анназаров ёғочдан ясалган «Она табиат» мавзусидаги иши билан қатнашди. Кўрик якунида қуйи босқичларда ғолиб бўлганларни пойтахтга чақириб, якуний танлов ўтказилди. Ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича ёш Жасванд биринчи ўринни олади. Совринни Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиев топшириб, табриклайди. Жасванд болалигида мусиқачи бўлишга ҳам интилган. Шу сабаб скрипка чалишни ҳам ўрганиб олган. Лекин ҳайкалтарошликка нисбатан қизиқиши устун келди. 10-синфдалигида отаси уни Хоразмдаги таниқли рассом ва ҳайкалтарош Соли Қодиров олдига олиб борди. Шу тариқа устоздан сабоқ ола бошлади. Шогирд камолотида устознинг ўрни алоҳида бўларди. Соли акадан кўп нарса ўрганди. Айниқса, ҳайкалтарош учун сабр-қаноат биринчи ўринда туришини, шовшма-шошарлик билан иш қилиб бўлмаслигини тушуниб етди. 2004 йилда республика олимпиадасида қатнашиб, ҳайкалтарошлик бўйича биринчи ўринни олди, Камолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига имтиёзли равишда қабул қилинди. Институтда Равшан Миртожиев қўлида сабоқ ола бошлади. Равшан ака ўқишдан ташқари ўз устахонсида ҳам қўшимча сабоқ берарди. Устоз шогирдларига нисбатан талабчан бўлиб кўринса-да, жуда меҳрибон эди. У киши ўзи ишлаётган маҳобатли ҳайкалларни яратиш жараёнига шогирдларини ҳар доим жалб қилар ва ҳайкалтарошлик бир кишининг иши эмас, бунинг учун алоҳида гуруҳ тузиб ишлаш кераклигини ўқитарди. Минг афсуски, Равшан Миртожиев ҳаётдан эрта кетди.

Ҳайкалтарош яратаётган композициясини дастлаб кичик ҳажмда эскиз вариантини ишлайди. Ижодкор ўз ишдан тўлиқ қониқиб хосил қилгандан кейин баландлиги тахминан бир метрдан каттароқ ҳажмдаги моделини яратади. Кейинги жараёнда тайёр бўлган моделни керакли маҳобатли ҳажмда, гипс ёки бронзада қуйиш ишлари бошланади. Айнан мана шу жараён кўпчилик ёрдамида бажарилади. Авваллари маҳобатли ҳайкалларни бронзада қуйиш имконияти бўлмагани сабабли Россия ёки Хитойда қуйилар, бу ортиқча вақт ва харажат талаб қилар эди. 2018 йилда Жасванд Анназаров Ўзбекистон Бадиий академияси йўлланмаси билан Москва шаҳрида маҳобатли ҳайкалларни бронзада бадиий услубда қуйиш технологиясини ўрганиб келди. Кейин цех ташкил қилди. Ўзбекистонда бадиий қуйиш цехи ташкил этилгани тарихий воқеа бўлди. Энди давлатимиз томонидан лойиҳалаштирилган барча маҳобатли ишларни юртимизда бронзадан қуйиш имконияти мавжуд.


Бунга Адиблар хиёбонидаги кўпгина ҳайкаллар ёрқин мисолдир. Жасванд ва унинг гуруҳи яна катта лойиҳаларга қўл ура бошлади. Ҳалаба боғида бажарилган ишлар унинг катта ютуғидир. Бу ердаги «Матонат мадҳияси» ҳайкалтарошлик ансамблини Баҳром Норбоев ва бир гуруҳ ижодкорлар билан ҳамкорликда ишлади. Фарзандларини интизор кутаётган Зулфия Зокирова ва унинг уч келини, набиралари акс этган ҳайкалтарошлик ансамбли яратилди. Бу ишни ижодий жамоа қисқа муддатда бронзадан қуйиб ўрнатди. Мажмуа марказида Собир Раҳимов ва унинг ёнида ўн тўрт Иккинчи жаҳон уруши қахрамон акс эттирилган. Композициядаги Собир Раҳимов сиймосини ҳайкалтарош Анвар Раҳматуллаев яратган.

2019 йил Франциянинг Руэльмалмейзон шаҳрида Бухоро ва Руэльмалмейзон шаҳрининг ҳамдўстлиги рамзи сифатида тиббиёт илми султони Абу Али ибн Синога ҳайкали қуйилди. Албатта, Францияда буюк бобокалонимиз ҳайкали ўрнатилиши катта воқеа. Бу ҳайкални Ж. Анназаров ишлади. Франциядаги Лувр музейини томоша қилиб, ўзи учун кўп нарса олди. Музейдаги санъат асарларини кузатар экан, аввал Луврда асарларни чуқур ўрганиб, кейин Ибн Сино ҳайкалини ишлашим керак экан, деган фикрга келди. Жасванд талабчан рассом. У тунни тонга улаб ишлайди. Шунинг учун ҳам у 33 ёшида Ўзбекистон халқ рассоми унвонига сазовор бўлди.

– Бронзадан бадиий қуйиш цехимизни кенгайтириш масаласи долзарб бўлиб турибди. Бу масала бўйича Москвага бориб, тажриба ошириб келдик. Хитойда шу соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда амалий ишлар қилдик. Тўғриси айтиш керак, бу борада анча орқада қолганмиз. Ишимиз ривожини учун замонавий технологиялардан унумли фойдалана олишимиз керак. Асосийси, биринчи қадамни қўйдик. Энди янги Ўзбекистон қиёфасини яратиш устида ишлашимиз лозим.

Режалари ҳақида сўрасак, барча ишларини жамлаб, шахсий кўргазма ўтказиш нияти борлигини айтди. Унинг нияти амалга ошишига тилақдошмиз.

К.ЖОНТОВ





Пойтахтимиздаги Ўрол Тансиқбоев уй-музейига борган одам ўчмас таассуротлар билан қайтиши аниқ. Дастлаб ҳайратланасиз. Кейин ҳайратлардан хулоса чиқарасиз. Ўтган аср зодагонларига хос дарвозали хонадонга кириб борар экансиз, у ёғи...

Ўрол Тансиқбоев 1904 йилда Тошкент шахрида, ишчи оиласида туғилган. Бошланғич таълимни аввал рус-тузем мактабида олади. 1917 йил тамаки ишлаб чиқарувчи фабрикада шогирд, кейинчалик уста бўлиб ишлайди. Мактабда олган маълумотидан қаноатланмаган Ўрол 1919 йилда етти йиллик мактабда таҳсил олади. Мактабни битиргач, қишлоқ хўжалиги техникумига ўқишга кирди.

СЎЗСИЗ КИТОБ

Мактабда ўқиб юрган кезларида у рассомликка қизиқади. Унинг бу қизиқишига ўқитувчиси Ярослав Федорович эътибор қаратади.

Ўрол Тансиқбоевнинг бутун ижодкорлик тақдирини 1924 йил у ишлаётган заводда ташкил қилинган илк шахсий кўргазмаси ҳал қилади. Уни иқтидорли мусаввир сифатида тан олишади. Шу йили «Туркистон ҳақиқати» газетасида ёш рассом Ў.Тансиқбоев ҳақида мақола чоп этилади.

Ўзбекистон бўйлаб кўп саёҳат қилган рассом, ўз устида ишлади. Шу даврнинг барча кўргазмаларида иштирок этиб, дунёга ўзбек санъатини танитишга салмоқли ҳисса қўшди. Ўрол Тансиқбоевнинг ижоди Ўзбекистон тасвирий санъатининг юксак намунасидир. Уни «Ўзбек юрти қўшиқчиси» деб аташлари бежиз эмас. Бу атама унинг номи билан абадий боғлиқ. Ў.Тансиқбоевнинг мусаввир бўлиб шаклланишида ўзбек қишлоқларини, далаларни кезгани катта ёрдам берди.

Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев ҳаётининг сўнгги йиллари Тошкентнинг рассомлар маҳалласида ўтди. 1979 йил бу хонадон Ўрол Тансиқбоев уй-музейига айлантирилди.

Узоқ йиллик фаолиятга эга бу музей дарвозасидан қадам қўйиш билан яқин ўтмиш эсга тушади. Сатҳи кенг ҳовли. Гуллар экишга ҳам, экин экиб, фойдаланишга ҳам жой бор. Ҳовли марказида Амбарцумян томонидан ишланган Ўрол Тансиқбоевнинг бюсти ўрнатилган. Уй-музейни шартли равишда иккига бўлиш мумкин. Биринчиси истиқомат бўлими. Бу ерда рассом яшаган, меҳмон кутган, ижод қилган, хуллас, барча буюмлари ўз соҳибини кутиб турганга ўхшайди. Телевизор, соат, радио, роял, ўриндиқлар... Ўрол Тансиқбоев бугун-эрта олис сафардан қайтиб, яна шу ерда хотиржам дам олиши учун тайёр тургандек.

Иккинчи бўлим кейинчалик кўргазма зали сифатида қурилган. Икки қаватли ойнаванд бинода, рассомнинг асарлари, чет элдаги асарлари нусхалари коллекцияси жойлаштирилган. Асарлар кетма-кетлиги улғайиш пиллапояларига ўхшайди. Тобора мураккаб, тобора завқли.

Рассом устaxonасида ижодининг турли давр асарлари ва этюдлари жойлаштирилган. Бу ерда 1936 йилда ва 1935 йилда яратилган этюдларни кўриш мумкин. Рассомнинг 1943 йилда ишланган этюдида классик йўналишга қайтиш кузатилади. Шу даврда мусаввир нафақат манзара, балки тарихий, портрет ва ав-

топортрет жанрларда ҳам ишлаганини кўриш мумкин. Рассом устaxonасидаги шу каби кўплаб асарларда ҳаёт, табиат, унинг бойлигидан таъсирланиб, ўзбек халқининг ҳаётга интилиши ифодаланган. Бу ердаги оқсоч тоғлар, ям-яшил дала ва ўтлоқлар кишини ром этади. Булар Тансиқбоев одамлар характерини, халқнинг турмуш тарзини, урф-одатларини теран ўрганганини намоён этади.

Уй-музейдаги рассом меҳмонхонаси ҳам диққатга сазовор. Бу ерда барча жиҳозлар мусаввирнинг ҳаёт пайтдагидек сақланган. Хона марказида рассом дам олиш чоғларида ўқиган газета-журналлар, китоблар қўйилган айлана шаклидаги стол жойлашган. Хонанинг тўғрисида китоб жавони, залдан «Гуллар» ва «Мевалар» натюрморти ҳамда бир қатор этюдлар жой олган. Мусаввирнинг ихчам кабинети ва ижодхонасида қалам тасвир, сангина ва акварелда ишланган кичик асарлари қўйилган.

Кўргазма залининг биринчи ва иккинчи қаватларини бирлаштириб турувчи зина деворларида «Қайроққум ГЭСи» ва «Булутли кун» асарлари жойлашган. Уй-музей галереяси 1994 йилда Тансиқбоев таваллудининг 90 йиллигига атаб қурилди. Ушбу бинода ўтказилиб келинаётган кўргазмалар музей мавқеини янада оширди.

Зиналарни туташтириб турувчи майдончада мусаввирнинг мольберти ва шифокор А.Назаров томонидан ҳаёда этилган пианино мавжуд. Томошабинлар назарига бу ерда Тансиқбоев ҳаётининг айрим дамларини ифодаловчи фото ҳам экспозиция қилинган. Мольбертга У.Тансиқбоев ҳаётининг сўнгги кунларида тушган сурат қўйилган.

– Ушбу уй-музейнинг ташкил этилишида Ўрол Тансиқбоевнинг умр йўлдоши Елизавета Яковлевна ташаббус кўрсатган, – дейди уй-музей директори, санъатшунос Фарҳод Жалилов. – Саккиз йил музейда бош муҳофиз лавозимида ишлаб, рассомнинг ҳаёти ва ижоди бўйича тарғибот ишларини олиб борди. Бу ерга келувчиларга Ўрол Тансиқбоевнинг ижод йўлида оиласининг ўрни ҳақида сўзлаб берамиз. Рассом бўлишни ният қилган ёшлар, талабалар келиб, ўзлари учун керакли маълумот олади.

Уй-музейдан қайтар эканмиз, бир инсоннинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида битилган ажойиб асарни ўқигандек бўлдик.

К.НИЁЗОВ



Шахматни ўйлаб топган одамнинг отасига минг раҳмат. Ўзиям хўп ажойиб нарса-да. Айниқса, ўйин пайтида ёки ўйиндан, аниқроғи, ғалабадан кейин айтиладиган гаплар, ҳазил-мутойибалар, теша тегмаган ид-даоларнинг нашъу намосига нима етсин! Қандай гаплар дейсизми? Мана, эшитинг.

Айтайлик, рақибингиз мушкул аҳволда узоқроқ ўйланиб қолди. Истайсизми-йўқми, хаёлга беихтиёр ўша машҳур кўшиқ келади ва сиз уни секин хиргойи қилганингизни сезмай қоласиз.

– Ўйлатиб қўйдим сени...

Рақибингиз ҳам анойилардан эмас. Ўйлай-ўйлай қутулиш чорасини топгандек бўлади. Қарши ҳужумга ўтиб,

Энди ўйлаш гали сизга келади. Рақибингизнинг ҳам бинойидек тили чиқиб қолади. Сизнинг аҳвол-руҳиянгни ўзича шундай шарҳлайди:

– Оҳким ҳамдарад йўқ дард ошкор айлай десам...

Сиз жавоб қайтаришга улгурмай, яна «большевикча» зарба берилади:

– Агар душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлайдилар...

Рақибингизнинг бемаврид тантанасидан андак озорлансангиз ҳам ўзингизни босиб, сал маданийроқ жавоб қиласиз:

– Дўстлар айтмас бу сўзни яқин кўрсалар...

Рақибингиз ҳамон паст келмайди:

– Дўст азиз, ҳақиқат ундан азиз!

Ахийри ортиқча пачакилашиш жонингизга тегади. Рақибингизнинг «пиёдахўр»лигидан фойдаланиб, бир сипоҳ ва икки пиёдани кетма-кет қурбон қиласиз. Рақибингиз текин ҳадяларни бажонидил уриб олаверади:

– Жиғ десанг-да жейман,

Виғ десангда жейман.

Ниҳоят, сиртмоқни шартта тортиб, рақибни икки юришда мот қиласиз:

– Агар шоҳи жаҳон бўлсанг,

Ўларсан оқибат бир кун...

Рақибингиз мот бўлса ҳам тақдирга тан бергиси келмагандек, бошини чангаллаб қолади. Оғир хўрсиниб, афсусланади:

– Охирида озгина хато қилиб қўйдим-да, аттанг!

– Алам қилса, қалампир чайнанг!

– Рақибнинг хатосидан фойдаланиб ютиш – ғирромлик!

– Ие?! Арпа уни баҳона экан-да! Тан беринг-да энди.

Хумордан чиқиш учун рақибингизни эзадиган гаплар айтасиз.

– Начора, ўтмас пичоқ қўл кесар деб шуни айтадилар-да! – рақибим жамики «камтар» шахматчилар каби отдан тушса ҳам эгардан тушгиси келмайди. Менимча, тўғри қилади. Акс ҳолда у асл шахматчиға ўхшамай қолади-да!

– Майли, – дейсиз рақибингизга гўё илтифот қилган бўлиб, – сиз тан бермасангиз ҳам мана мен тан бераман, анча яхши қаршилик кўрсатдингиз. Қойилман!

Рақибингиз ҳам бўш келмайди:

– Бунақа катта гапирсангиз бошқа қолиб бермайман. Келинг, яхшиси яна биттадан ташлашайлик! Аммо билиб қўйинг, бу гал сийлаб ўтирмайман!

– Йиқилган курашга тўймас экан-да! Сиз билан бошқа ўйнамайман. Савиям тушиб кетади! Илмимни хор қилиб нима қиламан?!

– Қўрқяпман деб қўя қолинг!

– Ким қўрқар экан? Менми?

– Ҳа, сиз! Ўйнашга ботинмаяпсиз-ку!

– Майли, келинг, сазангиз ўлмасин. Дарвоқе, энди фарзинни олиб қўйиб ўйнайман. Шунда сал ўйин бўлармикан дейман-да...

Ғаройиб шахмат чархпалаги яна бошидан айланади. Айтдим-ку, шахматни ўйлаб топганнинг отасига минг раҳмат. Қанийди, иложи бўлса-ю, шахмат тахтасидаги сеҳрли олтмиш тўртта катакнинг биттасига кириб жойлашиб олсам...

Ғаройиб чархпалак

Шодмон ОТАБЕК

Ҳажвия

оти билан шоҳингиз қароргоҳига ташланади. Энди ўйлаш гали сизга

келади, аммо сир бой бермайсиз.

– Менга яқинлашма эй тирик бўса...

Ишонч ила айтилган бу сўзлар ўз таъсирини ўтказди, рақибингизнинг пешонаси тиришади. Кетма-кет сигарета тутатади. Сиз олдинги мисрага уйқашроқ қилиб, янгисини тўқиб ташлайсиз:

– Чекириб қўйдим сени...

Рақибингизнинг ногоҳ бошқа хонага сакраган оти сиртмоққа илинади-ю, типирчилай-типирчилай жон таслим қилади. Сизнинг илҳомингиз жўшиб кетади:

– Оқ тулпорим бор эди,

Афсуски қазӣ бўлди...

Рақибингизнинг иродаси мустаҳкам экан, барибир мувозанатини йўқотмайди. Унинг нега филни сўл қанотдан ўнг қанотга ташлаганини тушунолмайсиз. Ҳайрат ила сўраган бўласиз:

– Мақсад?

– Пайровни нозик илғаган рақибингиз бир зум «Бой ила хизматчи»даги Солиҳбой қиёфасига киради:

– Мақсад – хотинингни қўй дейман!

Ана, холос! Ноилож тилингни тишлайсиз – эгри қоқиққа эгри тўқмоқ-да! Бу ўйиннинг ёзилмаган қойдаси шунақа!



Рассом Ҳусан СОДИҚОВ

«ҚАҲРАМОН ШОИР» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

«АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ»
МУАММОНОМАСИ

Аввал Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ижодига мансуб қуйидаги шеърий сатрларда келтирилиб, рақамларда яширинган калит сўзларни топинг.

«Халқим» шеъридан:

1. Агар бола бўлсанг, бағримга босиб,
Елкамда кўтариб юрарман, халқим.
Агар ота бўлсанг, сенга 4, 10, 3, 14, 7, 2, 15,
Таянч, асо бўлиб турарман, халқим.

«Алишер» шеъридан:

2. Жаҳон меҳробиди 24, 1, 8, 13, 14 Алишер ...
Шодмон қасида айт сен ҳам, эй куёш!
Беш юз йил унга ҳам нима гап ахир,
Мингга қадам қўйди йигирма беш 18, 11.

«Абдулла Қодирийнинг сўнги сабоғи» шеъридан:

3. Бирингиз Отабек, бирингиз Кумуш,
Доим яшнаб турсин 7, 16, 22, 12, 2, 3, 12, 2, 6 боғи.
«Озод Республикам» шеъридан:

4. Етти Ҳаж савобин топгум бегумон,
Сени бир қуйласам, эй Хурриятим!

Озод Республикам – жумҳуриятим!

Ўзбекистон – 19, 23, 17, 2, 4, Ватан жонажон,
«Бобур» шеъридан:

5. Айтинг не топдингиз Сиз кезиб дунё,
21, 1, 3, 10, 6 боқисарлар шўришга тўлиб.
Шоирсиз, яхшиси, қолингиз, Мирзо,
Мушфиқ юртингизда бир шоир бўлиб.

«Диалектика» шеъридан:

6. Чора битта: Ниятингни эзгуликка бур,
Фақат шунда 12, 20, 6, 1, 5 бўлиб кўрингай фалак.

«Наврўз» шеъридан:

7. Яна кўнгиллардан рутубат кетди,
Яна шуълалардан қамашмоқда 9, 60, 6.


Яна дилдорликнинг фурсати 16, 17, 13, 2,

Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Энди чизмадаги рақамларни калит сўзлари жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириш орқали муаммонгани ҳал этинг. Бунда улардан атоқли ижод соҳибининг яна бир шеъридан тўрт мисра аён бўлади. Ушбу шеър номи биласизми?

ЧАЙНВОРД 1. Шоирни: «Абдулла Орипов. Шоир! Шоир бўлганда ҳам анов-мановлардан эмас. Худо бутун қилиб берганлардан. Зўр!» – деб, таърифлаган Ўзбекистон халқ шоири. 2. 1988 йилда ёзган драматик достони. 3. «Соҳибқирон» тарихий саҳна асарига бош қаҳрамонни гавдалантирган устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти. 4. Шоирнинг: «Агар дўстлар эрур содиқ бир-бирин қийратиб бўлмас», сатри билан бошланувчи шеъри. 5. Шеърларини ўзбек тилига таржима қилган рус классик шоирларидан бири. 6. «... дан мосуво этмагин ҳеч ҳам, Токи у хотирот бўлиб қолмасин», сатрлари билан тугалланувчи шеъри. 7. «Шоир Азим Суюннинг қишлоғисан, сен...» сўзлари билан бошланувчи шеъри. 8. Ёш Абдулла олтин медаль билан тугатган ўрта мактаб жойлашган овул. 9. «Дунё бепоёндин, турфадин Инсон, Юлдузлар мисоли беадад қисмат. Лекин бахтга ошён бўлсин бу жаҳон, Инсонга осойиш ёр бўлсин фақат», сатрлари битилган шеъри. 10. «Жаннатга йўл» достони қаҳрамони. 11. Шоирнинг «Жуда яхши! – деймиз мана бу нарса, Гўё ҳукм каби янгра сўзимиз» сатрлари билан бошланувчи фалсафий шеъри. 12. Шоирнинг инсоний фазилат баён этилган шеъри. 13. Абдулла Орипов Фан, таълим, саноат ва санъат халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси ҳисобланган АҚШдаги штат.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**



ЎТГАН СОНДАГИ «ДОНИШМАНД ШОИР ҲИКМАТЛАРИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБИ:

Калит сўзлар: 1. Тафаккур. 2. Ким. 3. Чоғи. 4. Зое. 5. Асрабон. 6. Қуллуғин. 7. Ҳавас. 8. Халойиққа. 9. Гулшан.

Ҳикмат: Ҳар кишининг таврига лойиқ керак,
Сурати ҳолига мувофиқ керак.
Кимки улуғроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак. «Хайрат ул аброр».

ЧАЙНВОРД 1. Иззат 2. Топмадим. 3. Мурувват. 4. Табиат. 5. Такабурлик. 6. Кимники. 7. Ихтиёрсиз.